

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Қўқон давлат педагогика институти

Чет тиллар факультети

Қўлёзма ҳукукида

ҚДПИ магистри Абдурахмонова Ферузахон

**Инглиз ва ўзбек тилларидаги табу ва эвфемизмларнинг лингвомаданий
хусусиятлари**

Магистратура мутахассислиги: 5A111401 Хорижий тиллар (инглиз тили)

**Филология магистри академик даражасини олиш учун тайёрланган
диссертация**

**Илмий раҳбар – Д.Рустамов,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)**

Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди.
Кафедра мудирини –
“ _____ ” _____ 2020 й.

Қўқон - 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
БИРИНЧИ БОБ. Табу ва эвфемика лингвомаданий феномен сифатида	9
1.1. Дунё тилшунослигида табу ва эвфемизмларнинг тутган ўрни.....	9
1.2. Табу ва эвфемизм – этномаданий мулоқот унсури сифатида.....	19
1.3. Табулаштириш ва эвфемизация омиллари ва усуллари ҳақида.....	35
ИККИНЧИ БОБ. Табу ва эвфемизмларнинг лингвомаданий аспекти	42
2.1. Тил ва маданият муштариклиги ва лингвомаданиятшуносликнинг шаклланиши.....	42
2.2. Лисоний ҳодисаларнинг лингвомаданий хосланиш хусусияти ва омиллари.....	57
2.3. Оламнинг лисоний манзарасида табу ва эвфемизация.....	63
УЧИНЧИ БОБ. Инглиз ва ўзбек тилларидаги табу ва эвфемизмларнинг лингвомаданий таҳлили ва таржимаси масалалари ..	72
3.1. Инглиз ва ўзбек тилларидаги табу ва эвфемизмларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ва уларни лингвомаданий таҳлили.....	72
3.2. Инглиз ва ўзбек лингвомаданиятига ҳос табу ва эвфемизмларнинг таржима қилиш усуллари ва муаммолари.....	83
УМУМИЙ ХУЛОСА	103
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	108

КИРИШ

Табу ва эвфема ходисаси тил ва тафаккурнинг пайдо бўлиши билан узвий шаклланган, тараққий этган, инсоннинг муомала эҳтиёжи, нотиклик талаби асосида тилнинг ўзи каби эволюцион босқичларни босган, эндиликда ўз ўрганиш объектига эга бўлган супернутқий қатламдир. Бугунги табу ва эвфемика тадқиқи шуни кўрсатадики, кишилар ўртасидаги алоқа воситалари воқеликни баён этиш – уни ифодалаш усули даражасига кўра, бир-бири билан узвий боғланган уч қатлам: тил (хабар, алоқа), нутқ (муносабат, мулоқот), супернутқ (эвфемик, экспрессив-эмоционал муомала)дан ташкил топади. Нутқ – тилнинг, эвфемик қатлам эса нутқнинг ҳосиласидир. Эвфемик нутқ тафаккурнинг, инсон ақл заковатининг олий формаси, «қаймоғи», воқеликнинг пардозланган, "парда ичига олинган", беозорлаштирилган, юмшатирилган образли ифодасидир¹.

Табу ва эвфемия – тарихий этнографик категория. Лекин у услубий восита сифатида қачон, қайси асрда пайдо бўлганлиги ва шаклланганлигини исботловчи матнларга эга эмасмиз. Бундан қатъи назар, эвфемик нутқ тил каби қадимий бўлиб, ибтидоий тузумга, уруғ, қабила тилларига бориб тақалади. Гап шундаки, табу ва эвфема қўллаш удуми тил тараққиётининг барча босқичларида, ҳамма халқларда, барча социал қатлам ва гуруҳлар нутқида ўзига хос тарзда амал қилган. Бироқ ўтмишда эвфемик қатламнику кўйинг, тилнинг тарихий тараққиёт босқичлари деярли ўрганилмаган². Табу ва эвфемия этнографик ёки этнолингвистик планда, асосан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ҳар хил сабаблар муносабати билан тадқиқ қилина бошланган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, табу ва эвфемизм ибтидоий дин, онги ожиз одамларнинг ғайритабиий дунёқараши, хурофот, бидъат, расмрусумлар таъсирида пайдо бўлган эскилик қолдиқлари, булар жамиятнинг кейинги тараққиётида – маданийлашган босқичларида йўқ бўлиб боради деган

¹ Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.3.

² Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.3

карашлар³ ўзини оқламайди.

Бундан ташқари, ҳали табу ва эвфемизмнинг лингвомаданий аспекти, турли халқлар лисоний манзарасида табулаш асослари; эвфемизмнинг ўрганиш объекти, мезон ва меъёри, кўлами, чегараси, тил тизими (сатҳи)га муносабати ўрганиш методлари кенг илмийназарий асосда ҳали тадқиқот талаб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослиги тилда халқ тасаввурлари ва дунёқарашининг акс этиши масаласига ҳамиша қизиқиб келган. Шу боисдан фанимизмнинг ҳар бир босқичида бу масалага доир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган ва бу муаммо билан тилшуносликнинг алоҳида йўналишлари шуғулланган. Замонанинг характеристикаси бўлган глобаллашув халқларнинг ўзига хослигига муайян таъсир ўтказиб келаётгани турли соҳа олимлари тамонидан қайд этилади. Шу маънода кейинги вақтларда олим ва сиёсатшунослар халқлар орасидаги маданий-цивилизацион фарқлар қийматининг ўзига хослигига қаратишмоқда. Этномаданий қадриятларнинг асосий ташувчиларидан бўлган тил бирликларини лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ қилиш замонавий тилшунослик фанининг асосий йўналишларидан бўлиб қолди⁴.

Жаҳон тилшунослигида, умуман олганда, тил ва маданият, тил ва маънавият, тил ва мулоқот муносабати тадқиқига эътибор кучайганлиги уларни ўзида яққол акс эттирувчи табу ва эвфемизация тадқиқининг ҳам муҳим масала эканлигини кўрсатади. Тилнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг бирликларининг табулаштириш ҳамда эвфемик кўлланишларидир. Табу ва эвфемик ҳодисалар ўзида тил ва маданият муштараклигини акс эттиради. Улар халқларнинг миллий-маданий хусусиятларининг пайдо бўлиши ва ўсиши билан узвий боғлиқдир. Бугунги

³ Кацев А.М. Эвфемизмы в современном английском языке: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. -Л., 1977. - 19 с.

⁴ Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. Филол. фанл. б. фал. док. ...дисс. автореф. – Фарғона. 2018. – 3 б.

кунда тилшунослик лисоний имкониятларнинг нуткий хусусиятларини антропоцентрик асосларда тадқиқ қилишга юз бурган экан, бунда миллий, шахсий менталитет ва дунёқараш билан чамбарчас боғлиқ табу ва эвфемизацияни инглиз ва ўзбек тиллари миллий манзариси қиёсий планида илмий тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилмоқда.

Мамлакатимиз тилшунослигида ҳам тилнинг миллий маданият ва маънавиятни ўз бирликларида сақлаш ҳамда намоён қилиши муаммолари марказий ўринни эгалламоқда. Бунда тил, миллий маданият, миллат менталитети, миллий дунёқараш ва маънавият яхлитликда талқин қилинади. Бугунги кунда «...илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»⁵га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида тилнинг ички имкониятларини эгаллаш миллий маънавиятни такомиллаштириш ва уни ёшлар онгига сингдиришда алоҳида аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли Фармони; 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ВМҚ-304-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу магистрилик диссертацияси муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида табу

⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси /президент.уз/уз/листс/виев/137).

ва эвфемика ҳодисаларининг ўрганилиши кўп асрлик тарихга эга. Инглиз ва ўзбек тилшунослигида эвфемизмлар бўйича қатор ишлар амалга оширилган.⁶ Уларда табу ва эвфемизмларнинг турли хусусиятлари, уларнинг ҳосил бўлиш хусусиятлари ҳақида қимматли фикрлар баён этилган. Бундан ташқари, бу борада кўплаб ишларда табу ва эвфемизмлар ҳақида йўл-йўлакай айрим фикрлар баён этилган. Бироқ табу ва эвфемизмларнинг қўлланишининг лингвомаданий хусусиятлари инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий планида махсус тадқиқот мавзуси бўлмаган, монографик йўсинда ўрганилмаган. Шу боисдан ушбу тилларда табулаштириш ва эвфемизация жараёнида иштирок этадиган лингвомаданий хусусиятларни очиш ва уни миллий-ментал муҳит билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги табу ва эвфемизмларнинг лингвомаданий аспекти тадқиқ қилишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқотда кўзда тутилган асосий мақсадга қуйидаги вазифаларни амалга ошириш асосида эришилади:

Инглиз ва ўзбек тилларидаги табу ва эвфемизмларни тил ва маданият муштараклиги тамойили асосида талқин қилиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги табу ва эвфемизмларни лингвомаданий моҳиятини очиш;

инглиз ва ўзбек лингвомаданийига хос табу ва эвфемизмлар умумий ва хусусий жиҳатларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги табу ва эвфемизмлар танланган.

⁶Артюшкина Л.В. Семантический аспект эвфемистической лексики в современном английском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – М., 2002; Бушуева Т.С. Прагматический аспект эвфемизмов и дисфемизмов в современном английском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Смоленск, 2005; Бойко Т.В. Эвфемия и дисфемия в газетном тексте: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – М., 2005; Бердова Н.М. Эвфемизмы в свете теории вторичной номинации: Автореф. дисс... канд.филол.наук. – М., 1998; Крысин Л.П. Эвфемизмы с современной русской речи. Русский язык конца столетия. – М.: ЭКСМО, 1996; Исмагуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Т., 1963; Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик воситаларнинг функционал хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди. ...дисс. – Тошкент, 1997; Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол.фанлари д-ри ...дисс. – Тошкент, 2009; Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати: Филол.фанлари номзоди. ...дисс. – Тошкент, 2012.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларидаги табу ва эвфемизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифий, компонент, лингвокультурологик ҳамда прагматик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Инглиз ва ўзбек тилларидаги табу ва эвфемизмларни лингвомаданий моҳияти очиб берилган;

инглиз ва ўзбек лингвомаданиятига хос табу ва эвфемизмлар умумий ва хусусий жиҳатларини ёритилган.

табу ва эвфемизмларнинг олам лисоний манзарасидаги ўрни, ҳосил бўлишининг ўхшашлик ва фарқлилик диалектикаси асослари очиб берилган;

табу ва эвфемизмларда миллий-маданий тасаввурларнинг роли кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Инглиз ва ўзбек тилларидаги табу ва эвфемизмларни лингвомаданий тадқиқи натижасида чиқарилган хулосалар тилшунослик учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, стилистика ва прагматикага оид назарий ҳамда амалий курсларнинг ташкил этилиши, дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари ҳамда илмий хулосаларидан прагматика ва назарий тилшунослик йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб боришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот материаллари тилшунослик ва лингвомаданиятшуносликда мулоқот жараёнида миллий-маданий стереотиплар ҳамда табу ва эвфемизм муаммосини тадқиқ этишда ёрдам беради. Шунингдек, мазкур магистрлик диссертацияси мавзусига доир таҳлиллар натижасида олинган илмий-назарий хулосалар таълим ва тарбия жараёнида тилдан амалий фойдаланиш кўникмаларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мазкур магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти ундаги

хулосалардан «Нутқ маданияти асослари», «Прагмалингвистика», «Лексикология», «Стилистика» ҳамда татбиқий тилшуносликнинг қатор йўналишлари ўрганилувчи фанлар ва махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 107 саҳифани ташкил этади.

БИРИНЧИ БОБ. ТАБУ ВА ЭВФЕМИКА ЛИНГВОМАДАНИЙ ФЕНОМЕН СИФАТИДА

1.1. Дунё тилшунослигида табу ва эвфемизмларнинг тутган ўрни

Табу (табу, табо, табоо) сўзи Полинезиянинг Тонга тилидан олинган бўлиб, ман этмоқ, таъқиқламоқ тушунчасини англатади. Бироқ унинг полинезия ва меланезия шеваларида қўлланадиган тапу, капу, тамбу каби диалектал синонимлари, "ман этмоқ" тушунчаси билан бирга, "кияли" (зарарли, зиён етказиш кучига, хоссасига эга бўлган нарсалар) деган маънони ҳам англатади.

“Табу” сўзи ва тушунчасининг ўз даврида йирик ҳудудни эгаллаган Ағилшин империяси тилига кириб келишида, сўнгра халқаро термин сифатида тарқалишида Ер шарини кемада уч марта айланиб чиққан, 1768-1779 йилларда Тинч океанининг кўпгина ороллари, Австралия ерлари ва аҳолисининг урфодатларини тадқиқ қилган, географик кашфиётлар очган, машҳур сайёҳ, этнограф олим Жемс Кук (Капитан Кук) нинг хизматлари каттадир⁷.

Бундан табу тушунчаси – табулаш анъанаси ХВИИИ асрларда полинезийларда келиб чиққан эканда деган хулосага келинмайди, албатта.

Табунинг этногенезисини, яъни қаерда, қачон пайдо бўлганлиги, қайси уруғ, қабила ёки халқнинг удуми эканлигини айтиб бериш қийин. Зотан, у ижтимоий, тарихий-этнографик ҳодиса бўлиб, тил ва тафаккур каби қадимийдир. Унинг илдизлари ибтидоий онгнинг, яхшилик ва ёмонлик тушунчаларининг пайдо бўлиши, борлиқнинг илоҳийлаштирилиши (фетишизм), руҳ тушунчасининг пайдо бўлиши (анимизм), кўчиб юриши (реинкарнация – таносух), ҳайвонларга сиғиниш (анимализм), умуман, тотемик, мифологик тасаввурларга бориб тақалади⁸.

Ибтидоий даврда – варварликнинг қуйи босқичларида юзага келиб,

⁷ Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати: Филол.фанлари номзоди. ...дисс. – Тошкент, 2012. – Б.11.

⁸ Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.11.

одатга айланган, бироқ борабора жамият тараққиётига ғов бўла бошлаган одамхўрлик (каннибализм: сонбал – одамхўр), одамни қурбонлик қилиш, 22 юрак қонини ичиш, қизларни тириклай кўмиш, эр ўлса, хотини ва буюмларини кўшиб кўмиш, мархумга тегишли ашёларни қабр устида куйдириш (мархум ўзи билан нарсаларини ҳам олиб кетади маъносида), кексаларни гавургонга олиб бориб ташлаш, ўлгандан кейин этини кузгунларга едириб, суягини кўмиш, қонга қон, жонга жон олиш; ота-бола, она-бола, ака-сингил ўртасидаги жинсий алоқа, никоҳ (эндогамия), кўп эрлилик ва кўп хотинлилик (полигамия, гетеризм), одам сотиш ва сотиб олиш каби ғайритабиий, ғайриинсоний, ғайриахлоқий одатлар ман этилган (табулаштирилган)⁹.

Ибтидоий табу билан маданийлашган жамиятдаги табу воқеликка муносабат нуқтаи назардан айнан бир хил эмас, албатта. Биринчи ҳолатда узоқ давом этган объектив жараённинг, кейингисида кўпроқ субъектив ёки диний қарашларнинг таъсири кучли. Масалан, ислом шариати томонидан аёллар юзини очиб юриши тақиқланганлиги (табу), чўчка, кузгун (маслик) гўштини истеъмол қилиш, шароб (май), қон ичиш қатъиян ман этилиши (ҳаром қилиниши) каби¹⁰.

Табу ҳодисаси, баъзи олимлар айтганидек, жамиятнинг кейинги тараққиётида йўқолиб кетмайди, балки ўзига хос шаклларда юз бериб туради. Табу агар жамиятнинг табиий тараққиёт қонунлари асосида юз берса, ижобий натижаларга олиб келади.

Агар табу тараққиётга хизмат қилмайдиган, субъектив ёки ғайритабиий мақсадлар билан амалга оширилса, салбий оқибатларни келтириб чиқаради: таталитар тузумдаги динлар, диний эътиқодлар ёки "Наврўз" каби байрамларнинг ман этилиши ва б.

Табуни ифода объектга кўра, социал ёки этнографик табу ва лингвистик табу терминлари остида иккига ажратиш мумкин. Биринчи ҳолат

⁹ ҳтп:// ввв.стйлистисс.академис.ру

¹⁰ Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.15.

кўпроқ тарихчилар, этнографлар, иккинчи ҳолат тилшуносларнинг ўрганиш объектидир. Ташқи томондан улар ўртасида боғланиш йўқдай кўринса-да, аслида бундай эмас: этнографик табу термини остида тарихан шаклланиб одатга айланган, бироқ маълум сабабларга кўра, ман этилган ижтимоий ҳаракат, воқелик ёки одат тушунилса, лингвистик табу термини остида маълум сабабларга кўра, бирор воқелик ёки предметнинг ўзи эмас, унинг номини тўғридан-тўғри тилга олиш ман этилади. Бундан ташқари, баъзи ҳолларда этнографик табу лингвистик табунинг шаклланишига бевосита сабаб ҳам бўлади. Масалан, чўчка гўшти ейиш, ароқ ичиш одатининг исломда ман этилиши (этнографик табу) билан боғлиқ воқелик номлари ҳам тўғридан-тўғри тилга олина бермаган. Чўчка сўзи ўрнида қора кийик, оқ кўй; ароқ сўзи ўрнида ичимлик, шиша, оқ, захри қотил, оғу, халиги эвфемалари қўлланилган. Аёллар юзи очиқ юришининг ман этилиши (этнографик табу) билан боғлиқ "юзи очиқ" ёки "очиқ" тушунчасининг у ёпиқ, у пардада, у хижобда, у чимматда, у паранжида, у пешбандда, у рўмолда каби эвфемалари юзага келган.

Бу ҳақида профессор А.Ж.Омонтурдиевнинг фикрларига қўшиламиз :
“... ёввойиликнинг ибтидоий даврларида одамхўр инсонлар тилидаги бугун "битта одам ўлдирдик", "битта одам сўйдик", "гўштини едик", "қонини ичдик" каби тушунчалар эвфемалаштирилмаган, бунга зарурат бўлмаган деб фараз қилганимизда ҳам, бу жараён каннибализм ман этилган (этнографик табу)дан кейинги даврларда эвфемалаштирилган бўлиши керак. Гарчи бунда эвфемик воситалар қўлланганлигини муайян матн – манба асосида айтиш имкониятига эга бўлмасак-да, ҳозирги тилдаги "қонхўр", "оғзидан қон ҳиди келади", "оғзи қон", "қон ялаган", "қонини тўккан"; "қонингни ичаман", "қонингни симираман", "бошига етди", "гўштингни ейман", "бошини еди", "юрагингни кабоблаб ейман", "жонга жон", "қонга қон оламан" каби воситалар одам ўлдирмоқ, сўймоқ тушунчаларининг эвфемик сигнафикаторидир. Сўнграқ юзага келган "йўқотмоқ", "гумдон қилмоқ", "нобуд қилмоқ", "асфаласофилинга жўнатмоқ" кабилар эса нисбий

эвфемалардир»¹¹.

Уруғчилик тузумида уруғ аъзоларидан бири ўлдирилса, ўлдирган киши ёки унинг уруғидан бирор киши ўлдирилиши шарт бўлган. Бунда ўлдирмок тушунчаси ўрнида "ўлимга-ўлим", "қонга-қон", "жонга-жон олмоқ" (инглиз тилида ҳам "деатх фор деатх", "а лифе фор а лифе") эвфемик сигнафикатори кўлланилган. Бу одат (ўлдирганни ўлдириш одати) ман этилгач (этнографик табу), ўлимга-ўлим эмас, ўлимга хун тўламоқ (одам баҳосини тўлаш), бадал тўламоқ, товон тўламоқ нисбий эвфемалари шаклланган.

Тилшунос олим А.Ж.Омонтурдиевнинг этнографик табулар асосида эвфемик birlikларни шаклланиши ҳақидаги қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: "Уруғ ичида никоҳ ман этилгач (этнографик табу), қиз бошқа уруғдан олинган, ҳатто, олиб қочиб келинган (ҳозирги "Келин олиб қочди" одати шундан қолган). Келин атамаси ҳам аслида "келгинди" (кел+ин) сўзининг эъозланган – эвфемиклашган шакли. Русча невеста (не+веста – не вести) сўзи заминида ҳам аслда "келгинди" тушунчаси келгинди эмас, эъозланиб (не приезжая) – ўзимизники тарзида эвфемалаштирилган. Бошқа бир уруғ ёки қабила хонадонига тушиб келган қиз (келгинди) шу хонадон аъзолари билан тенг ҳуқуқли бўлмаган (аслда келинларнинг тонг қоронғусида туриши, ҳовли супуриши, чой қўйиб бериши, таъзим қилиши шундан қолган), эрининг, ота-онаси ва қариндошларининг номларини тилга олиши ман этилган (табу)ки, бу ҳолат келин нутқида символик эвфеманинг ("келин тили"нинг) шаклланишига сабаб бўлган (келинлар нутқидаги Кенжа, Кичик қиз, Сарик сочли қиз, Мулла ака, Мудир ака каби эвфемик мурожаатлар)"¹².

Қулдорлик тузуми майдонга келгач, қул ва қулдорнинг асл номи (масалан, Асқар, Салим)дан ташқари, уларнинг социал атамалари (қулдор, қул) ҳам ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ҳолда, у ёки бу даражада табулаштирилган – тўғридан-тўғри айтилмаган¹³. Натижада қулдор учун *хўжа, хужайин, соҳиб, master, sir, baboo, mister, boss; қул учун хизматкор,*

¹¹ Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.16.

¹² Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.16.

¹³ Кўрсатилган асар. – Б. 17-18.

мардикор, чоракор, ходим, навча, чўри, оқсоч, жория, servant, vassal, asolyte, menial, maid, каби нисбий эвфемик атамалар юзага келган. Табулаштириш ва эвфема кўллаш қонуниятлари жамиятнинг барча тараққиёт босқичларида ҳам амал қилган.

Соҳа мутахассислари ва тилшунослар олимлар табу термини бир-бири билан узвий боғланган уч (баъзан икки) босқичли тушунча: 1) воқелик (масалан, кўкнор ейиш, ароқ ичиш, ўғирлик қилиш одати)ни; 2) воқелик номи – субъекти (кўкнор, ароқ, ўғри)ни очик айтишни ман этиш; 3) эвфема кўллаш зарурати. Бунда этнографик табу бирламчи ҳодиса бўлиб: а) лингвистик табунинг; б) эвфеманинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади деб эътироф этишади.

Табу аслида этнографик тушунча бўлсада, кейинчалик лингвистик термин сифатида ҳам кўлланила бошлаган. Шу сабаб бир неча тилшунос олимлар ўз ишларида этнографик ва лингвистик табу терминларини кўллаганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкун. Этнографик табу, асосан, тарихий-этнографик воқеликларни, лингвистик табу, асосан, тил ҳодисаларини, шу билан боғлиқ шаклланган эвфемология – услубшуносликни ўрганади. Бу учала соҳа бир-биридан узилган, алоҳида соҳалар эмас, улар тилшуносликнинг мустақил соҳаси бўлмиш этнолингвистика, когнитив лингвистика ва лингвомаданиятшуносликнинг ўрганиш объектидир. Бу фан – йўнаалишлари, лингвистика ва нутқшунослик, гносеология, маданиятшунослик ва тилшуносликнинг шунчаки кўшилмаси эмас, балки янги шаклланган яхлит объект – бир бутун фаннинг фазаларидир. Зотан, лингвистик табу заминида халқлар тарихи, урф-одати, расм-русуми, ахлоқ-одоби, хулқ-атвори, удумлари, руҳий-психологик, мифологик эътиқоди, бир сўз билан айтганда, дунёқараши – менталитети, маданияти мужассам.

Ҳар қандай этнографик табу – этнографик ҳодисадир. Масалан, совчи кўйиш, унаштириш удуми (этнографик ҳодиса) муносабати билан совчи нутқи табулаштирилади (қизингиз Мехринисони ўғлим Тоштемирга хотинликка беринг дейилмайди). Туш таъбирлаш – йўллаш (этнографик

ходиса) вақтида, кўрқинчли бўлса, табулаштирилади (хонадонингизда ўлим бўлади дейилмайди). Яхши туш бўлса, табулаштирилмайди. Таъкидлаш керак, ҳар қандай этнографик ҳодиса табуни келтириб чиқармайди. Масалан, тўй билан боғлиқ "ун сепиш", "кампир ўлди", "оёқ босиш", "ойна кўрсатиш", "соч сийпатиш", "оловдан сакратиш" каби удумлар номининг ўзи кўлланилаверади. Англашиладики, этнолингвист маълум даражада этнограф бўлиши мумкин, бироқ ҳамма этнограф ҳам лингвист бўла бермайди. Зотан, баъзи йирик этнографларнинг асарларида табу билан боғлиқ маълумот ёки фактларга дуч ҳам келмаймиз¹⁴.

Демак, этнолингвистика фани табу билан боғлиқ бўлган этнографик материални ўрганади.

Этнолингвистикада этнография ва лингвистикагина эмас, илмнинг социолингвистик, этимологик, топонимик, археологик, антропологик, этик-эстетик, этномаданият, нотиклик, теологик каби соҳалар ҳам учрайди.

Табу ва эвфемия этнолингвистиканинг ўрганиш объекти эканлиги ва бу фан ҳақидаги фикрлар дастлаб И.Т.Гердер (ХВИИИ аср) ва В.Гумбольдт (ХИХ асрнинг боши)дан бошлангани билан, у ХИХ аср охири ва ХХ аср бошларида фан сифатида шакллана бошлаган. Шу асосда Америка ерли халқлари маданияти, урф-одатларини тадқиқ қилган этнограф олим Ф.Боас, лингвист, этнограф Э.Сепир ва уларнинг издоши Б.Уорфлар томонидан давом эттирилган. Бундан ташқари, Н.И.Толстойнинг этнолингвистикага бағишланган қатор ишлари диққатга сазовор¹⁵.

Тилшунос олим А.Ж.Омонтурдиев табу ва эвфема ҳодисасини “тил ва тафаккурнинг пайдо бўлиши билан узвий шаклланган, тараққий этган, инсоннинг муомала эҳтиёжи, нотиклик талаби асосида тилнинг ўзи каби эволюцион босқичларни босган, эндиликда ўз ўрганиш объектига эга бўлган

¹⁴ Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. - М.: Наука, 1976. - 323 с.

¹⁵ Толстой Н.И. Некоторые проблемы и перспективы славянской и общей этнолингвистики // Известия АН СССР, серия литература и язык- 1982. - Т.41. - №5. - С. 397-405.

супернуткий қатламдир” дея изоҳлайди¹⁶. Бугунги табу ва эвфемика тадқиқи шуни кўрсатадики, кишилар ўртасидаги алоқа воситалари воқеликни баён этиш – уни ифодалаш усули даражасига кўра, бир-бири билан узвий боғланган уч қатлам: тил (хабар, алоқа), нутқ (муносабат, мулоқот), супернутқ (эвфемик, экспрессив-эмоционал муомала)дан ташкил топади¹⁷. Нутқ – тилнинг, эвфемик қатлам эса нутқнинг ҳосиласидир. Эвфемик нутқ тафаккурнинг, инсон ақлзаковатининг олий формаси, «қаймоғи», воқеликнинг пардозланган, "парда ичига олинган", беозорлаштирилган, юмшатирилган образли ифодасидир¹⁸.

Табу ва эвфемия – тарихий этнографик категория. Лекин у услубий восита сифатида қачон, қайси асрда пайдо бўлганлиги ва шаклланганлигини исботловчи манбаларга эга эмасмиз. Бундан қатъи назар, эвфемик нутқ тил каби қадимий бўлиб, ибтидоий тузумга, уруғ, қабила тилларига бориб тақалади. Гап шундаки, табу ва эвфема кўллаш удуми тил тараққиётининг барча босқичларида, ҳамма халқларда, барча социал қатлам ва гуруҳлар нутқида ўзига хос тарзда амал қилган. Табу ва эвфемия этнографик ёки этнолингвистик планда, асосан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ҳар хил сабаблар муносабати билан тадқиқ қилина бошланган. Табу ва эвфемия ҳодисасининг пайдо бўлиш сабаблари, уларнинг қандай мақсадларда кўлланилишига доир тилшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида анчагина манбаълар: илмий ишлар, мақолалар, йўл-йўлакай айтилган фикрлар мавжуд бўлиб, қуйида булар ҳақида қисқа тўхталамиз.

Ж.Вандриес: "Эвфемизм – бу ман этилган луғатнинг мулойимроқ ва маданийроқ формасигина, холос"¹⁹, – дейди.

Л.А.Булаховский: «Эвфемизмлар ёмон фикр уйғотадиган нарса ёки ҳодисанинг асл номини алмаштириш ва улар ҳақида сўз орқали ёвуз кучларни чақиритиш "ҳавфи"ни туғдирмай гапириш, ... ҳаммадан олдин

¹⁶ Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.25.

¹⁷ Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.25.

¹⁸ [хттп:// www.stylistics.academis.ru](http://www.stylistics.academis.ru)

¹⁹ Вандриес Ж. Язык. - М.: Соцэкгиз, 1937. - 410 с.

"хавфнинг олдини олиш" формуласидир", – деб ёзади²⁰.

Н.А.Самойлович олтой аёллари айтиши мумкин бўлмаган 42 та сўзнинг луғатини беради. Масалан, козоқ, қирғиз аёллари эрлари ва уларнинг ака-укалари отларига қўшиб айтиладиган бўри, қўй, қўзи, дарё, камиш сўзларини айтмаслик каби²¹.

А.А.Реформатский табу ва эвфемизм ходисасини кенгрок планда тушунган ва:

1) ҳарбий дипломатия талаби билан мамлакат, шаҳар, корхона, ҳарбий қисм ва айрим атоқли шахс номларини бирор шартли белги билан алмаштирилишини *н, нн, х, у, з*;

2) одоб нуқтаи назаридан, хавфли касаллик номларини ошкор айтмаслик учун лотинча терминлар, қисқартма белгилар билан аталишини (ракни *сонсер*, туберкулезни *тбс*, операцияни *сургисал дисеазе* дейиш ва б.);

3) ўғрилар нутқидаги яширин қўлланадиган сўз ва ибораларни ҳам (ўлдирмоқни *тикиб қўймоқ*, ўғирламоқни *сотиб олмоқ* дейиш каби) эвфемизм ҳисоблайди²².

И.В.Арнольд инглиз тилида эвфемизмнинг луғавий маъноси, таърифи, эвфемизм қадимдан олимлар эътиборини жалб қилганлиги, кейинчалик ахлоқий нормалар учун, масалан, Худонинг номи эвфемалаштирилганлиги кабилар ҳақида тўхталган²³.

Ш.Ч.Сат табулаштириш туваликлар фаолиятида, хусусан, уларнинг жонли тилида, фольклорида: қўшиқ, мақол, топишмоқларда, шунингдек, чорвадорлар, овчилар, аёллар нутқида фаол қўлланиши; энг кўп йиртқич ҳайвон, захарли ҳашорат номлари, ўлим билан боғлиқ жараёнлар табулаштирилганлиги ва бунда қўлланадиган эвфемик воситалар ҳақида бой материал берган²⁴.

Н.Ц.Басчаева эвфемизм термини остида салбий моҳиятли предмет ёки

²⁰ Булаховский Л.А. Введение в языкознание. Часть ИИ. -М.: Наука, 1953.- 175 с.

²¹ Самойлович А.Н. Женские слова у алтайских турков // Язык и литература. - Л., 1929.- Т.111. - С. - 124-125.

²² Реформатский А.А. Введение в языковедение. - М.: Просвещение, - 544 с.

²³ Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. -М.: Наука, 1957.-186 с.

²⁴ Сат Ш.Ч. Табу и эвфемизмы в тувинском языке // Советская тюркология. - Баку, 1981. - №5. - С.45-46.

вокеликларни юмшатиб тасвирлашни тушунамиз²⁵, – деб ёзади.

Ўзбек тилшунослигида табу ва эвфемизм ҳақида унга ёндош ходисаларни ўрганиш муносабати билан йўл-йўлакай айрим фикрлар баён этилган²⁶.

Бироқ бундан табу ва эвфемизм ўзбек тилшунослигида ўрганилмаган эканда, деган хулосага келмаймиз. Бу масала Неъмат Исмадуллаев томонидан илмий планда ўрганилган. Олим 1964 йилда "Ҳозирги ўзбек адабий тилида эвфемизмлар" мавзусида номзодлик илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган. Муаллиф ўзининг бу тадқиқотида биринчи бўлиб табу ва эвфемизмга доир бой маълумотлар тўплаган, уларга муносабат билдирган, умумлаштирган, илмий ва амалий хулосаларга келган.

Н.Исмадуллаев ўзбек тилидаги эвфемизмларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақида гапиргач, уларни гуруҳлайди (масалан, заҳарли хашоратлар номи ўрнида қўлланадиган эвфемизмлар, йиртқич ҳайвонлар номи ўрнида қўлланадиган эвфемизмлар, хотинқизлар тилида ишлатиладиган эвфемизмлар каби) ва ҳар бир социал қатлам нутқида қўлланадиган эвфемизмларнинг муомаладаги аҳамиятини, луғат составини бойитишдаги қимматини таҳлил қилиб берган²⁷.

Тадқиқотчи Д.Рустамова ўзининг фалсафа докторлик ишида этномаданий қадриятларнинг табу ва эвфемизм билан боғлиқликдаги таҳлили, метафорик эвфемизация ҳамда уларнинг тур ва усуллари ҳамда метафорик эвфемизациянинг лингвокогнитив, социал ва прагматик

²⁵ Босчаева Н.Ц. Эвфемистичность в диалогической речи. - Л.: ЛГУ, -178 с.

²⁶ Абдуллаев Ф. Узбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир // УзР ФА Тил ва адабиёт институти асарлари.-Т.: Фан, 1949.- Б. 25-26.; Бегматов Э.А. Номлар ва одамлар. -Т.: Фан, 1966.- 56 б.; Исмадуллаев Н. Эвфемизми в современном узбекском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Т., 1963; Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик воситаларнинг функционал хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди. ...дисс. – Тошкент, 1997; Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фанлари д-ри ...дисс. – Тошкент, 2009; Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати: Филол. фанлари номзоди. ...дисс. – Тошкент, 2012.; Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. Филол. фанл. б. фал. док. ...дисс. автореф. – Фарғона, 2018.

²⁷ Исмадуллаев Н. Хрзирги узбек тилида эвфемизмлар // ТошДПИ нинг «Илмий асарлар»и. - Т.: ТошДПИ, 1963. - Т.42; китоб И. -Б. 3-59.; Исмадуллаев Н. Эвфемизмларнинг луғат составини ва суз маъноларини бойитишдаги аҳамияти // Тош ДПИнинг «Илмий асарлар»и. - Т.: ТошДПИ, 1964. - 2-китоб. - Б. 3-12.

аспектлари борасида бир қанча қимматли фикрларни билдириб ўтган²⁸.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тилнинг эвфемик қатлами – эвфемологияни услубшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида ўрганишни, эвфемик синонимлар луғати (семантик-функционал луғатлар) тузиш ҳамда унинг тематик ва изоҳли турларини яратишни тақозо қилади. Бу – бугунги услубшуносликнинг долзарб масалаларидан бири саналади.

²⁸ Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. Филол. фанл. б. фал. док. ...дисс. автореф. – Фарғона. 2018

1.2. Табу ва эвфемизм – этномаданий мулоқот унсури сифатида

Ахлоқий маданият тизимида қадриятлар алоҳида ва юксак аҳамиятга эга. Улар халқ ўтмиши билан боғлиқ бўлиб, маънавий тарбияга эҳтиёж ва зарурат кучайганда, маънавий муаммоси долзарблашган бир пайтда мўътабар бир тушунча, ўтмиш ва келажак уйғунлигини таъминловчи муқаддас омил, ахлоқий мувозанатни барқарорлаштиришда енгилмас куч сифатида қаралади. Қадрият категорияси, айниқса, миллий юксалишнинг муҳим паллаларида миллий озодлик, хурлик, эркинлик, ўлмас урф-одатлар ва удумлар, миллий ўзлик тушунчалари билан мустаҳкам бир сирада қаралади. Жамият, миллат ва шахс учун ўта юксак аҳамиятга молик нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одатлар, удум ва бошқалар қадрият тизимини ташкил этади.²⁹ Қадрият кенг қамровли ва серқирра тушунча бўлиб, унинг фалсафий, ахлоқий, маърифий, лингвистик каби кўплаб жиҳатларга эгаллиги тавсиф ва талқин қилишни мураккаблаштиради. Ҳодисанинг серқирраллиги унинг изоҳи ва талқинида номукамалликлар юзага келишига сабаб бўлади. Этномаданий қадриятлар ўзликни сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш, этник ва миллий конвергенциялар хавфидан омон қолишга ва этник мустақиллик асосида ривожланишга, этник онг ва дунёқарашни тобеликдан холи тутишга хизмат қилади. Этник қадриятлар этник жамоавийликнинг асосидир. Этник жамоа эса генетик, ижтимоий-иқтисодий, табиий-жўғрофий омилларнинг таъсири остида юзага келади³⁰. Бу эса қонуний ва объектив жараён бўлиб, ўзини англаш ва ўзгалардан фарқлаш асосида содир бўлади. Ўзликни англаш ва бу ўзликнинг бошқаларидан фарқларини англаб етиш ҳар қандай миллий ёки этник онгнинг замирида ётади. Инсон онг ва ўзликни англаш жараёнини содир

²⁹ Фалсафа: комусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: Шарқ, 2004. – 476 б.

³⁰ Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. Филол. фанл. б. фал. док. ...дисс. автореф. – Фарғона. 2018. – 47 б.

этувчи фаол субъектдир. Албатта, онг англашни келтириб чиқаради. С.Л.Рубинштейннинг куйидаги фикрлари аҳамиятли: “Онг ўзни англаш, шахс «мен»идан туғилмайди, ўзни англаш шахс онгининг ривожланиши даврида, қачонки у реал мустақил субъект бўлиб шакллангандагина пайдо бўлади”.³¹ Этник ўзликни англаш, бизнинг хоҳиш-иродамиздан катъи назар, социал онг шаклларида бири сифатида хусусият, характер ва образларни зид қўйиш асосида шаклланади. Ўз ва ўзга фарқланади. Фарқ асосида муносабатнинг тури вужудга келади. Бу – табиат ва инсон, инсон ва инсон, инсон ва рух каби кўринишларда юзага чиқади.

Этник маданиятни қадриятлар кўзгусида турлича тасаввур қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Шу маънода кейинги вақтларда олим ва сиёсатшунослар халқлар орасидаги маданий-цивилизацион фарқлар қийматининг ўзига хослиги миллатлараро ва давлатлараро конфликтлар сабаби эканлиги ҳақида тўпланган тажриба ва хулосалар асосида тадқиқотчиларнинг асосий эътиборини этнослар орасида нифоқ туғилишига, уларнинг бир-бирдан ажралиши, бегоналашуви, ёвлашувига олиб келадиган қадриятларга қаратишмоқда.

Ҳар хил этномаданият орасидаги нифоқларга алоҳида қадриятлар кўзгусида назар ташлаган Р.Бенедикт ўз даврида шундай ёзган эди: «ҳар бир маданият, бошқалари наздида, фундаментал онгни менсимайди, тўғатмайди ва мавжуд бўлмаган нарсаларни ишлаб чиқаради. Бир маданият қийинчилик билан пуллар қадрига етса, бошқаси учун эса улар кундалик турмуш, хулқ асосидир. Технология ҳатто бир жамият ҳаётининг муҳим соҳалари, жабҳаларида мисли кўрилмаган тарзда заиф, ўта примитив, бошқа бирида эса технологик ютуқлар мураккаб ва маълум бир вазиятлар учун жуда моҳирлик билан ҳисоб-китоб қилинган. Бир жамият ёшликнинг, иккинчиси – ўлимнинг, учинчиси эса ўлимдан кейинги ҳаётнинг улкан маданий суперструктурасини қуради.»³²

³¹ Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – М., 1946. – С. 677.

³² [хтtps://books.google.co.uz/books?id=0eL63Жс0ЕдМС](https://books.google.co.uz/books?id=0eL63Жс0ЕдМС)

Ф.Барт ва С.Хантингтон каби ғарб олимлари ҳам халқларни бўлиб ташлашга олиб келадиган муайян этник ва цивилизацион қадриятлар ҳақида ҳам қимматли фикрларни билдиришган. Ф.Барт этносларнинг чегарасини белгилайдиган, этник фарқларни кўрсатадиган маданий қадриятлар қиймати хусусида тўхталса, иккинчиси халқларни аниқ-тиниқ ажратадиган муайян маданий-тамаддуний қадриятларни кўрсатади. Шундай қилиб, индивидуализм, либерализм, қонун устуворлиги, эркин бозор ва б. Ғарбий Европа, АҚШ америкаликлари учун ўта аҳамиятли қадрият бўлиб, бу ислом, конфуцийчилик, православ ва бошқа маданиятлар учун маълум даражада бегоналиги билан характерланади.

Маълумки, алоҳида, узилган, системадан ажратилган қадриятларни фарқловчи ва муайян этномаданият белгиловчиси сифатида қараш етарли эмас. У этномаданиятнинг қиёсий моҳиятини очишга хизмат қилади, бироқ у ёки бу маданиятни яхлит идрок этиш (яъни у айна пайтда этнослараро муносабатларни тўғри тушуниш ва бошқаришда муҳим аҳамиятга эга) учун асос бўла олмайди. Бу эса ҳар бир этноснинг маданий ривожланиши учун ишончли стратегия, этнослараро ҳамкорлик муносабатларининг узок муддатли истиқболлини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Тадқиқотчилар этник маданият ҳақида шундай тўхтамга келишганки, этник маданиятнинг бир кўринишини умуман этник маданият яхлит тизимидан ажратган ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Этномаданият яхлит система бўлиб, маданиятнинг ҳар бир элементи система таркибида аҳамиятга эга. Масалан, маданиятнинг бир шаклини бошқа маданият таркибида қараш унга қутилмаган тус беради. Бурятлардаги сўйилган молнинг қонини меҳмонга қўйиш ҳолатини ўзбек миллий маданияти таркибида, ўзбеклардаги қайнатилган қўйнинг калласини энг азиз меҳмонга қўйиш, мол гўштини истеъмол қилишни ҳинд маданий тизимида баҳолаш мумкин эмас.

Этник маданиятни системавий қадрият сифатида тавсифлаш ҳар хил тушунилиши мумкин. Масалан, Г.Олпорт бунда асосий 6 мотивга таяниш лозимлигини таъкидлайди: назарий, иқтисодий, эстетик, социал, сиёсий ва

диний. У ёки бу мотивацияга мувофиқ равишда маданий типлар намоён бўлади. Олайлик, иқтисодий тип теварака-атрофдаги нарсаларни фойдалилик нуқтаи назаридан системалаштиради, эстетика учун шакл ва уйғунлик, социал мотивация учун халққа муҳаббат, сиёсий мотивация ва ҳокимият учун кураш маданияти муҳим ҳисобланади ва қадрият тусида бўлади.

Тил умумбашарий ва умуминсоний қадриятга дахлдор бўлса, миллий тил миллий қадрият, тилнинг лаҳжа ва шевалари этник қадрият ифодаловчиси сифатида мавжуд. Тилнинг қадриятлар тизими билан муносабати лингвомаданиятшунослик соҳасидаги энг чигал ва мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Тил қадриятми, қадрият ифодаловчисими деган саволларнинг қўйилиши ва унга нисбатан жавобларнинг турличалиги ва кўп ҳолларда, бирининг иккинчисига зиддиятли моҳиятга эгаллиги ҳам ана шу ҳолатлар билан боғлиқдир. «Тил маданият феномени сифатида маданий ўзини ўзи ташкил этиш воситаларига эга бўлиб, у тўғри лисоний мулоқот ўрнатиш учун хизмат қилади. Оғзаки тилларда нутқ сўзлашнинг фольклор қоидалари мавжуд бўлиб, барча халқлар орасида деярли бир ҳил тарзда нутқ ҳақидаги мақолларда шаклланади. ...тартибга солишнинг воситалари ташкил этувчи сифатида тилнинг ўз таркибига киради ва алоқа маданиятини таъминлайди.»³³

Кўп асрлардан бери тил ва маданият, тил ва қадрият муносабати муаммоси кун тартибидан тушмай келаётир. Муаммо бугунги кунда кун тартибида бор бўйи билан намоён бўлди ва мунозаралар майдонига айланди. Муаммо уч йўналишда қаралмоқда:

- 1) қадрият ва тил ўзида бутун-қисм муносабатини акс эттиради;
- 2) тил қадриятнинг ифодаловчисидир;
- 3) тил қадриятнинг унсури ҳам, шакли ҳам эмас³⁴.

Э.Сепир маданиятни жамиятнинг ҳатти-ҳаракати ва ўй-фикри, тилни эса унинг қандай фикрлаши деб билади.³⁵

³³ Рождественский Ю.Д., Блинов А.В. Введение в языкознание. – Москва: Академия, 2005. – С. 23–24.

³⁴ Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. Филол. фанл. б. фал. док. ...дисс. автореф. – Фарғона. 2018. – 47 б.

Н.И.Толстойнинг фикрича, маданият ва тил ўртасидаги муносабатга бутун ва унинг қисми ўртасидаги муносабат сифатида қараш мумкин. Адабий тил ёки фольклор тили ҳақида гап кетганда, тил маданият компоненти ёки маданият қуроли (булар бир нарса эмас) сифатида қабул қилинади. Бироқ тил бир пайтнинг ўзида бутун бир маданиятга нисбатан ҳам автономдир, шунинг учун уни маданиятдан алоҳида (доим шундай) ёки тенг маъноли ва тенг ҳуқуқли феномен сингари маданият билан қиёслаб ўрганиш мумкин бўлади.»³⁶

Аmmo ҳар қандай тил соҳиби шу тил мансуб миллат, этнос маданиятининг ҳам соҳиби сифатида эътироф этилади. Тил маданиятнинг коди, унинг ифодаловчи белгиси, унга таянган ҳолда маданиятнинг моҳияти ҳақидаги тасаввурлар шаклланади. Шу асосда айтиш мумкинки, тил ҳар қандай ҳолда ҳам, ўз соҳибининг миллий-ментал мансублигини кўрсата олар экан, муайян маданий муҳитда тегишли лисоний муҳит ҳам мавжуд экан, демак, тил ва қадрият, тил ва маданият муносабати маконий ва замоний умумийлик асосида ўзаро боғланади.

Тилнинг қадриятлар билан боғлиқлигини бир неча кўринишларда тушуниш мумкин:

- а) тил асосида қадриятлар хусусида ахборот олинади;
- б) тил қадриятлар ҳақидаги билимларни ўзида сақлайди.

Масалан, миллий-ментал қадрият сифатида мавжуд бўлган ўзбекона андиша қадрияти *андиша* сўзи замирида, унга ўранган ҳолда мавжуд. Андиша қадрият бўлганлиги учун у ушбу сўз билан аталганми, ёки андиша сўзи ушбу ҳолатни пайдо қиладими деган саволларнинг қўйилиши тилнинг семиотик вазифаси нуқтаи назаридан мантиқсиз тус олади. Зеро, *андиша* сўзи андиша эмас, шу сўз ифодалайдиган воқелик андиша, яъни қадриятдир. Шу маънода айтиш мумкинки, «Маданият «тил қобиғида» яшайди ва ривожланади. Илгари маданият «буюмлашган» бўлса, замонавийлари борган

³⁵Сепир, Э. Язык, раса, культура // Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М, 1993. – С.193.

³⁶Толстой, Н. И. Язык и культура // Язык и народная культура. Очерки по славянской мифологии и этнолингвистике. – М., 1995. – С.16

сари вербаллашиб боради. Тил маданиятга хизмат қилади, лекин уни таърифламайди; у борлиқнинг ўрнини гўёки сўз билан ифодаланган сароб каби вербал иллюзаларни яратишга қодир. Тил – бу киши маданият ҳақида маълумот оладиган воситадир; бу инсоннинг маданиятда мавжудлигида ётади»³⁷

Мулоқот антропоцентрик ёндашувнинг марказий масалаларидан бирига айланди. Диққат қилинса, теваракдаги ранг-баранглик ва турли-туманликлар этник маданият ва қадриятлар фонида янада мураккаблашади. Бири иккинчисини айнан такрорлайдиган нарсани топиш даргумон. Табиат, жамият ва инсон шууридаги ҳар хилликларни кўз олдимизга келтирайлик. Теварагимиздаги одамлар-чи? Ташқи кўриниши, тили, дини, фикри, орзу-мақсад, армонлари, муомала-муносабатлари...Тасаввурни тафаккур измига бўйсундирмасликнинг иложи йўқ. Ана шу шароитда мулоқот маданиятининг роли ва ўрни қай даражада бўлиши лозим? Жамиятда ўз ўрнини топиш ва уни сақлаш илинжидаги ҳар бир зот учун бу масала *ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот ё фалокат, ё саодат, ё ҳалокат* мақомида эканлигини инкор қилувчи топилармикин? Бу ҳолат «онг ости» ёки «онг усти» каби айқаш иборалар билан ҳам тушунтирилиши мумкин. *Инсон учун нондан кейинги энг азиз нарса мактабдир.* (Рус халқ мақоли). Хўш, ушбу ўринда *мактаб* сўзини кўчма маънода тушуниш, уни мулоқот мактаби кўринишида қабул қилишга интилиш ўзини оқламайдими?

Биз мураккаб таркибли мамлакатда яшаймиз. Турли миллат, этнос, дин ва диний конфессиялар, турфа қарашлар ва оқимлар мавжудлиги юртимизнинг этник жиҳатдан маргиналлиги билан белгиланади. Бу эса кишиларнинг мулоқот маданиятига муайян талабларни қўяди, ўзаро мулоқотда ўта нозик этномаданий ва этнопсихологик тамойилларга нисбатан жуда ҳушёр муносабатда бўлишни тақозо қилади.

Бу айниқса, расмий ва ишбилармонлар учрашувларида, хизматчиликда,

³⁷ Базарова Л.В. К вопросу о соотношении языка и культуры // Образование и культура России в изменяющемся мире. – Новосибирск, 2007. – С. 72–76.

тадбир ва маросимларда алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, америкалик ишбилармон ёки расмий вакил музокарадан сўнг эркин бўлишга қулайлик учун оёқларининг бирини иккинчисининг устига қўйиб ўтиришга одатланган. Бироқ бу ҳолатни беписандлик деб билган япон ишбилармони ҳатто қўлга киритилган келишувдан воз кечиши мумкин. Япон миллий-руҳий стереотипик тизимида бундай ҳолат йўқ.

Глобаллашув, хусусан, маданиятлараро алоқаларнинг зичлашуви мулоқот тизимининг ўзига хос кўринишларида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бу, айниқса, бир томондан, мулоқот маданиятининг ўсиши, иккинчи томондан эса, айрим ҳолларда ёшлар нутқининг қўполлашуви тенденцияларида кўзга ташланади. Интернет тизимида ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш суръатининг кундан-кунга ошиб бораётганлиги натижасида коммуникатив мақсадга тезроқ ва осонроқ эришиш учун объектив ва субъектив омиллар таъсирида имло қоидаларини бузиш ҳолларининг кучаяётганлиги, қолаверса, бу тизимда назорат қилиш имкониятининг чекланганлиги, ахборот узатишнинг лисоний жамоа кузатувидан холилиги жаргон, вульгар нутқий бирликларнинг ўз-ўзидан оммалашувига олиб келмоқда. Бу салбий ҳолат, кўп ҳолларда, бошқа маданий муҳитдан озикланиш, ўзга маданий муҳитдаги мулоқот воситаларига авомий ҳавас ва тақлид қилиш оқибатида ҳам вужудга келмоқда. Масалан, рус кинофильмларида ва бошқа ажнабий тилларда берилаётган кўрсатувларда Шарқ маданий муҳитида муқобилларининг қўлланиши мутлақо табулаштирилган *сука, сволочь, падло, гад, подонок, подлец, засранец, жоба, культура давания* каби сўз ва бирикмаларнинг беҳад кўп қўлланаётганлиги миллий маданиятлараро мулоқот кучаяётган бир шароитда ўзга этник маданият намоянларининг ахлоқий қиёфасида ўз изларини қолдирмоқда³⁸. Масалан, рус оммавий ахборот воситаларида сўз

³⁸ Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. Филол. фанл. б. фал. док. ...дисс. автореф. – Фарғона. 2018. – 57 б.

эркинлиги ниқоби остида кўплаб ножўя ифодалар олдидаги пардаларнинг «олиб ташланиши» натижасида жумлалар бемалол ишлатилмоқда.

Бир вақтлар мутлақо махсус матн ва суҳбатларда қўлланадиган тиббий ёки биологик атамаларнинг ҳозирда ўзбек оммавий ахборот воситаларида кенгроқ қўлланилаётганлиги мулоқот муҳити ва маданиятининг ўзгариб бораётганлигини кўрсатади. Демак шу нарса маълум бўладики, нутқда қўлланадиган тил бирликларини фақат тил бирликлари сифатида семантик ёки семантик-функционал талқин қилиш уларнинг моҳиятини очиш учун торлик қилади. Лисоний бирликларнинг моҳиятини улар амал қиладиган мулоқот муҳити, қўлланиш замирида ётган социал-маданий ва лисоний омиллар муштараклигида, лингвомаданий аспектда таҳлил қилиш ва шу асосда тадқиқотларни «тил ўзида» тамойили асосидаги муҳитдан олиб чиқиб, мулоқот маданияти юксалиши учун хизмат қилдириш бугунги маданиятлар тўқнашуви ва «кураши» шароитида муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади³⁹. Бу ҳолат анъанавий лингвистик тадқиқотларда кўп ҳолларда тадқиқотчиларнинг диққат марказидан четда қолиб келди. Бугунги кунда лисоний ифодаларнинг маданий меъёр ва қоидаларга муносабатини ойдинлаштириш лингвокультурологик тадқиқотларнинг эътиборини жалб қилаётганлиги эса тилшуносликнинг омма учун хизмат қилишга киришаётганлигини кўрсатади.

Мулоқот маданияти даражасини, нутқий маданият савиясини кўрсатувчи муҳим воситалардан бири эвфемистик ифодалардир. Эвфемизм қўллаш кўп ҳолларда табу ҳодисаси билан боғланади. Табу эса миллий руҳиятнинг намояндаси, кўзгуларидан биридир. Қуйида табу ҳодисасининг ментал руҳият билан муносабати хусусида сўз боради.

Табу ҳодисаси ва табулаштириш инсоният тафаккури билан боғлиқ ривожланган. Ибтидоий тафаккур борлиққа тилсим омили асосидаги муносабатни вужудга келтиради. Сеҳр омили магик тафаккурни

³⁹ Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. Филол. фанл. б. фал. док. ...дисс. автореф. – Фарғона. 2018. – 57 б.

шакллантиради. «Ҳаётга тилсимий (магиявий) муносабат маълум предметларни фетишга айлантириб, уларга сиғинишга, у ёки бу жониворни (ёки ўсимликни) тотем ҳайвон (уруғнинг асосчиси, манбаи) деб эълон қилишга ва унга сиғинишга олиб келади. Тилсимий муносабат табу (тақиқ)га таянади. Магияда табу сакрал (муқаддас) аҳамият касб этади ва турмуш меъёрига, қоидасига айланади. Ибтидоий одамнинг табиат ва ҳаёт тилсимларидан, сирларидан кўркуви табуда намоён бўлади.»⁴⁰ Албатта, табунинг илдизи кўркув, пойдевори ҳадик бўлиши мумкин. Лекин табуни фақат кўркув ва ҳадик натижасидаги руҳий ҳолат, кайфият билан чеклаш унинг моҳиятини торайтиради, деб ўйлаймиз.

Инсоният тафаккури ривожланиши билан, унинг ҳаётга, ўзига, ўзгаларга, табиатга муносабати ҳам тараққий этиб боради. Бугунги кунда минг йиллар давомида шаклланган магик тасаввурлар аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Аммо уларнинг янги турлари пайдо бўлаётганлиги ҳақида маълумотлар йўқ.

Маълумки, табу (полинезча – «тақиқлаш») Полинезияда пайдо бўлган.⁴¹ Полинезия этник муҳитида бу этник қонуниятнинг бузилиши шахс учун оғир оқибатларни келтириб чиқарган. Табулар жамият аъзоларини табақалаштириш сиёсатида хизмат қилган ва ўзига хос магик мафкуравий сиёсат қуроли вазифасини бажарган.

Бора-бора табулаштиришнинг иккинчи босқичи бошланган. Инсон учун нима хавфли бўлса ва хавфдан қутулишнинг бошқа чораси қолмаганда, табуга «суянган», ундан нажот кутган. Табиий офатлар, инсон ҳаётига кутку солувчи ҳайвонлар, ҳашаротлар табулаштириб борилаверган. «Ибтидоий даврларда табиат ҳодисаларининг сирини била олмаган инсон кўркув уйғотадиган сеҳрли ва зарарли ёвуз кучлардан, жин, арвоҳлардан, офатли

⁴⁰ Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. – Т.: Маънавият, 2007. – 55 б.

⁴¹ [хтпс://уз.википедиа.орг/вики/Табу](https://uz.wikipedia.org/wiki/Табу)

касаллик ва йиртқич ҳайвонлардан сақланишнинг ягона чораси уларнинг номини айтишни ман этиш, атамаслик деб тушунган.»⁴²

Табулаштиришнинг учинчи босқичида кўрқув ҳадикка, ҳадик гуноҳга, гуноҳ эса андишага айланиб борган. Натижада «киши номига нисбатан табу кенг тарқалган. Масалан, ўлганнинг номини, дохий ёки подшоҳнинг, маъбудларнинг номини ва баъзи қариндошлар (қайнота, қайнона, эр, қайноға) нинг номини айтиш, уларни овоз чиқариб чақириш тақиқланган ва бундай атоқли отлар тегишли тавсифий иборалар билан алмаштирилган. Овланадиган, тирикчилик манбаи бўлган ҳайвон номлари, кишини сескантирадиган жониворлар ва бошқа воқеа-жараёнлар ҳам баъзан табулаштирилган. Масалан, *чаён* сўзи ўзбек шеваларида *эшак*, *беном*, *газанда*, *айриқуйруқ*, *бешбўгин* ва бошқа номлар билан аталган.»⁴³ Гуноҳ ва андиша тушунчалари қоришган ҳолларни кўрамиз. Масалан, қайнона ва қайнота исмини табулаштиришни маълум маънода кўрқув ёки ҳадик билан боғлаш мумкиндир. Бироқ келиннинг ўзи келин бўлмасдан олдин туғилган ҳатто чақалоқларнинг ҳам исмини айтмаслиги анъанавий тафаккур натижасида одатга айланиб қолган ва уни бугунги кунда айрим этномаданий муҳитда маданият намунаси, истиҳола, андишанинг бир кўриниши сифатида баҳолаш мумкин. Ёки *ўлим* сўзини ҳали этник мулоқот маданияти шаклланмаган, мулоқот савияси етилмаган болалар нутқида учратиш, кейинчалик унинг ўрнида ички андиша асосида эвфемизмларини қўллашнинг ҳам шу билан боғлаш мумкин. Демак, бугунги табу фетишга алоқадор эмас ёки, бошқача айтганда, улардаги фетишистик моҳият унутилган, табуга онг усти муносабат онг остига кириб кетган ва онгсиз кўриниш касб этган, одатга айланган.

Табу этник табиатли эканлиги билан характерланади.

⁴² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 8– жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – Б . 218–219.

⁴³ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 8– жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – Б . 218–219.

Табу сўз ва бошқа ифодаларнинг семантик ўзгаришини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, *қайнини* сўзини табулаштириш натижасида унинг ўрнида қўлланадиган *кичкина*, *эрка* сўзларининг семантик моҳияти ушбу ҳолатда этник мағиз билан алмашади. Эвфемистик восита табу шарофати билан янги семантик қиймат касб этади. Ёки бош фарзанднинг исми билан эрнинг хотинини, хотиннинг эрини аташи ҳам ифодаланмишнинг маъносини кенгайтиришга олиб келади.

Этник табу уч асосда вужудга келади.

Қўрқув асосидаги табу. Қўрқув асосидаги табу, асосан, умуминсоний бўлиб, бу кўпроқ ғайритабиий ва илоҳий кучлар ва касалликлар номлари билан боғлиқ. Лекин ҳайвон ва жонивор номларини табулаштириш миллий ва этник табиатлилиги билан характерланади. Масалан, тоғли ўзбекларда бўрини *меҳмон*, *жондор*, ёмон, *ит* сўзлари билан аташда этник қўрқув намуналарини кўришимиз мумкин.

Тактик асосдаги табу. Тактик асосдаги табунинг жуда кўп намуналарини тадқиқотчи Х.Қодированинг номзодлик диссертациясида кузатамиз. «Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар янги-янги нутқий бирликларнинг вужудга келишига сабаб бўлганидек, сиёсий шахсларни ҳам умумахлоқий ва маданий жиҳатдан тўғридан-тўғри ифодаламасликка уриниш ҳолатлари янги бирликларнинг вужудга келишига ёки мавжуд атов бирликларининг янги маъно ва вазифа касб этишига сабаб бўлиши мумкин. Бу воситалар сиёсий-публицистик ёки бадиий услубда эса ўша тарихий давр тақозосига кўра ўз аксини топади. Бунга яна ёзувчининг катта ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар муҳитида яратилган асарлари асосида яна амин бўлиш мумкин.

Валинеъмат сўзини Абдулла Қодирий асарларида икки хил маънода учратиш мумкин: киноявий эвфемик маъно ва табулашган эвфемик маъно. Ҳар икки маъно матнда, қуршов асосида юзага чиқади: *Бас, сиз билан биз ишчи-деҳқон ходими бўла туриб, нега валинеъматимизга оёғ хизматини ўтаймиз* («Шаллақи», – 253). Бу ерда *Сталин* номини алмаштирувчи мазкур

ифода услубий эвфемизм сифатида ҳурмат муносабатини юзага келтирган десак, тўғри бўлмайди. Бу сўз киноя асосидаги эвфемизм сифатида қаралишга лойиқ.

Қуйидаги жумлада бирлик ўз маъносида юзага чиққан ва эвфемик «оҳангдан» холидек тасаввур уйғотади: *Қулларидан бири валинеъматимга икки калима арзим бор, дейдир.* (МЧ – 147) «Валинеъмат»нинг исмини тутишга истиҳола мавжудлиги унинг эвфемиклигини кўрсатади.

Жаннатмакон сўзига ҳам Амир Умархон шахсини ифодалаш учун эвфемик маъно юкланган: – *Сиз «жаннатмакон»ни кўрганмисиз?» («1819 йил ёдгори», – 410).*⁴⁴

Одоб асосидаги табу. Нутқий мулоқот жараёнида айрим тушунча ва ходисаларни ўз номи билан айтиш уят саналади ва ҳодиса табулаштирилади. Бу, жинсий алоқа, уят саналадиган тана аъзолари номлари, айтилиши уят саналадиган биожараёнлардир. Ўзбек этник маданиятида жинсий алоқа табуси *ўйнашмоқ*, уят аъзолар номи табуси *ҳалиги*, биожараён номи табуси *ифлос қилмоқ*, *бўшанмоқ*, *булғамоқ* воситаларига эвфемик қиймат берган.

Табу билан боғлиқ ҳар учала ҳолат ҳам асосан миллий ва этник маданият билан боғлиқ ҳолда юз бериб, улар умуминсоний универсал ва этник хусусий жиҳатлар муштараклигидан иборат.

Мулоқот мураккаб антропоцентрик жараён бўлиб, унда инсон омили етакчилик қилади. Бироқ инсон нутқий вазият ва шароитни, макон ва замонни, тингловчининг хусусиятлари ва ҳолатини ҳам инобатга олмасдан, бу омиллар билан ҳисоблашмасдан ўз коммуникатив мақсадини амалга ошириши қийин.

Мулоқот жараёнининг у ёки бу аспекти роман-герман тиллари мисолида Г.П.Грайс⁴⁵, Дж.Р.Серль⁴⁶, Д.Франк⁴⁷ Т.А.Дейк Ван⁴⁸, И.М.Кобозева⁴⁹ каби

⁴⁴ Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати: Филол.фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 52.

⁴⁵ Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистики. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. – М.: Прогресс, 1985. – С. 217–237.

⁴⁶ Серль Дж.Р. Косвенные речевые акты // Новое в зарубежной литературе. – М.: Прогресс. 1986.

йирик олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлса, рус тилшунослигида С.Д.Кацнельсон⁵⁰, А.А.Леонтьев⁵¹, Л.В.Щерба⁵², Н.Д.Арутюнова⁵³, В.В.Богданов⁵⁴, Н.И.Формановская⁵⁵, А.А.Акишина⁵⁶, М.С.Каган⁵⁷, Л.П.Крысин⁵⁸, А.М.Бушуй⁵⁹; ўзбек тилшунослигида С.Иброҳимов⁶⁰, Р.Қўнғуров⁶¹, И.Қўчқортоев⁶², Ғ.Абдурахмонов⁶³, Т.А.Бушуй⁶⁴, Ш.Сафаров⁶⁵, Ш.Искандарова⁶⁶, С.Мўминов⁶⁷, Б.Раҳматуллаева⁶⁸, М.Камолова⁶⁹, Р.М.Авезджанова⁷⁰, Д.Тешабоева⁷¹, З.Ҳ.Утешева⁷² кабилар ҳам ҳодисанинг у ёки бу томонини тадқиқ қилишган. Олимларнинг ишларида мулоқот тизими сифатида ўрганилиб, уларда айнан лисоний

⁴⁷ Франк Д. Семь грехов прагматики: тезисы о теории речевых актов, анализе речевого общения, лингвистике и риторике. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. ХВИИ Теория речевых актов. –М.: Прогресс, 1989. –С.363–373.

⁴⁸ Дейк Ван Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989. – С. 311.

⁴⁹ Кобозева И.М. Теория речевых актов как один из вариантов теории речевой деятельности // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. –М.: Прогресс, 1989. – С. 7–21.

⁵⁰ Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука. – С.3–30.

⁵¹ Леонтьев А.А. Психология общения. – Тарту, 1973. –С. 208.

⁵² Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Л.: Наука, 1974. –С. 428.

⁵³ Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. –С. 5–32.

⁵⁴ Богданов В.В. Функции вербальных и невербальных компонентов в речевом общении // Языковое общение: единицы и регулятивы. –Калинин, 1987. –С.18–25.

⁵⁵ Формановская Н.И. Функциональные и категориальные сущности устойчивых формул общения. Автореф. дисс... докт. филол. наук. –М., 1979.

⁵⁶ Акишина Н.А. Русский речевой этикет. – М.: Русский язык, 1975.

⁵⁷ Каган М.С. Мир общения. –М.: Политиздат, 1988. –С. 138.

⁵⁸ Крысин Л.П. Речевые общение и социальные роли говорящих // Социально–лингвистическое исследование. – М.: Наука, 1976. –С. 42–52.

⁵⁹ Бушуй А.М. Проблематика теории речевой деятельности в интерпретации А.С.Супруна // Русский язык и литература в школах Кыргызстана. – Бишкек, 1999. – № 5–6. – С.143–155.

⁶⁰ Иброҳимов С. Ўзбек тили нутқ маданиятига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 1964, –№ 5. –20–23 б.

⁶¹ Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975. – 240 б.

⁶² Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. –Т.: Фан, 1975. –96 б.

⁶³ Абдурахмонов Ғ. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. – Т., 1973. – 51–55 б.

⁶⁴ Бушуй Т.А. Лексическая прагматика как общелингвистический объект // Хорижий тил таълиминингкогнитив–прагматик тамойиллари. – Самарқанд: СамДЧТИ. 2007.

⁶⁵ Сафаров Ш. Система речевого общения. Универсальное и этноспецифическое. – Самарқанд: Сам. отд. из-ва им. Гафура Гуляма, 1991. – С. 170.

⁶⁶ Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан номз... дисс. автореф. –Самарқанд, 1993. – 27 б.

⁶⁷ Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий–лисоний хусусиятлари: Филол. фан доктори... дисс. автореф. – Т., 2000. – 20 б.

⁶⁸ Раҳматуллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1992.

⁶⁹ Камолова М. Особенности формирования коммуникативной компетенции при обучении культуре узбекских учащихся лицеев с русским языком обучения. –Т., 2004.

⁷⁰ Авезджанова Р.М. Обучение русскому речевому этикету студентов национальных групп педвузов. Автореф. ... канд. пед. наук. – Т., 1991.

⁷¹ Тешабоева Д.М. Культура составления деловых писем в торговой сфере. – Т., 2008. – С. 112.

⁷² Утешева З.Ҳ. Лингвокультурологический аспект в методике обучении речевого этикета на иностранном языке: Автореф. ... канд. филол. наук. – Т., 2009. – С. 25.

имкониятларнинг нутқий воқеланиши масаласи, лисоний бирликларнинг мулоқот тизимидаги ўрни масаласи кун тартибига қўйилмаган. Қайд этилган ишларда тадқиқотнинг ўрганиш объекти лисоний тизимдан ташқарида олинган ва уларни кўпроқ лингвистик эмас, балки прагматик характердаги ишлар сифатида қараш лозим.

Мулоқот жараёни, айтилганидек, ўта мураккаб бўлиб, унинг ўзини тадқиқ объекти сифатида олишда бўлгани каби, таркибий қисмларини илмий ўрганишда ҳам кўпинча тадқиқот хулосаларининг қайси соҳага тегишли эканлиги масаласида ноаниқлик вужудга келади. Шу билан биргаликда, мулоқот жараёнида инсон омилининг устувор эканлиги, антропоцентрик ёндашувнинг етакчилик қилиши ўрганиш жараёнининг тилшунослик соҳасидан узоқлашаётганлигини кўрсатади.

Мулоқот маданиятига, умуман барча маданият ва қадриятларда бўлгани каби консервативлик хос. Ўзбек мулоқот маданиятида сўрашиш акти «Қандайсиз?» – «Яхши» параллелига эга, француз маданиятида «Ga va?» — « Ga va », инглиз маданиятида «How do you do?» — « How do you do» жуфтлиги сақланиб қолган. Ўзбек ментал муҳитида ресторан ёки чойхонада овқатланаётганда ёши улуғ меҳмонни ўриндан туриб қаршилаш одати мавжуд. Лекин инглизлар учун бош қимирлатиб қўйишнинг ўзи етарли. Мулоқот сифати эса ўзга миллат ёки этнос билан мулоқотда унинг этник маданиятидан хабардор бўлиш ва унга амал қилиш билан белгиланади.

Мулоқот жараёнида сўз қўллашнинг, ифода воситаларини ишлатишнинг ўзига хос консерватив қонун-қоидалари мавжуд. Мулоқот одоби бўйича қимматли фикрларни баён этган Юсуф Хос Ҳожибдан иқтибослар келтираемиз:

Элиг йарлықамас нэку сөзлэйин

Айытмаста ашну нэку өтнэйин

(Мазмуни: Элиг буюрмасдан қандай қилиб сўзлайин, Сўрамасдан аввал қандай қилиб арз қилайин.)

Билиглиг сөзи сэн эшит узнама

Айытмаста ашну сөзүн сөзләмә

(Мазмуни: Сен билимли сўзни эшит, бўйин товлама, Сўрамас(лар)дан олдин сўз(лар) ингни сўзлама)

Кишиг ким оқыса кэрәкляб тиләб

Ул-оқ сөзләгү ашну сөзни улаб

(Мазмуни: Кимда-ким (бирор) киши лозим топиб, истаб чақирса, У (чақирган)гина сўзни улаб аввал гапириши керак.)

Айытмаста ашну сөзүн сөзләмә

Көни сөзләди ким э йылқы тәсә

(Мазмуни: Сўрамас(лар)дан олдин сўз(лар)ингни сўзлама, (Агар сўзласанг) ким, эй йилқи, деса, у тўғри гапирган бўлади)

Тақы тәлвә мундуз киши бу билин-

Айытмастаы бәгләркә ачса тилин.

(Мазмуни: Яна телба, тентак киши шуки, билгин, (Сўз) сўрамаган бегларга сўзга тил очса).⁷³

«Қобуснома»да: «Агар сўз ва хунарни яхши билсанг ҳам, ҳеч бир сўзни синдирма, тўғри таъриф қил ва уни бир рангда айт: хосга хос сўз, омийга омий сўз дегин, токи у ҳикматга мувофиқ бўлсин ва эшитган кишига оғир келмасин, акс ҳолда сўзингни далил ва хужжат била ҳам эшитишмайди. Сўнгра уларнинг ризосига қараб сўзла, то саломат бўлгайсан»⁷⁴.

Мулоқотда иштирок этаётганларнинг қайси маданий муҳитга хослиги жараёндаги мураккабликни келтириб чиқарувчи муҳим омиллардан биридир. Турли миллат, турли этнос, ҳатто турли лаҳжадаги кишиларнинг ўзаро мулоқотида англашилмовчиликлар бўлиши табиий. Ўзбек қўнғиротлари учун пешингача «Ҳорманг» этикетини ишлатиш, инглизларда ўзаро суҳбатда «плеасе» сўзини ишлатмаслик ўта маданиятсизлик саналади. Йўлда кетаётган ўзбек йўловчиси учун эса «Йўл бўлсин?» этикет бирлиги ўрнида «Қаёққа?» шаклидаги сўроқни бериш қадриятни топташ сифатида қабул қилинади.

⁷³ Юсуф хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. 2-нашр. – Т.: Фан., 1972. – 196-197 б.

⁷⁴ Кайковус У. Қобуснома. (Форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси) – Т.: Ўқитувчи, 1986. –41 б.

«Миллий сабр-қаноат ва ўзаро ҳурмат — нафақат «катталар дунёси», балки болалар ҳамкорлигидаги ўткир муаммолардан биридир. Ҳозирги кунда кўп миллатли синф – йирик шаҳарнинг хоҳлаган мактабида тез-тез учрайдиган ходиса. Синф ўқувчиларини қадай қилиб бир-бирлари билан дўст, инोक қилиш мумкин? Қандай қилиб миллатлараро нафрат ниҳолларининг болаларимиз қалбига кириб боришининг олдини олиш, имкон бермаслик мумкин? Этномаданий фарқлар ҳақида билимга эга бўлиш, миллати ва динидан қатъи назар бошқа одамларга ҳурматда бўлиш толерантлик, бағрикенгликнинг шаклланишига имкон беради. Кўп миллатларнинг ўзига хос саломлашиш урф-одатларига эътибор қаратишнинг ўзи кифоя:

- бағрига босиб қучоқлаш ва юзлардан уч маротаба ўпиш (Россияда)
- қўлларни хоч шаклида кўкракка қўйган ҳолда, енгил эгилиб таъзим қилиш (Хитойда)
- бир-бирлари билан бурун учларини текизиб ишқалаш (эскимослар анъанаси)
- қўлларни сиқиб, ҳар иккала юздан ўпиш (Францияда) ва б.»⁷⁵

Айтилганлар мулоқот жараёнининг ўта мураккаблигини кўрсатувчи айрим фрагментар далиллардир. Аммо шунинг ўзиёқ мулоқот жараёнини ўрганиш ва тадқиқот натижаларининг амалий татбиқ билан боғлашнинг нечоғлик мушкуллигини кўрсатади. Шунга қарамасдан, муайян этномаданий муҳитда сўз қўллаш, ифода воситаларидан самарали ва оқилона фойдаланиш малакасини ўстириш миллатларо ва этник мулоқот вазиятида бағрикенглик тамойилларининг устуворлашувига босқичма-босқич эришиб боришнинг қанчалик аҳамиятга моликлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

⁷⁵ Ангаева С.П., Тыхеева Ю.Ц. Ключ к общению (этнокультурные и этнопсихологические особенности коммуникации). –Улан-Удэ: Изд-во ВСГТУ, 2007. – С. 15.

1.3. Табулаштириш ва эвфемизация омиллари ва усуллари ҳақида

Табу ва эвфеманинг шаклланишидаги тарихий этнографик жараёнларни – этнолингвистиканинг объектини ўрганмасдан, эвфемик маънога мезон ва меъёр белгиланмасдан, уни (эвфемани) ёндош, ўхшаш, турдош, жинсдош ходисалардан фарқлаб ёки чегараланмасдан туриб, эвфемистик тадқиқотни амалга ошириб бўлмайди.

Бу борада маълум қийинчилик мавжудки, у, аввало, биз текшираётган объектнинг ечими билан боғлиқ бўлиб, нутқни бадиий тасвирий воситаларининг талқинидаги айрим назарий нуқсонлар билан характерланади.

Булар қуйидагилар: 1) омонимия, синонимия, антонимия, полисемия, метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, фигура, парафраза, перифраза, мақол, матал, қанотли ибора, эпитет, муболаға, литота, жонлантириш, фразема, эвфема, топишмоқ, афоризм, аллегория, ирония, пайрав, пичинг, қочирик, қистирма, сўз ўйини, чандиш, туюқ (тажнис), такрор (анафора, эпифора), ишора, эллипсия каби бадиийтасвирий воситалар ҳалигача лисоний ва бадиий аспектда (тил ва нутқ ҳодисаси сифатида) етарли таърифланмаган;

2) юқоридаги терминлар остида ўрганилган ходисаларнинг ўзаро муносабати (муштараклиги), ўзига хослиги (ажратувчи, фарқловчи белгилари) ва маъно мезонлари аниқ чегараланмаган;

3) ҳамон терминологик анархия, ноаниқликлар мавжуд ва б⁷⁶.

Масалан, О.С.Ахманова "парафраза" терминини: 1) тасвирий ифодалар (описательные выражения), 2) троплар, 3) табу парафраза (парафраза – табу), 4) эвфемик парафраза (парафраза эвфемическая)га нисбатан умумий термин (жинс тушунча) сифатида қўллаган⁷⁷.

⁷⁶ Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. Филол. фанл. б. фал. док. ...дисс. автореф. – Фарғона. 2018. – 59 б.

⁷⁷ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. -М.: Наука, -371 с.

Манбаларда метафора, метонимия, синекдоха, эпитет, ўхшатиш, ирония, парафраза (перифраза), гипербола (муболаға), литота (кичрайтириш), аллегория, символ, жонлантириш кабилар "троп"; такрор, сукут, риторик муурожаат, антитеза, градация, параллелизм, инверсия, эллипсия кабилар "фигура" термини остида ўрганилган. Бошқача айтганда, троп термини кўчимга – мажозий маънога, фигура эса махсус гап шакллари (синтактик фигура, нуткий фигура каби) нисбатан қўлланилган. Лекин аслида фигура терминининг тагида ҳам кўчим – образ, мажоз маъноси мавжуд, троп терминига яқин, маънодош: троп – юнонча образли ифода; фигура ҳам лотинча – образ, киефа⁷⁸.

Эвфемиянинг антонимия, синонимия, омонимия, полисемияга муносабати масаласи ҳам эвфемиялог эътиборини жалб қилади. Масалан, *бузилмоқ* лексемасининг: 1) қулф бузилган, 2) ишламай қўйган киши, 3) сасиган гўшт, 4) қизлиги олинган, 5) фоҳиша, 6) пес лексемалари мавжудки, "бузилмоқ" лексемаси ўрни билан ана шу лексемалар (2,3,4,5,6лари)нинг эвфемик воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, эвфемик ифоданинг шаклланишида ҳар қандай кўчим асос бўлавермайди. Чунончи, одам, ҳайвон, парранда аъзоси ёки қисмлари номининг бошқа предметларга кўчими (дугторнинг қулоғи, дарахтнинг шохи, самолётнинг қаноти каби); мева номи билан дарахтнинг, идиш билан ундаги овқат ёки суюқликнинг аталиши кабилар лингвистик кўчим (метафорик, метонимик, синекдохавий, вазифадошлик усуллар каби) бўлиб, улар образлилик ҳосил қилмайди. Бунда бирор нохуш ёки дағал тушунчани ёпиш, пардалаш зарурияти ҳам йўқ. Мана шу нуқта филологлар эътиборини аллақачон тортган, улар кўчимни лингвистик (лисоний) ва бадий кўчимларга ажратиб талқин қилганлар. Шу билан боғлиқ ҳолда эвфемиялогия услубшуносликнинг бир қисми бўлсада, унинг (эвфемиялогиянинг) ўз текшириш объекти борлиги маълум бўлади. Ҳар

78 Ҳомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати / Н.Маллаев таҳририда. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – 300 б.

кандай бадий кўчим эвфемиологиянинг тадқиқот объекти бўлавермайди, яъни бадий кўчим ҳар доим ҳам эвфемик ифода воситаси бўлиб хизмат қилавермайди. Масалан, оқ олтин, зангори кема, бахтимиз қомуси воситалари эпитет – сифатлаш бўлиб, пахта, терим машинаси, Конституция номларини юмшатиб айтиш учун қўлланган эмас. Океан ортидаги давлат, кунчиқар мамлакат, озодлик ороли, қизил империя парафразалари эса эпитет бўлиш билан бирга, муайян давлат номларини тилга олавериш, хусусан, сиёсат нуқтаи назаридан ноқулайлиги, ортиқчалиги сабабли шаклланганлиги учун эвфемик маъно ҳам касб этган.

Тилшунослар табу ва эвфемани фақат тарихий этнографик ҳодиса, эвфема фақат табулаштирилган тушунчанинг ёпиқ баёни, деб тушунганлар⁷⁹. Бу ибтидоий – этнолингвистик табу учун характерли, албатта. Бирок маданиятнинг, тилнинг кейинги, хусусан, бугунги тараққиётида табули эвфема билан бирга, табулаштирилмаган – очиқ айтилиши у қадар ман этилмаган, бироқ нутқнинг этик-эстетик талаби билан йўл-йўлакай эвфемалаштирилиши керак бўлган турлари ҳам мавжуд. Юқорида келтирилган Америка, Куба, Япония, СССР номлари ўрнида қўлланилган эвфемик эпитетлар каби. Ёки ота, она номлари (булар ҳам ота-она номларига нисбатан эвфема бўлган) ўрнида *дада, дода, ада, ака; ая, ойи, ажа, она, dad, daddy, па, тот, татту, та* сўзларини қўллаш; мансабдорларга (номлари ўрнида) *раис бобо, мудир бобо, Юртбоши, элбоши, оқсоқол, Туркманбоши, sir, mr. ..., mrs. ...*, деб мурожаат қилиш кабилар ҳам эвфемалаш ҳодисасидир.

Эвфемик маъно мезони тушунчаси кенг ва мураккаб бўлиб, у ўз доирасида, табу тушунчаларни юмшатиш нуқтаи назаридан денотат билан боғлиқ ҳолда, даражаланади – поғона (иерархия)ланади, тизим – семантик структура ҳосил қилади.

Бошқача айтганда, маъно кўчиш усуллари (метафорик, метонимик, синекдохавий, вазифадошлик) баёни, маълум даражада мавжуд. Бирок

⁷⁹ [хтти:// www.стилистисс.академис.ру](http://www.стилистисс.академис.ру)

тилшунослар олимларнинг таъкидлашича уларнинг, аввало, лингвистик ва бадий, сўнгра, лингвистик кўчимнинг эвфемик ва ноэвфемик; бадий кўчимнинг ҳам эвфемик ва ноэвфемик турларга ажратилган талқини, таснифи, улар ўртасидаги чегара ва мезонлари ҳали етарли ишланган эмас⁸⁰.

Тадқиқотимиз давомида тўплаган фактик материаллар эвфемик нутқни қуйидагича таснифлашга имкон беради:

1. Воқеликнинг табулашиш даражасига кўра 1) номини айтиб бўлмайдиган – айтиш ман этилган, парнографик тушунчалар билан боғлиқ эвфемалар. Бунга: а) одамнинг уят ёки жинсийтаносил аъзолари; б) жинсий алоқа жараёнларининг ифодаси билан боғлиқ сўз ва иборалар; в) сўкиш, ҳақорат билан боғлиқ (ва ҳ.к.) эвфемик воситалар киради; 2) кўрқинч, совуқ, нохуш хабар ёки ўлим билан боғлиқ эвфемалар; 3) воқеликнинг номини айтиш мумкину, бироқ нутқ маданиятига мос келмайдиган тушунчалар билан боғлиқ эвфемик воситалар. Бу турнинг қўлланиш доираси жуда кенг бўлиб, улар: а) оила аъзолари нутқида; б) ишхона ва жамоат жойларда бўладиган муомалада; в) нотикнинг мурожаатларида (ва ҳ.к.) қўлланилади.

2. Семантик ва грамматик шаклланишига кўра нутқий эвфема 1) лисоний ва 2) нутқий турларга ажралади. Бу турлар узвийлик ва умумийликка эга бўлишидан қатъи назар, қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

а) лисоний эвфема маъноси бирикма таркибидаги сўзларнинг реал маъносидан англашилмайдиган, яхлит ҳолда бир умумий тушунча – образли маъно ифодаладиган воситадир. Шу томони билан у фразема, мақол, матал каби ҳодисаларга ёндошдир;

б) лисоний эвфема луғавий бирлик, уни луғатлаштириш мумкин. Нутқий эвфема бу талабга жавоб бермайди;

в) лисоний эвфема узоқ вақт қўлланавериш, турғунлашиб, тил фактига айланганлигидан унинг эвфемик маъноси матндан ташқарида ҳам

⁸⁰ Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.177

англашилади ва тил эгалари томонидан деярли бир хил тушунилади: *passed away, вафот этди, give a bith, кўзи ёриди, harlatory, оёғи суюқ каби*;

г) нутқий эвфемани, асосан, контекст, нутқий вазият бошқаради. Нутқий эвфема лисоний эвфема каби "ёпиб" айтиш анъанасига айланган табу тушунчаларни эмас, олдиндан табулаштирилмаган, воқеликларни нутқ momentiда маълум мақсад ва талаб билан табулаштириб, сўнгра уни эвфемиклаштирилган воситаларда баён этади.

3. Таъсирчанлик, бўёқдорлик, оригиналлик даражасига кўра нутқий эвфема доирасида унинг 1) индивидуал ва 2) окказионал турлари ажратилди.

4. Маъно ифодалаш усулига кўра эвфеманинг тагмаъноли тури ажратилди. Тагмаъноли (пресуппозитив) эвфемада табулаштирилган воқелик ички – семантик жиҳатдан ўзаро боғланган мажозий ифода орқали акс этади. Тагмаъноли гапларда англашилиши керак бўлган воқелик қочирик, кесатик, киноя каби воситалар ёрдамида ишора қилинади ва табулаштирилган тушунча мантиқан англашилиб туради.

5. Тил эвфемик қатламининг шакллантиришдаги ролига кўра риторик ва олмошли эвфемалар ажратилади.

6. Ифода воситасига кўра: а) вербал ва б) новербал эвфемаларга бўлинади. Кўп ҳолларда муайян вазият, талаб воқеликни вербал нутқ билан эмас, новербал воситалар орқали ифодалашни тақозо қилади. Бошқача айтганда, эвфемик маъно ифодалашда новербал воситалар ҳам табиий ва зарурий усуллар бўлиб, нутқ жараёнида унинг компоненти сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Новербал эвфемик нутқ, одатда: 1) ихчамлик, тежамкорлик – тил иқтисоди; 2) контекст ва нутқий вазият талаби қонунларига асосланади. Новербал эвфемик ифода воситаларини: а) имплекатив эвфема; б) кинетик эвфема терминлари билан турларга ажратиш ўрганиш мумкин. Имплекатив эвфема кўпроқ контекстга – ёзма нутққа асосланади. Бунда пресуппозиция, эллипсия, интонация, сукут, тўхтам кабиларга эътибор берилади.

Кинетик восита махсус ўрганилиши керак. Профессор А.Нурмонов инсон нутқининг жуда мураккаблигини, унинг кўп томонларини ёзувда ифодалаш имконияти йўқлиги туфайли лингвистик таҳлилдан четда қолаётганлигини, тил манзарасини тўла намоён қилиш учун нутқнинг ёрдамчи воситаларини ўрганувчи паралингвистикани фан сифатида тадқиқ қилиш ва амалда қўллаш зарурлигини жуда ўринли уқтирган⁸¹.

Кўпгина воқеликларни ифодалашда вербал эвфемик воситалар ҳам "ожиз"лик қилади. Муайян вазият сўзловчи ёки тингловчини каноатлантирмайди – ноқулайликдан қутқара олмайди. Бундай ҳолларда новербал эвфемик восита (кинетик ифода усули) ёрдамга келади. Бошқача айтганда, вербал нутқ эвфемик маънони лексик-семантик кўчимлар, нутқий фигуралар ёрдамида ифодаласа, новербал нутқ имо-ишора, мимика, жестикуляция, суҳбатдош ҳаракати, манералари, нутқий вазият ва шу жараёнлар билан боғлиқ оҳанг, унинг унсурлари – прасодик каби экстралингвистик ёки паралингвистик воситалар билан иш кўради. Лекин нутқнинг бу икки воситаси бир-биридан ажратилган ҳодисалар эмас, албатта. Новербал восита вербал нутқ оқимида – тил доирасида ҳаракат қилувчи, воқеликнинг реаллашувида хизмат қилувчи ёрдамчи омилдир.

7. Ноадабий тил воситаларининг қўлланилишига кўра аргосимволик эвфема ва унинг умумнутқий ва хусусий нутқий турлари мавжуд. Маълумки, какофемизм, вульгаризм, варваризм, жаргонизм, арготизм, криптология каби терминлар остида ўрганиладиган материаллар услубнинг умумадабий нормасига зид қўйилади. Бундан қатъи назар, улар хусусий услуб нормаси доирасига киради ва нутқда маълум мақсадларда қўлланиб, ижтимоий моҳият касб этади. Баъзи олимлар умумадабий услуб нормаси доирасида изоҳлаш қийин бўлган, матнда маълум мақсадга мувофиқ қўлланиладиган

⁸¹ Нурмонов А. Тасдиқ ва инкорнинг паралингвистик воситалар ёрдамида ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1979. – №1. – Б.32-33.

бундай ноодабий (анормал) воситаларни вазифавий нутқ услублари нормасига алоқадорлигини уқтирганлар⁸².

Табу ва эвфема қўллаш воситалари ҳам тил ва жамият тараққиёти билан бирга тараққий қилади, эскиради, истеъмолдан чиқади; ўрнида янги эвфемик воситалар шаклланади. Кўпгина эвфемик воситалар давр ўтиши билан эскириб, ўзи боғланган табу тушунчанинг беозор ифодаси бўлолмай қолади. Натижада биринчи эвфемик восита (*madhouse*) ўрнида янги – янада эшитилиши қулай бўлган эвфема (*lunatic asylum*) пайдо бўлади. Битта табу тушунчанинг қайта-қайта эвфемалаштирилиши бирдан ортиқ (бешта, ўнта, йигирмата ва ҳ.к.) эвфеманинг (*madhouse* → *lunatic asylum* → *mental hospital*) шаклланишига сабаб бўлади.

⁸² Тошалиев И. Стилистик норма муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1984. – №5. – Б. 2942.

ИККИНЧИ БОБ. ТАБУ ВА ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТИ

2.1. Тил ва маданият муштариклиги ва лингвомаданиятшуносликнинг шаклланиши

Тил – маданиятнинг кўзгуси бўлиб, унда нафақат инсонни ўраб олган реал борлиқ, унинг реал яшаш шароитлари, балки халқнинг ижтимоий ўзини ўзи англаши, унинг менталитети, миллий характери, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, кадриятлар йиғиндиси ва дунёқараши ҳам акс этади.

Тил – маданият хазинаси, сандиғи, мажмуйидир. У лексика, грамматика, иборалар, мақол ва маталлар, фолклор, бадиий ва илмий адабиёт, оғзаки ва ёзма нутқда маданий кадриятларни сақлаб келади⁸³.

Тил – маданият ташувчиси бўлиб, у аждодлардан авлодларга миллий маданият хазинасини мерос қилиб қолдиради. Ёш авлод она тили баробарида аждодларнинг бой маданий тажрибасини ҳам ўзлаштиради.

Тил – маданиятнинг куроли, воситасидир. У халқ маданияти воситасида инсон шахсиятини, тил соҳибини шакллантиради.

Демак, тил “бизнинг ҳаёт тарзимизни тавсифловчи ижтимоий мерос қилиб олинган малака ва ғоялар мажмуи”⁸⁴ сифатида маданиятдан ташқарида мавжуд бўлолмайди. Тил инсон фаолиятларининг бири сифатида маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланса-да, тафаккур шакли ва мулоқот воситаси сифатида маданият билан бир қаторда туради.

Агар тилга унинг структураси, вазифалари ва уни ўзлаштириш жиҳатидан қараладиган бўлса, у ҳолда ижтимоий қатлам ёки маданиятнинг компоненти тилнинг таркибий қисми бўлади. Айни пайтда маданиятнинг компоненти тил орқали хабар қилинадиган қандайдир маданий информация эмас. У тилнинг барча сатҳларига тегишли бўлган тилга хос ажралмас хусусиятдир.

⁸³ Робинс Р. Н. Генерал Лингвистисс. Ан Интродусторй Сурвей. –Лондон, 1971. –Р. 27; Верещагин Е. М., Костомаров В. Г. Язык и культура. –М., 1990. –С. 26.

⁸⁴ Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи // Избранные труды по языкознанию и культурологии. –С 185.

Тил – кишилар оқимини халққа айлантирадиган, мазкур нутқ жамоасининг ўзини ўзи англаши, маданияти, анъаналарини сақлаши ва уларни мерос қилиши орқали миллатни шакллантирадиган кучли ижтимоий воситадир.

“Тил маданиятнинг миллий компонентлари орасида биринчи ўринда туради. Тил биринчи навбатда, маданиятга кишилик жамиятининг ҳам мулоқот воситаси, ҳам ушбу мулоқотни узиб қўювчи восита бўлишига ёрдам беради. Тил – унинг соҳибларининг муайян жамоага тегишли эканини кўрсатади. Халқнинг ўзига хос асосий хусусияти бўлган тилга “ички” ва “ташқи” жиҳатдан ёндашиш мумкин. Тилга “ички” жиҳатдан ёндашилганда, у этник интеграциянинг бош омили сифатида намоён бўлса, “ташқи” жиҳатдан ёндашилганда, у халқнинг этник фарқларини кўрсатади. Бу икки карама-қарши функцияни ўзида диалектик бирлаштирган тил бир томондан халқнинг ўз-ўзини сақлаш воситаси, иккинчи томондан уни “ўзиники” ва “бегона”га ажратиш воситаси бўлиб хизмат қилади”⁸⁵.

Инсон маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши масаласи билан маданий антропология шуғулланади. Антропология номидан ҳам кўришиб турганидек, инсон ҳақидаги фандир. Бироқ инсон ҳақидаги фанлар қаторига барча гуманитар ва айрим табиий фанлар (тиббиёт ва қисман биология) ҳам киради. Инсон ҳақидаги фанларнинг кўп бўлиши табиий, чунки, инсон мураккаб, кўпқиррали моҳиятдир. Шунингдек, мазкур фанларнинг барчаси марказида инсон бўлган кишилик жамиятида ривожланади.

Демак, инсон ҳақидаги қатор фанлар инсон ҳаётининг турли томонларини, унинг физик (биология, тиббиёт) ва маънавий (психология, фалсафа, филология) моҳиятини, унинг фаолиятини (иқтисод, сотсиология), унинг шаклланиши ва ривожланишини (тарих) ўрганади. Мазкур фанларнинг барчаси ўрганиш объекти жиҳатидан бир-бири билан чамбарчас боғланган ва улар бир бутун “организм”ни ташкил қилади.

⁸⁵ Антипов Г. А., Донских О. А., Марковина И. Ю., Сорокин Ю. А. Текст как явление культуры. – Новосибирск, 1989. –С. 75.

Антропология қайд қилинган инсон ҳақидаги фанлардан ажралиб туради. У инсоннинг бошқа жиҳатларини бирлаштиришга ҳаракат қилиб, унинг физик ва маданий ривожланиш жараёнини глобал ва ҳар томонлама ўрганади.

Антропология физик антропология ва маданий антропологияга ажралади. Физик антропология турли ирқларга мансуб бўлган инсоннинг биологик келиб чиқиши ва унинг физик тузилишининг эволюциясини ўрганади. Маданий антропология инсон маданиятининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганади.

Шундай қилиб, маданий антропология инсоният маданий ривожланишининг умумий муаммоларини ўрганувчи, ўзида барча гуманитар фанлар билимларини мужассамлаштирувчи, инсонни “Инсон” қилувчи ва уни ҳайвонот дунёсидан ажратувчи ноёб жиҳатларини тадқиқ етувчи фавқулодда кэнг фундаментал фан ҳисобланади. Бинобарин, ҳайвонларда муайян хатти-ҳаракатлар тизими мавжуд бўлса-да, уларда маданият мавжуд эмас⁸⁶.

Маданият маданий антропологиянинг предмети сифатида миллат, синф, гуруҳларнинг муайян даврдаги ҳаёт тарзини таркиб топтирадиган кишилиқ жамияти фаолиятининг натижалари йиғиндисидир.

Маданий антропология маданият ривожининг барча қирраларини, хусусан, инсоннинг ҳаёт тарзи, менталитети, миллий характери, маънавий, ижтимоий ва ишлаб чиқариш фаолиятини тадқиқ этади. Маданий антропология инсоннинг маданиятни мулоқот орқали ривожлантиришдек нодир қобилиятини ўрганади, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқасига алоҳида еътибор қаратади.

Сўнги йилларда тил ва маданият масалаларини *Лингвомаданиятшунослик* фани атрофлича ўрганишга киришди. В. В. Воробевнинг ёзишича, “бугунги кунда Лингвомаданиятшуносликни муайян йўл билан сараланган маданий қадриятлар мажмуини ўрганадиган, нутқни

⁸⁶ Худайбергенова З., Усмонова Ш., Таржиманинг лингвомаданий масалалари. – Т.: 2016. –111 б.

яратиш ва уни идрок қилишдаги жонли коммуникатив жараёнларни, лисоний шахс тажрибасини ва миллий менталитетни тадқиқ этадиган, олам манзарасининг лисоний тасвирини тизимли равишда берадиган, таълимнинг билим олиш, тарбиявий ва интеллектуал вазифаларининг бажарилишини таъминлайдиган янги филологик фан сифатида қайд қилиш мумкин. Демак, лингвомаданиятшунослик маданият ва тилнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсирини ва бу жараённи лисоний ва нолисоний (маданий) бирликларнинг бир бутун структураси сифатида акс еттирадиган комплекс фандир”⁸⁷.

Тил, маданият, этноснинг ўзаро муносабати ва алоқаси масаласини ўрганиш фанлараро муаммо ҳисобланади. Мазкур муаммонинг ечимини фалсафа ва социологиядан тортиб, этнолингвистика ва лингвомаданиятшуносликгача бўлган бир неча фанларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билангина ҳал қилиш мумкин⁸⁸. Масалан, лисоний тафаккурнинг этник масалалари билан лингвистик фалсафа, этник, ижтимоий ёки гуруҳлар мулоқотининг ўзига хос лисоний жиҳатлари билан психоллингвистика ва ҳ.к. шуғулланади.

Лингвомаданиятшунослик тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида XX асрнинг 90-йилларида вужудга келди. Тадқиқотчиларнинг қайд қилишича, “Лингвомаданиятшунослик” (лот. лингуа “тил”; султус “ҳурмат қилиш, таъзим қилиш”; юнон. “илм, фан”) термини В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби (Ю.С.Степанов, А.Д.Арутюнова, В.В.Воробьев, В.Шаклеин, В.А.Маслова) томонидан олиб борилган изланишлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлган⁸⁹.

Маданиятшунослик инсонни ижтимоий ва маданий ҳаётидаги унинг табиат, жамият, тарих, санъат ва бошқа соҳаларга кўра ўзини ўзи англашини тадқиқ етса, *тилшунослик* тилда олам лисоний манзарасининг ментал

⁸⁷ Воробьев В. В. О статусе лингвокультурологии // IX Международный Конгресс МАПРЯЛ. Русский язык, литература и культура на рубеже веков. Т. 2. –Братислава, 1999. –С. 125-126. Батафсил маълумот учун қаранг: Воробьев В. В. Лингвокультурология. Теория и методы. –М., 1997.

⁸⁸ Худайбергенова З., Усмонова Ш., Таржиманинг лингвомаданий масалалари. – Т.: 2016. –111 б.

⁸⁹ Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа “Языки русской культуры”, 1996.

моделлар кўринишида акс этадиган ва қайд қилинадиган инсон дунёқарашини ўрганади. Лингвомаданиятшуносликнинг предмети ўзаро чамбарчас алоқада, мулоқотда бўлган тил ва маданият саналади.

Лингвомаданиятшунослик маданиятшунослик ва тилшунослик кесишган нуқтада шаклланган тил тадқиқининг янги соҳасидир. Лингвомаданиятшунослик маданият ва тилнинг ўзаро алоқасини, ўзаро таъсирини, тилда ўз аксини топган халқ маданиятининг кўринишларини тадқиқ этади.

Лингвомаданиятшунослик *этнолингвистика* ва *социоллингвистика* билан чамбарчас алоқададир. Ҳатто В.Н.Телияга кўра, Лингвомаданиятшунослик этнолингвистиканинг таркибий қисмидир. Бирок лингвомаданиятшунослик ҳам, этнолингвистика ҳам ўз моҳиятига кўра алоҳида фанлардир⁹⁰.

Этнолингвистика йўналишининг илдизлари Европада В.Гумболтдан бошланиб, Америкада Ф.Боас, Е.Сепир ва Б.Уорф; Россияда Д.К.Зеленин, Е.Ф.Карский, А.А.Шахматов, А.А.Потебня, А.Н.Афанасев, А.И.Соболевский ва бошқаларларнинг изланишларига бориб тақалади⁹¹. В.А.Звегинсев этнолингвистикани тилнинг жамият ижтимоий структураси ёки халқнинг маданияти, анъаналари, урфодатлари билан алоқасини ўрганадиган йўналиш сифатида тавсифлаган эди. Замонавий этнолингвистиканинг марказида тилнинг лексик тизимидаги фақат муайян моддий ва маданий-тарихий мажмуалар: маданият шакллари, урф-одатлар, удумлар билан ўзаро муносабатдаги элементлари бўлади. Мазкур йўналишни икки алоҳида тармоққа ажратиш мумкин: 1) *этник ҳудудларни тилга кўра реконструкция қилиш* (Р.А.Агеева, С.Б.Бернштейн, В.В.Иванов, Т. В. Гамкрелидзе ва ҳ.к.нинг тадқиқотлари); 2) *халқнинг моддий ва маънавий маданиятини тил*

⁹⁰ Қаранг: Худайбергенова З., Усмонова Ш., Таржиманинг лингвомаданий масалалари. – Т.: 2016. –111 б.

⁹¹ Худайбергенова З., Усмонова Ш., Таржиманинг лингвомаданий масалалари. – Т.: 2016. –111 б.

маълумотларига кўра реконструкция қилиш (В.В. Иванов, В.Н.Топоров, Т.В.Сивян, Т.М.Судник, Н.И.Толстой ва унинг мактаби)⁹².

Кишилик маданияти айна эҳтиёжни ҳар хил йўллар воситасида кондиришга йўналган турли этник маданиятлар йиғиндисидан иборатдир. Этник ўзига хосликлар, жумладан, турли вазиятларда кишилар қандай ишлашади, қандай дам олишади, қандай овқатланишади, қандай гаплашишади ва ҳ.к. ҳар жойда намоён бўлади.

Н.И.Толстойга кўра, этнолингвистиканинг мақсади дунё халқларининг фолклор манзараси, стереотипларини очиб беришдир.

Социоллингвистика тилшуносликнинг тилни ва унинг мавжуд бўлган ижтимоий шароитлар билан боғлиқлигини ўрганадиган соҳасидир. Ижтимоий шароитлар деганда, амалдаги тил ривожланаётган ташқи шарт-шароитлар мажмуи: мазкур тилдан фойдаланаётган кишилар жамияти, бу жамиятнинг ижтимоий структураси, тил егаларининг ёши, ижтимоий мавқеи, маданият ва билим даражаси, яшаш жойи орасидаги фарқлари, шунингдек, уларнинг мулоқот вазиятига боғлиқ нутқий муомаласидаги фарқлар тушунилади. Демак, *социоллингвистика* тилнинг жамият ҳаётидаги роли, унинг ижтимоий табиати, ижтимоий функциялари, ижтимоий омилларнинг тилга бўлган таъсир механизми билан боғлиқ масалаларни ўрганадиган тилшунослик соҳасидир⁹³.

Лингвомаданиятшуносликни *лингвомамлакатшуносликдан* ҳам ажратиш лозим. *Лингвомамлакатшунослик* ва *Лингвомаданиятшунослик* ўрганиш объектларига кўра бирбиридан фарқ қилади. *Лингвомамлакатшунослик* тилда ўз аксини топган миллий реалияларни ўрганади. Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровларга кўра, миллий реалиялар

⁹² Маслова В. А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –М.: “Академия”, 2001.

⁹³ Маслова В. А. Введение в лингвокультурологию. –М., 1997.

муқобилсиз тил бирликлари бўлиб, улар мазкур маданиятга хос бўлган ҳодисаларни ифодалайди⁹⁴.

Лингвомаданиятшунослик *этнопсихоллингвистика* билан ҳам чамбарчас алоқада бўлади. *Этнопсихоллингвистика* нутқий фаолиятда муайян анъаналар билан боғлиқ муомала элементларининг қандай пайдо бўлишини, турли тил эгаларининг вербал ва новербал мулоқотидаги фарқларни ўрганади; нутқий этикет ва “дунёнинг рангли манзараси”ни, турли халқлардаги икки тиллилик ва кўп тиллилик ҳодисаларини тадқиқ этади⁹⁵. Этнопсихоллингвистиканинг асосий тадқиқот методи ассоциатив эксперимент бўлса, лингвомаданиятшунослик ўрнига кўра тилшунослик ва маданиятшуносликнинг турли методларидан фойдаланади.

Тилшуносликда XX асрнинг охирларига келиб “тил маданият билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки унинг ўзи маданиятдан ўсиб чиққан ва уни ифодалайдиган воситадир” деган фараз қабул қилина бошланди⁹⁶. Айни пайтда тил маданиятнинг яратилиш воситаси, ривожланиши, сақланиши (матнлар кўринишида) ва унинг таркибий қисмидир. Чунки тил воситасида маданиятнинг моддий ва маънавий асарлари яратилади. Ана шу ғоя асосида минг йиллар давомида шаклланган Лингвомаданиятшунослик фаннинг янги, махсус соҳаси сифатида XX асрнинг 90-йилларида вужудга келди. Лингвомаданиятшунослик тилшуносликдаги антропоцентрик парадигманинг маҳсули бўлиб, у сўнгги ўн йилликлар давомида ривожланиб келмоқда.

XXI асрнинг бошларига келиб Лингвомаданиятшунослик жаҳон тилшунослигидаги етакчи йўналишлардан бирига айланди. Лингвомаданиятшунослик тилда ва дискурсада ўз аксини топган ва мустаҳкамланган халқ маданиятини ўрганади. У биринчи навбатда, муайян маданиятнинг миф, афсона, урф-одат, анъана, удум, таомил, рамзларини ва

⁹⁴ Токарев Г. В. Лингвокультурология. Учебное пособие. –Тула: Издательство ТГПУ им. Л. Н. Толстого, 2009.

⁹⁵ Усманова Ш. “Таржимонлик фаолиятининг лингвомаданий аспекти” фанидан маърузалар курси. – Тошкент: 2014.

⁹⁶ Усманова Ш. “Таржимонлик фаолиятининг лингвомаданий аспекти” фанидан маърузалар курси. – Тошкент: 2014.

ҳ.к.ни тадқиқ этади. Мазкур концептлар маданиятга тааллуқли бўлиб, улар тилда маиший ва таомил муомаласи шаклида мустаҳкамланади⁹⁷.

В. Н. Телияга кўра, Лингвомаданиятшунослик, аввало, жонли коммуникатив жараёнларни ва уларда қўлланиладиган тил ифодаларининг синхрон ҳаракатдаги халқ менталитети билан алоқасини тадқиқ қилади⁹⁸.

Лингвомаданиятшунослик тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлган тил ва маданият унинг предметини ташкил қилади. Бинобарин, В.Н. Телия бу ҳақда шундай ёзади: “Лингвомаданиятшунослик инсоний, аниқроғи, инсондаги маданий омилни тадқиқ етувчи фандир. Бу эса шуни билдирадики, Лингвомаданиятшунослик маркази маданият феномени бўлган инсон тўғрисидаги антропологик парадигмага хос бўлган ютуқлар мажмуасидир”⁹⁹.

Г.Г.Слишкинга кўра, “Лингвомаданиятшунослик инсон омилига, аниқроғи, инсондаги маданият омилига йўналтирилган. Лингвомаданиятшуносликнинг маркази маданият феноменидан иборат бўлиши инсон ҳақидаги фаннинг антропологик парадигмага тегишли ҳодиса эканлигидан далолат беради”¹⁰⁰.

Н. Алефиренко лингвомаданиятшуносликни қуйидагича тавсифлайди:

- Лингвомаданиятшунослик тилшунослик ва маданиятшунослик билан ҳамбарчас боғланган бўлиб, у синтезловчи хусусиятга ега;
- Лингвомаданиятшуносликнинг асосий еътибори тилда изоҳланадиган маданий далилларга қаратилади;
- Лингвомаданиятшунослик тилшунослик фанларига киради, шунинг учун унинг тадқиқот натижаларидан она тили ва чет тиллари ўқитиш жараёнида амалий фойдаланиш мумкин;

⁹⁷ Токарев Г. В. Лингвокультурология. Учебное пособие. –Тула: Издательство ТГПУ им. Л. Н. Толстого, 2009.

⁹⁸ Телия В.Н. Русская фразеология: Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Языки русской культуры, 1996. – 288 с.

⁹⁹ Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: “Языки русской культуры”, 1996. –С. 222.

¹⁰⁰ Слышкин Г.Г. От текста к символу. Лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании дискурса. –М.: Издательский центр «Академия», 2000.

- Лингвомаданиятшунослик тадқиқотларининг асосий йўналишлари: а) лисоний шахс; б) тил маданий кадриятларнинг семиотик гавдалантириш тизими ҳисобланади¹⁰¹.

Лингвомаданиятшуносликда бугунги кунга қадар бир қанча йўналишлар шаклланган:

1. Муайян ижтимоий гуруҳлар, халқнинг кўзга кўринган даврдаги маданий муносабатлари Лингвомаданиятшунослики, яъни аниқ лингвокултурологик ҳолатларнинг тадқиқ етилиши.

2. Халқнинг муайян даврига тегишли бўлган лингвомаданий ўзгаришларни ўрганадиган диахроник Лингвомаданиятшунослик.

3. Ўзаро алоқада бўлган турли халқларнинг лингвомаданий кўринишларини тадқиқ қиладиган қиёсий Лингвомаданиятшунослик.

4. Чоғиштирма Лингвомаданиятшунослик. У енди ривожланишга бошлаган бўлиб, айрим тадқиқотларда ўз аксини топган. Масалан, М.К. Голованивская “Рус тили соҳиби нуқтайи назаридан франсуз менталитети” номли тадқиқотида франсуз менталитети хусусиятларини рус тили ва маданияти соҳибининг нуқтайи назаридан ўрганган. Таҳлил материали сифатида рус ва франсуз тилларидаги тақдир, хавф, омад, жон, виждон, фикр, ғоя ва ҳ.к. мавҳум отлар хизмат қилган.

5. Географик луғатлар¹⁰²ни тузиш билан шуғулланадиган лингвомаданий лексикография.

Қайд қилинганлар орасида охириги йўналишнинг фаол ривожланганлигини кўриш мумкин. Масалан, Д. Г. Малсеванинг луғати 25 мавзуйий бўлимни ўз ичига олади. Уларда Германиянинг географик реалиялари, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тарихи, урф-одатлари, анъаналари, афсоналари, афоризмлари, турли байрам ва маросимлари, диний ақидалари, пул бирлиги, ўлчов бирлиги, саноати, савдоси, фан ва техникаси,

¹⁰¹ Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. – М.: Флинта, Наука, 2010. –С. 21.

¹⁰² Қаранг: Американа. Англо-русский лингвострановедческий словарь / Под ред. Н.В.Чернова. - Смоленск, 1996; Малсева Д. Г. Германия: страна и язык: Лингвострановедческий словарь. - М., 1998; Муравлева Н.В. Австрия: Лингвострановедческий словарь. - М., 1997 ва ҳ.к.

санъати, таълими, миллий таомлари, меъморий обидалари, миллий характери ва ҳ.к. ни ифодалайдиган тил бирликлари акс этган¹⁰³. Бундай луғатлар асосида тил ва маданиятнинг ўзаро алоқасини атрофлича ўрганиш мумкин.

Лингвомаданий тадқиқотларда, асосан, қуйидаги масалаларни тадқиқ этилганини кўриш мумкин: 1) муайян нутқий жанрнинг лингвокултурологик хусусиятлари. Бунда мифлар, халқ оғзаки ижодига хос жанрлар тили ўрганилган; 2) муайян услубда ёзилган асардаги лингвомаданий концептнинг ифодаланиши тадқиқи. Бунда асосан бадиий-наصريй асарлар тили таҳлил этилган; 3) қиёсий йўналишдаги тадқиқотлар. Бунда кўпроқ рус тилидаги бирликлар инглиз, немис, франсуз тиллари билан қиёсланган; 4) Лингвомаданиятшуносликнинг педагогика фани билан боғлиқ жиҳатлари. Бунда ижтимоий фанларда ўқувчи ва талабаларга лингвокултурологик бирликларни аниқлаш ва таҳлил этиш мақсад қилиб олинган.

XX асрнинг охирига келиб Москвада тўртта лингвокултурологик мактаб юзага келди:

1. Ю.Ю. Степанов мактабининг мақсади маданиятнинг давомийлигини диахрон нуқтайи назардан тасвирлашдир. Йўналиш турли даврларда яратилган матнлар ёрдамида, яъни тилнинг фаол егаси эмас, балки ташқи кузатувчиси сифатида иш кўради.

2. Н.Д. Арутюнова мактаби турли халқлар ва даврларга оид матнлардаги умуммаданий терминларни тадқиқ этади. Мазкур маданий терминлар ҳам тилнинг фаол егаси эмас, балки ташқи кузатувчиси нуқтайи назаридан ўрганилади.

3. В.Н. Телия мактаби Россияда ва хорижда фразеологизмларнинг лингвокултурологик таҳлил қилиш билан танилган. В.Н.Телия ва унинг шогирдлари лисоний моҳиятларни жонли тил эгасининг рефлекси нуқтайи

¹⁰³ Малсева Д. Г. Германия: страна и язык: Лингвострановедческий словарь. - М., 1998; Муравлева Н.В. Австрия: Лингвострановедческий словарь. - М., 1997

назаридан тадқиқ қилишади. Яъни бу маданият семантикасини бевосита тил ва маданият субъекти орқали егаллашга қаратилган йўналишдир.

4. В.В. Воробев, В. М. Шаклеин мактаби. Улар Е.М.Верешагин ва В.Г.Костомаровларнинг таълимотларини ривожлантиришди.

Шу ўринда ушбу йўналишни тадқиқ усуллари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Лингвомаданиятшуносликнинг методлари тил ва маданиятнинг ўзаро алоқасини таҳлил қилишда фойдаланадиган таҳлилий амаллар ва тадбирлар йиғиндисидир. Лингвомаданиятшунослик фаннинг интегратив, яъни културология, тилшунослик, этнолингвистика ва маданий антропология тадқиқотлари натижаларини ўзида мужассамлаштирган соҳаси бўлгани учун ҳам унда “тил ва маданият” маркази атрофида тўпланган қатор билиш методлари ва йўналишлари қўлланилади¹⁰⁴. Лингвокултурологик таҳлил жараёнларида културология ва тилшунослик методлари танлаб қўлланилади.

Ҳар қандай илмий тадқиқотнинг аниқ методи ўзининг қўлланиш чегарасига эга. Бироқ ўзаро алоқада бўлган тил ва маданият шунчалик кўп қирралики, уларнинг табиати, функциялари ва генезисини бир метод воситасида билиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бу соҳада бир-бирини тўлдирувчи қатор методларнинг қўлланилиши ғоят табиийдир¹⁰⁵.

Лингвомаданиятшуносликда лингвистик, маданий, социологик (контент-таҳлил, фрейм таҳлил методика), этнографик (тасвирлаш, таснифлаш ва ҳ.к.) методларни қўллаш мумкин. Мазкур методлар турли тамойиллари ва таҳлиллари билан бир-бирини ўзаро тўлдириб, Лингвомаданиятшуносликга мураккаб объект бўлган тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатини тадқиқ этиш имконини беради.

Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатини ўрганиш учун Ж. Лакофф метафораларни таҳлил қилиш аппаратини таклиф қилади. Чунончи, метафораларнинг когнитив назарияси нима учун чет тилларидаги баъзи иборалар осон тушунилади, ҳатто улар ўзлаштирилади, бошқаларини эса

¹⁰⁴ Худайбергенова З., Усмонова Ш., Таржиманинг лингвомаданий масалалари. – Т.: 2016. –111 б.

¹⁰⁵ Маслова В. А. Лингвокултурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. –М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.34.

тушуниш қийин эканлигини изоҳлаб беради¹⁰⁶. Ушбу метод қиёсланилаётган тиллар орасидаги когнитив номувофикликни аниқлашга ёрдам беради. Бундай фарқлар тасодифий бўлмади, улар у ёки бу халқ томонидан дунё ходисаларини ўзига хос тарзда тушунилишидан далолат беради.

В. Н. Телия лингвокултурологик тасвир учун маънонинг *макрокомпонент моделини* таклиф қилади. Мазкур модел информациянинг қуйидаги етти блокинни ўз ичига олади: *пресуппозитсия, денотатсия, ратсионал баҳо, белгининг мотиватсион асоси, эмоциониал ва мотив баҳолар* ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, белгини қўллаш шароитлари баҳоси. Ҳар бир блок ментал структураларни қайта ишлаш амалларини кўрсатувчи когнитив оператор томонидан киритилади¹⁰⁷.

Лингвомаданиятшунослик махсус фан соҳаси сифатида замонавий тилшуносликда бир қанча сермахсул тушунчаларни келтириб чиқарди: лингвокултурама, маданият тили, маданий матн, маданият концепти, субмаданият, лингвомаданий парадигма, маданий универсалия, маданий салоҳият, маданий мерос, маданий анъаналар, маданий жараён, маданий кўрсатмалар ва ҳ.к. Шунингдек, Лингвомаданиятшуносликнинг асосий тушунчавий аппаратиға менталитет, менталлик, таомил, расм-русумлар, маданият доираси, маданият тури, тамаддун, мажусийлик ва бошқалар киради.

Мазкур тушунчалардан энг муҳимлари маданий сема, маданий фон, маданий концепт ва маданий коннотация бўлиб, улар маданий информациянинг тил бирликлари воситасида кўрсата олади.

Маданий сема – сўзга нисбатан кичикроқ ва универсалроқ бўлган семантик бирликлар, семантик белгилар. Масалан, *палов, дўппи, ўчоқ* сўзларидаги қуйидаги маданий семаларни ажратиш мумкин: *палов* – гуруч, сабзи, гўшт, пиёз ва ёғ солиб тайёрланадиган ўзбек миллий таоми; *дўппи* – авра-астарли, кўпинча қавима, пилта урилган тўғарак ёки тўртбурчак

¹⁰⁶ Лакофф Д., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем // Теория метафоры. – М., 1990. – С.387-416.

¹⁰⁷ Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. –М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.35.

шаклдаги ўзбекларнинг миллий бош кийими; *ўчоқ* – ичига ўт ёқиладиган, овқат пишириш учун устига қозон ўрнатиладиган қурилма.

Маданий концепт – маъхум тушунчаларнинг номлари бўлгани учун бу ерда маданий информация сификатга, яъни тушунча ядросига бириктирилади.

Маданий мерос – маданият учун аҳамиятли бўлган маданий бойликларни, информацияларнинг берилиши.

Маданий анъаналар – ижтимоий ва маданий мероснинг қимматли унсурлари мажмуи.

Маданий жараён – маданият ҳодисалари тизимига алоқадор бўлган унсурларнинг ўзаро таъсири.

Маданий макон – маданият вакиллари онгидаги маданиятнинг мажмуд бўлиш шакллари. Маданий макон когнитив макон (индивидуал ва жамоавий) билан муносабатда бўлади, чунки у мазкур маданий-миллий жамиятнинг барча вакиллари, барча индивидуал ва жамоавий маконлар мажмуи билан шаклланади. Масалан, рус маданий макони, инглиз маданий макони ва ҳ.к.¹⁰⁸

Лингвомаданий парадигма – бу дунёқарашнинг этник, ижтимоий, тарихий, илмий ва ҳ.к. ўзаро алоқадорликдаги категорияларини акс эттирадиган тил шаклларининг мажмуи. Лингвомаданий парадигма концептларни, категориал сўзларни ва шу кабиларни бирлаштиради. Тил шакллари парадигманинг асоси ҳисобланади¹⁰⁹.

Маданий анъана – жамиятда тўпланадиган ва қайта тикланадиган ижтимоий стереотиплашган гуруҳлар тажрибасини ифодалайдиган интеграл ҳодиса.

Маданий фонд –у ёки бу маданият вакилининг билимлари мажмуи, унинг миллий ва жаҳон маданияти соҳасидаги айрим қарашлари. Бироқ бу шахснинг мулки емас, балки мазкур маданиятга таллуқли бўлган ўша асосий бирликларнинг мажмуидир.

¹⁰⁸ Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. –М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.39.

¹⁰⁹ Худайбергенова З., Усмонова Ш., Таржиманинг лингвомаданий масалалари. – Т.: 2016. –111 б.

Менталлик – миллий характернинг интеллектуал, маънавий ва ирода хусусиятларини ўзида бирлаштирадиган, она тили категориялари ва шаклларидаги дунёқарашнинг кўриниши. Менталликнинг бирлиги мазкур маданиятнинг концепти ҳисобланади. А. Я. Гуревичга кўра, менталлик – дунёни кўриш йўли, у ғоя билан ўхшамайди. Менталлик фалсафий, илмий ёки эстетик тизимлар эмас, у фикр емотсиядан қисмларга ажралмаган жамият тафаккурининг даражаси. Халқ менталлиги тилнинг муҳим концептларида долзарблашади.

Маданият тили – мавжуд бўлган ёки қайтадан ҳосил бўлган тасаввурлар, тушунчалар, образлар ва бошқа маъновий конструкциялар тузилишининг белгилар ва уларнинг муносабатлари тизими воситасида шаклланиши.

Субмаданият – иккинчи даражали, тобе маданият тизими (масалан, ёшлар субмаданияти ва ҳ.к.).

Маданий коннотация – маданият категорияларидаги денотатив ёки мажозий-мотивлашган маъно жиҳатларининг талқини. Маданий коннотация тил белгисидаги маданият даражасининг кўрсаткичини ифодалайди. Н. Ю. Шведова рус тилидаги 20 та умумий маъно категориясини ажратиб кўрсатган: жонлилик, ҳаракат, ҳолат, предмет, ўлчов, ўрин, вақт ва ҳ.к. Мазкур категориялар тилнинг маъновий синчини ташкил қилади. Бироқ ҳар бир халқ учун иккиламчи атовда кўшимча кўчма маъно касб етган мажозий-ассосиатив механизмлар ҳам мавжуд бўлади. Масалан, русларда *ит* (салбий ҳодисалар билан бир қаторда) содиқлик, вафодорлик, оддийликни ассотсиатсиялайди. Жумладан, *собачья верност, собачья преданност, собачья жизнь* каби фразеологик бирликларда мазкур хусусиятлар ўз аксини топган; белорусларда *ит* салбий хусусиятларни ифодалайди: *ушисса у сабачую скуру* (“лаёқатсиз, дангаса одамга айланиш”), *собакам падишти* (“ёмон одам”); ўзбекларда, қирғизларда ва қатор бошқа туркий халқларда *ит* ҳақоратни билдиради. Русларда *чўчка* а) ифлослик, б) нонкўрлик, в) тарбиясизликни; инглизларда *pig* очофатни, ўзбеклар, қирғизлар, қозоқлар ва бошқа мусулмон

халқларида *чўчқа* соф диний нуқтайи назардан ўта ҳақоратни ифодалайди; вьетнамларда *чўчқа* аҳмоқлик рамзи бўлиб келади¹¹⁰.

Шундай қилиб, *ит* ва *чўчқа* сўзлари турли халқларда турлича белгиларни коннотациялайди. Бу эса мазкур халқлар дунё манзарасининг шаклланишидаги уларнинг ўзига хос, индивидуал мажозий фикрлашини кўрсатади. Юқоридаги мисоллар ўзига хос қўшимча маънолар – коннотациялар юзага келишининг ҳар бир тил, ҳар бир маданият учун хос эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, лингвомаданиятшуносликда маданият концептлари алоҳида тадқиқ етилади. Маданиятнинг асосий концептлари жамоавий тил онгида муҳим аҳамият касб этади. Маданиятнинг асосий концептлари деганда мавҳум отлар, хусусан, виждон, тақдир, қисмат, ирода, гуноҳ, қонун, эркинлик, зиёлилар, ватан ва ҳ.к. тушунилади.

Хуллас, тил маданиятнинг таркибий қисми ва унинг воситасидир. У руҳимизнинг борлиғи, маданиятимизнинг кўринишидир; у миллий менталликнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

¹¹⁰ Худайбергенова З., Усмонова Ш., Таржиманинг лингвомаданий масалалари. – Т.: 2016. –111 б.

2.2. Лисоний ходисаларнинг лингвомаданий хосланиш хусусияти ва омиллари

Тилни «тил ўзида», «тил тил учун» тамойиллари асосида тадқиқ қилиш ўз даврининг ижтимоий буюртмаси сифатида тил қурилишини шахс ва вазият омилларидан ташқарида текшириб, унинг соф онтологик моҳиятини очиш имконини берганлиги тилшунослар томонидан қайта-қайта такрорланмоқда. Айни дамда нутқ вазияти ва лисоний шахс омиллари бу имкониятларни воқелантирувчи факторлар сифатида қаралар экан, уларнинг таъсирида жузъийлашиш хусусиятининг ўзи ҳам тилнинг онтологик моҳиятида мазкур омилларнинг ўзига хос роли, демакки, тўғри маънода ўрни борлигидан далолат беради. Албатта, моҳиятга таъсир қилиш ташқи омил ҳисобланса-да, таъсирни қабул қилиш қобилияти ушбу таъсирга берилиш хоссасининг ҳам лисоний имконият доирасида қаралишини тақозо қилади. Биз шу маънода тилшуносларнинг қуйидаги фикрларига қўшиламыз: «Бугунги кунда тараққиёт ўзбек тилшунослиги фанидан аниқланган лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланишини текширишга, она тили имкониятларидан амалий фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш муаммоси билан шуғулланишга жиддий киришишни тақозо этмоқда. Янги аср фани зиммасига юклатилаётган бу ижтимоий буюртма тилни янги – субстанциал-прагматик («имкониятдан воқеликка») тамойиллар асосида тадқиқ қилиш асосида амалга оширилади».¹¹¹ Бу амалий тадқиқотларнинг амалга оширилишида шахс ва тил, шахс ва вазият омилларининг муштаракликда олинishi зарурлигини кун тартибига қўяди. Таъкидлаш лозимки, аслида «тарихга назар ташласак, ҳатто системавий тилшунослик «отаси» Ф. де Соссюр ҳам тил системаси манзарасини ҳар бир индивид ўзича тиклаб боришини, ўша «ўзида ва ўзи учун» системада индивидуализм ўрнини, яъни татбиқий лингвистиканинг жаҳонда барқ уриб ривожланаётган йўналиши психолингвистика системавий тилшунослик учун қарама-қарши

¹¹¹ Менглиев Б. Тилда имконит ва воқелик муштараклиги // Маърифат, 2013 йил 15 май.

йўналиш эмаслигини тан олган. Унинг издошлари Э.Бенвенист, Р.Барт, Ж.Деррида, Ж.Лакан, М.Фуко ва бошқалар ижтимоий олам манзарасини яратувчи қурол – тил ҳақида фикр юритиб татбиқий тилшуносликнинг назарий асослари пойдеворини қўйганлар.»¹¹² Демак, маълум бўладики, гарчи тил имкониятларининг нутқий воқеланишида нолисоний омилларнинг ўрни масаласи «яп-янги» муаммо сингари «кун тартибига қўйилаётгандек» тасаввур уйғотса-да ва аслида унинг илдизлари формал ва структур тадқиқотларда ҳам «бўртиб» турмаган бўлса-да, бусиз тилдек мураккаб мавжудликнинг асл табиатини очиб бўлмаслиги рўй-рост айтиб ўтилган ва қўйилаётган муаммолардаги бугунги ҳолатни эскининг янгиланиши сифатида қараш тўғрироқ бўлади.

Тилшуносликда структур тадқиқотларнинг кучайиши билан бир вақтда унинг келажаги бўлган лингвомаданий, когнитив ва прагматик тадқиқотларга ҳам эътибор вужудга кела бошлаганлигини табиий бир қонуният сифатида баҳолаш лозим. Чунки ҳар қандай янгилик эскининг бағрида вужудга келади ва бамисоли фарзанд сифатида ундан эстафетани қабул қилиб олади. Масалан, анъанавий тилшунослик ҳали ўзининг поёнига етмай туриб систем-структур тадқиқотлар ҳам вужудга кела бошлаган эди. Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида ҳам ғарб тилшунослиги таъсирида Ш.Сафаров, Д.Умарова, А.Нурмонов, Д.Лутфуллаева, С.Мўминов, М.Ҳакимов, Д.Худойберганова, С.Боймирзаева кабилар томонидан амалга ошириб келинаётган лингвомаданий ва прагматик аспектдаги тадқиқотлар ўзбек систем-структур тилшунослигининг сўнгги ютуқлари билан тенгдош дейиш мумкин. Бироқ, айтиш мумкинки, ғарб тилшунослигида ушбу соҳалар ўрганиш объекти сифатида лисоний фаолият, мулоқот системаси ҳамда жараёнини олади. Мулоқот системасидан келиб чиққан ҳолда унинг бошқа унсурлари қатори тил ҳодисаларини ҳам ўрганади. Ғарб прагмалингвистикаси ва лингвомаданиятшунослигининг тадқиқ принципи – «мулоқот системаси → тил ёки тил → инсон → маданият» дир. Лекин у тил бирлигининг

¹¹² Шаҳобиддинова Ш. Амалий тилшунослик истиқболлари // Маърифат, 2013 йил 6 июль.

субстанциал имкониятига эмас, балки муайян вазиятдаги нутқий хоссасига таянади. Фарбда прагмалингвистика ва лингвомаданиятшуносликнинг тилга ўрганиш объекти сифатида қарайдиган йўналиши ҳам мавжуд.¹¹³

Тилшуносликда бирор босқичнинг тугалланмай янги сифат босқичига кўтарилиши кўп ҳолларда эскисини бузиб, янгисини қуриш тамойили асосида кечади. Бу эса фан тараққиётидаги ворисийликка маълум даражада путур етказди ва янги йўналишларнинг аввалгисидан озиклана олмаслигини келтириб чиқаради – ўрганиш объектининг онтологик моҳиятини очишда мураккабликларни туғдиради¹¹⁴.

Тил бирликларининг лингвомадаиний хусусиятларини ўрганиш икки йўсундан бирида кечишини тилшунослар кўп бора таъкидлаётганларини эслатиб ўтишни жоиз деб биламиз. Зеро, бу муаммо тилшуносликнинг ўрганиш объектига ва ундан келиб чиққан ҳолда лингвомадаиниятшуносликнинг тилшуносликка муносабатини белгилашда катта аҳамият касб этади. Ўрганиш объекти ва ундаги соҳага тегишли ўрганиш предметини белгилаб олиш методологик характерга эга бўлиб, тадқиқотларининг моҳиятини ва унга илмий муносабатни белгилаб олишда ибтидо нуқтани ташкил этади.

Шу маънода тадқиқотчи М. Эрназаровнинг муаммо (ҳа, тўла маънодаги муаммо) ечимини тилшунослик фойдаси учун ҳал қилишга уринишининг ўзи эътиборга моликдир. Олиманинг уқтиришича, «тилшунослик учун ҳеч қачон мулоқот системаси ва лисоний система зиддиятида мулоқот системаси тадқиқ объекти сифатида биринчи даражали аҳамият касб этиб, лисоний системанинг ўрни иккинчи планга туширилиши мумкин эмас. Таъкидлаш лозимки, мулоқот системаси ёки лисоний системани «мулоқот системаси → лисоний система» тамойили асосида ўрганишни мутлақ инкор этиш ниятида эмасмиз. Аммо ҳар бир ҳодисани холис номлаш таомилига кўра, «мулоқот системаси → лисоний система» тамойили асосидаги ёндашувни лингвистик

¹¹³ Пардаев А. Ёрдамчи сўзларда имконият ва воқелик муштараклиги // Маърифат, 2013 йил 6 ноябрь.

¹¹⁴ Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. Филол. фанл. б. фал. док. ...дисс. автореф. – Фарғона. 2018. – 3 б.

прагматика (яъни тилшуносликнинг прагматик соҳаси) эмас, балки прагматик лингвистика (яъни прагматикнинг тилшунослик соҳаси) атамаси билан юритиш ва мантиқан нолингвистик соҳа сифатида қарамоқ лозим.»¹¹⁵

Тадқиқотчининг тилшунослик нафи учун илгари сураётган ғояларини олқишлаган ҳолда айтишимиз мумкинки, лингвистиканинг бошқа фанлар билан ҳамкорлиги ва интеграциясини унинг зарарига, яъни ўрганиш объектидан жудо бўлиши тенденциясига эътиборсизлик тилнинг моҳиятини очиш ва ундан амалий фойдаланиш самарадорлиги муаммосини мақсадли тадқиқ этишга монелик қилишини уқтириш лозим.

Лисоний бирликларнинг барчаси учун лингвомаданий хосланиш сифати бирдай мақом ва моҳиятга эга эмас. Бунда ҳам нисбий мувофиқлик ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шу асосда бевосита лингвомаданий хосланган ва билвосита лингвомаданий хосланган ифодаларни фарқлаш лозим бўлади. Бунинг маъноси шундаки, айрим бирликларнинг лисоний моҳиятига лингвомаданий мўлжал бирламчи мақомга эга бўлади ва бу ифодавийликнинг бўртиб туришида кўзга яққол ташланади. Масалан, тилдаги бўёқдор ва бўёқсиз лексика тушунчасининг фарқланиши замирида ҳам ботиний прагматик мазмун ётишини уқтириш лозим. Чунки бўёқдор сўзларда коннотатив маъно, гарчи денотатив маънодек сўзнинг моҳиятидан ўрин олмаган бўлса-да, бирликнинг парадигматик муносабатларида у белгиловчилик мақомига кўтарилади. Масалан, *ораз* лексемаси *юз* лексемаси билан қиёсланар экан, бунда *ораз* лексемасидаги «бадий хосланганлик» ва «ижобий муносабат» семалари бўртиб чиқади. Бу семалар, номидан маълумки, прагматик мазмунга эгаллиги билан характерланади. Лексемаларни шу асосда лисоний қийматидан келиб чиққан ҳолда прагматик хосланмаган, прагматик хосланган ва прагматик хосланиш жиҳатдан оралик, бетараф лексемаларга бўлиш мумкин¹¹⁶.

¹¹⁵ Эрназарова М. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида: Монография. – Т.: Фан, 2015. – Б.14

¹¹⁶ Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. Филол. фанл. б. фал. док. ...дисс. автореф. – Фарғона. 2018. – 3 б.

Лингвомаданий хосланмаган лексемалар бўёқсиз лексемаларнинг лисоний табиатида лингвомаданий хосланиш белгиси бўлмайди ва уларнинг тегишли лисоний маънодан четлашмаган ҳолдаги қўлланишлари маълум лингвомаданий вазият ва омил билан шартланган бўлмайди. Бундай лексемалар анъанавий талқинларда услубий бетараф лексемалар дейилади.

Бундай муваққат маънолар лексемаларнинг лисоний қийматида бевосита акс этмаган ва шу боисдан ҳам лексикографик талқинларда ҳар доим ҳам берилавермаслиги мумкин. Бу ҳолат лексемаларнинг кўчма маъноларида, хусусан, метафорик қўлланишларида, эвфемик маъноларнинг намоён бўлиши мисолида кўзга яққол ташланади. Тилшунос олимлар Т.В.Бойко¹¹⁷, Т.С.Бушуева¹¹⁸, Н.Ц.Босчаева¹¹⁹, Х.Кадирова¹²⁰лар ўз тадқиқотларида эвфемистик маъноларнинг прагматик ва лингвомаданий хосланиш хусусиятлари асосли ва атрофлича талқин қилганлар. Х.Кадирова таъкидлашича, «нолисоний белгилар асосидаги таснифда эвфемик бирликларнинг нутқий воқеланишида диалектик бирликда юзага чиқувчи ташқи омиллар эътиборга олинади. Булар сирасида сўзловчи ва тингловчи шахснинг дунёқараши, савияси, ижобий ёки салбий образлиги, жинси, ёши каби соф лисоний омиллар билан биргаликда нутқ шароити ва вазияти билан боғлиқ прагматик омилларни санаш мумкин. Хуллас, эвфемик ва дисфемик маъно контекстуал ва прагматик хусусияти билан ажралиб туради.»¹²¹ Эвфемизм натижасида содир бўлган ҳосила семема ҳам бошқа ҳосила семемалар каби прагматик семани вужудга келтиради.¹²² Тўғри, нутқий окказионал маъноларни семема ёки унинг маъновий бўлакчасини сема деб аташ қанчалик тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар¹²³, эвфемик

¹¹⁷ Бойко Т.В. Эвфемия и дисфемия в газетном тексте: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 2005.

¹¹⁸ Бушуева Т.С. Прагматический аспект эвфемизмов и дисфемизмов в современном английском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Смоленск, 2005.

¹¹⁹ Босчаева Н.Ц. Контекстуальная эвфемия в современном английском языке. – Л., 1989.

¹²⁰ Кадирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: Филол.фан. номз...дисс. – Т., 2012.

¹²¹ Кадирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: Филол.фанлари номз...дисс. – Т., 2012. – 15 б.

¹²² Тохиров З.Т. Прагматик сема. – Т.: Зарқалам, 2004. – 22 б.

¹²³ Бу ҳақда қаранг: Раҳматуллаев Ш. Семемалар мустақил тил бирлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1984.– № 5. – Б.17–20; Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланишлар

маъноларнинг лингвомаданий қиймати юқорилиги номлари ёки ишлари қайд этилган тилшунослар томонидан илмий асослаб берилганлиги турли тизимли тиллар бўлган инглиз ва ўзбек тилларидаги табу ва эвфемистик хосланишларни лингвомаданий аспектда тадқиқ қилишимиз учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

2.3. Оламнинг лисоний манзарасида табу ва эвфемизация

Ҳар қандай тил алоҳида олам манзарасига эга ва лисоний шахс ана шу манзарага мос равишда ифодаларнинг мазмунини тузишга мажбурдир. Бунда тилда ўз аксини топган инсоннинг оламини ўзига хос идроки намоён бўлади. Тил инсоннинг олам ҳақидаги билимларининг шаклланиши ва мавжуд бўлишидаги муҳим омилдир. Инсон фаолият жараёнида объектив дунёни акс эттирар экан дунёни билиш натижаларини сўзда қайд этади. Оламнинг лисоний манзараси борлиқ ҳақидаги объектив билимларни тўлдиради. Лисоний шаклларда муҳрланган мазкур билимлар мажмуаси *оламнинг лисоний манзараси*, деб номланади¹²⁴.

Оламнинг манзараси (лисоний ҳам) тушунчаси инсоннинг олам ҳақидаги тасаввурларини ўрганиш асосида яратилади. Олам – ўзаро муносабатдаги инсон ва муҳит бўлса, олам манзараси – инсон ва муҳит ҳақидаги маълумотни қайта ишлаш натижасидир. Агар оламнинг образи бўлинмайдиган яхлит бутунликни намоён қилса, оламнинг манзараси дунё ҳақидаги турли даражадаги билимлар мажмуини ва унинг объектларига бўлган муносабатни намоён қилади. Оламнинг образини тўғридан-тўғри рефлекслар воситасида англаб бўлмайди, уни фақат ўзига хос образларни “ўз бошидан кечириш” орқалигина тушуниш мумкин. Олам манзарасини “одатдаги” билиш орқали англаб бўлмаса-да, уни вербал ва образли акс эттириш, ифодалаш мумкин¹²⁵.

М. Хайдеггернинг қайд қилишича, “манзара” сўзи деганда биринчи навбатда, бирон нарсанинг тасвири ҳақида ўйлаймиз, “олам манзараси дунёнинг тасвирини емас, балки оламини манзарадек тушунишни ифодалайди”. Ҳақиқий борлиқни акс еттирувчи оламнинг манзараси ва оламнинг лисоний манзараси ўртасида мураккаб муносабатлар мавжуд бўлади. Олам манзараси макон (юқори-қуйи, ўнг-чап, шарқ-ғарб, узоқ-яқин),

¹²⁴ Кавинкина И.Н. Психоллингвистика. Пособие для студентов педагогических специальностей высших учебных заведений. –Гродно: ГрГУ, 2010. –С. 152; Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. –М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.64.

¹²⁵ Каранг: Худайбергенова З., Усмонова Ш., Таржиманинг лингвомаданий масалалари. – Т.: 2016. –111 б.

замон (кун-тун, қиш-ёз), миқдор ва ҳ.к. ўлчовлар воситасида тасаввур этилиши мумкин. Унинг шаклланишига тил, анъаналар, табиат ва ландшафт, таълим ва тарбия ва бошқа ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади.

Оламнинг лисоний манзараси оламнинг махсус манзаралари (кимё, физика ва ҳ.к.) билан бир қаторда бўла олмайди, у бошқа манзаралардан олдинда бўлиб, уларни шакллантиради. Чунки инсон дунёни ва ўзини умуминсоний ва миллий тажрибага асосланган тил воситасида англайди. Бу ўринда миллий тажриба тилнинг барча даражадаги ўзига хос хусусиятларни белгилайди. Тилнинг ўзига хослиги туфайли тил эгасининг онгида муайян оламнинг лисоний манзараси юзага келади ва инсон у орқали дунёни кўради.

В. Фон Гумболдт “Тилларнинг хилма-хиллиги фақат товушларнинг турличалиги эмас, балки ҳар бир миллатдаги дунёни кўришнинг фарқлиги натижасидир”, деб қайд қилган¹²⁶. Чиндан ҳам, ҳар бир миллатнинг ўзига хос кўриш тарзи бор, ўзига хос идрок интизоми бор, умумлаштириб айтганда, ўзига хос тафаккур тамойили бор... Америкалик тилшунос Бенжамин Ли Уорф “Агар Нютон инглизча гапирмаганида, инглизча ўйламаганида еди, унинг коинот ҳақидаги буюк кашфиёти бир қадар бошқачроқ бўларди” деган¹²⁷.

Ҳар қандай тил эгаси бўлган инсон учун ҳақиқий борлиқ (моддий ва физик) қуйидаги кўринишларда мавжуд:

- 1) ҳақиқий борлиқнинг ўзи;
- 2) биринчи сигнал (борлиқни сезгилар воситасида идрок қилиш) системаси;
- 3) иккинчи сигнал (вербал) системаси¹²⁸.

Ҳақиқий борлиқни идрок қилишнинг бу уч даражаси билан ҳақиқий борлиқ ҳақидаги тасаввурлар: олам умумий манзарасининг тасаввури (маиший ва илмий), оламнинг лисоний манзараси ёрдамида

¹²⁶ Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. – 452 с.

¹²⁷ Махмудов Н. Тил. –Тошкент: Ёзувчи, 1998. –Б. 9-10.

¹²⁸ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. –Т.: “Фан”, 2013.

объективлаштирилган оламнинг субъектив тасавури ўзаро муносабатда бўлади.

Оламнинг лисоний манзараси инсонни оламга (табиатга, ҳайвонларга, ўз ўзига) бўлган муносабатини шакллантиради. Ҳар қандай табиий тил дунёни билишнинг муайян усулини акс еттиради. Унда ифодаланган маънолар муайян қарашларнинг ягона тизимида, ўзига хос жамоавий фалсафада мужассамлашади ва у барча тил егалари учун мажбурийлик касб этади. Мазкур тилда сўзлашувчилар дунёси шаклланади, яъни оламнинг лисоний манзараси лексика, фразеология ва грамматикада муҳрланган олам ҳақидаги билимлар мажмуасидир.

Оламнинг лисоний манзараси тил эгаларининг олам ҳақидаги билим ва тасавурларининг тилдаги аксидир. Ҳозирги кунга келиб олам манзараси турли фанларнинг фундаментал тушунчасига айланди. Бу тушунчанинг негизида тилдан фойдаланувчи субъект марказий ўринни эгаллайди. Д.Худойберганова таъбири билан айтганда, “алоҳида шахс, шахслар гуруҳи, муайян халқ, инсоният олам манзараси субъекти бўлиши мумкин”¹²⁹.

Олам манзарасида инсоннинг дунёни идрок этиш ва тасаввур қилиш механизми ўз ифодасини топади. Олам манзараси оламни тушуниш, англаш мантиқига мувофиқ ҳолда уни ўзига хос равишда кўриш ва қайта яратишдир. Аммо эътироф этиш лозимки, В. А. Маслова айтганидек, “оламнинг маълум образи ҳеч қачон унинг кўзгудаги аксидек бўла олмайди”¹³⁰. Бу фикрни Е. В. Падучева ҳам қўллаб-қувватлаган. Унинг фикрича, “... табиий тил воситасида оламни у қандай бўлса, шундайлигича тасвирлаш мумкин эмас, лисон даставвал ўз соҳибларига оламнинг муайян манзарасини тақдим этади, бунда ҳар бир тилнинг ўзига хос олам манзараси мавжуд бўлади”¹³¹.

¹²⁹ Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – Б. 33.

¹³⁰ Маслова Б.А. Введение в лингвокультурологию. – М.: Наследие, 1997. – С. 60.

¹³¹ Падучева Е.В. Пространство в обличий времени и наоборот (к типологии метонимических переносов) // Логический анализ языка. Языки пространств / Отв. ред. Н.Д.Арутюнова, И.Б.Левонтина. – М.: Языки русской культуры, 2000. – С. 239-254.

Олам манзараси ҳақидаги қарашларни қуйидагича умумлаштириш мумкин: олам манзараси оламни идрок этиш асосида уни тасаввурда қайта қуришдир; олам манзараси оламни миллий идрок этиш усулидир; олам манзараси ташқи оламнинг инсон тили, руҳияти, борлиққа муносабатида акс этишидир; олам манзараси оламнинг кўзгудагидек акси бўла олмайди; олам манзараси инсоннинг ташқи олам билан алоқаси орқали ҳосил бўлади.

Оламнинг лисоний манзараси эса “оламни тил призмаси орқали ўзига яраша идрок этиш”¹³², “оламнинг тил кўзгусида акс этиши”¹³³ дир. Бошқача айтганда, оламни идрок этишнинг ҳар бир тил эгасига хос миллий шакли, олам ҳақидаги лисоний тасаввурлар ифодасидир.

Оламнинг лисоний манзараси идрок этилган оламнинг илмий инъикоси бўла олмайди. Тил этноснинг жамоавий онгини ва ҳатто ноилмий онгини ҳам ўзида мужассам этади. Олам манзараси доимо миллий-маданий хусусиятлари билан ажралиб туради. У тарихий воқеалар, географик шароитлар ва алоҳида халқларнинг этнопсихологик белгилари таъсирида шаклланади. Олам манзарасини баҳолаганда шуни англаш лозимки, у оламнинг акси ҳам, оламга қаратиб очилган дарча ҳам эмас. У инсон томонидан талқин этилган борлиқ, унинг оламни англаш усулидир.

Олам манзарасининг концептуал ва лисоний турларини фарқлаш лозим. Оламнинг концептуал манзараси оламнинг лисоний манзарасидан фарқли ўлароқ, билиш ва ижтимоий фаолиятлар натижаларини акс еттириб доимо ўзгаришда бўлади. Бироқ олам лисоний манзарасининг айрим қисмлари инсонларнинг олам ҳақидаги қадимдан қолган, ескича тасаввурларини узоқ вақт мобайнида сақлаб қолади. Оламнинг концептуал манзараси оламнинг лисоний манзарасига нисбатан бойроқ бўлади, чунончи, унинг шаклланишида тафаккурнинг ҳар хил турлари иштирок этади. Турли кишиларда, масалан, турли даврлар, турли ижтимоий ва ёш гуруҳлари, турли

¹³² Яковлева Е.С. Фрагменты русской языковой картины мира // Вопросы языкознания. – Москва, 1994. – №5. – С. 73–89.

¹³³ Дмитриева Л.М. Топонимическая картина мира: отражение бытийных ценностей // Язык. Человек. Картина мира: Мат-лы всерос. конф. – Омск, 2000 – С. 37-41

билим соҳалари ва ҳ.к.нинг вакилларида оламнинг концептуал манзаралари фарқланиши мумкин. Ҳар хил тилларда сўзлашувчи кишилар муайян шароитларда бир-бирига яқин бўлган оламнинг концептуал манзараларига, аксинча, бир тилде сўзлашувчи кишилар оламнинг турли концептуал манзараларига ега бўлишлари мумкин¹³⁴. Оламнинг концептуал манзарасида умуминсоний, миллий ва шахсий ўзаро муносабатлар бўлади. Оламнинг концептуал манзараси билан оламнинг лисоний манзараси бир-биридан фарқ қилишига қарамай, ҳар иккала манзара ўзаро боғлиқдир. Агар тил оламнинг концептуал манзараси билан алоқада бўлмаганида, у мулоқот воситаси ролини бажара олмасди.

Оламнинг лисоний манзарасини яратишда табу ва эвфемизмларнинг алоҳида рол ўйнайди. Улар “халқ ҳаётининг кўзгуси”дир деса ҳам муболаға бўлмайди. Табу ва эвфемаларнинг табиати тил эгасининг билимлари, ҳаётий тажрибаси ва мазкур тилда сўзлашувчи халқнинг маданий-тарихий анъаналари билан чамбарчас боғлиқдир¹³⁵.

Тилнинг табуистик ва эвфемик қўлланилишида яратилган оламнинг лисоний манзарасини таҳлилида унинг антропоцентрик хусусиятини таъкидлаш жоиз. Оламнинг антропоцентрик манзараси табу ва эвфемалар қўлланилишининг инсонга қаратилганлиги билан ифодаланади.

Оламнинг лисоний манзараси турфа ранглар, хусусан, мифологемалар, образли метафорик сўзлар, табу ва эвфемалар, ўхшатишлар, коннотатив сўзлар, стереотиплар, рамзлар ва ҳ.к. воситасида яратилади. Ҳар қандай тил ўзида мазкур тил эгасининг дунёқарашини белгилайдиган ва олам манзарасини шакллантирадиган миллий, ўзига хос хусусиятлар тизимини мужассамлаштиради. Масалан, русларда *чўчка* а) ифлослик, б) нонкўрлик, д) тарбиясизликни; инглизларда *rig* очофатни, ўзбеклар, қирғизлар, қозоқлар ва бошқа мусулмон халқларида *чўчка* соф диний нуқтайи назардан ўта

¹³⁴ Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. –М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.65.

¹³⁵ Фразеологический словарь русского литературного языка / Под ред. А. И.Федорова. –М., 1996; Образные средства русского языка / Под ред. В.Н.Телия. –М., 1995.

хақоратни ифодалайди; вьетнамларда *чўчқа* аҳмоқлик рамзи бўлиб келади. Демак, *чўчқа* сўзи турли халқларда турлича белгиларни коннотациялайди. Бу эса мазкур халқлар олам манзарасининг шаклланишидаги уларнинг ўзига хос, индивидуал мажозий фикрлашини кўрсатади.

Шундай қилиб, оламнинг лисоний манзарасини ўрганиш масаласи инсон ва унинг турмуши, унинг дунё билан ўзаро муносабати, унинг мавжудлигининг шароитларини акс эттирадиган оламнинг концептуал манзараси масаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Оламнинг лисоний манзараси инсоннинг турли олам манзараларини изоҳлайди ва умумий олам манзарасини акс эттиради.

Турли халқларнинг руҳияти уларнинг тилидаги эвфемизм ва дисфемизмнинг юзага келишида намоён бўлади. Муайян тилнинг мазкур ходисаларни тадқиқ этишда ана шу тил эгаси бўлган халқнинг руҳияти, дунёқараши, урф-одатлари, удумлари, ирим-сиримлари, инончлари диққатга олиниши лозим.

Мавжуд сўзга эвфемистик маъно юкланар экан, бу маъно қўлланмай қолган сўзнинг маъноси бўлади. Яъни у лексик сатҳга мансуб ҳисобланади. Уни асосан табу билан боғлайдилар. Табуга учраган сўз ёки ибора ўрнида тўғридан тўғри эвфемизм қўлланади, яъни маълум сўзга табуга учраган луғавий бирликнинг маъноси юкланади, у эвфемистик маъно бўлиб қолади¹³⁶.

Табу маданий, диний, ирим ёки нохушлик уйғотиши нуқтайи назаридан муайян хатти-ҳаракатлар ёки айрим сўзлар қўлланишини тақиқлашдир. Масалан, мусулмонларда “Қуръон” китобини таҳоратсиз қўлга олиш, ўзбекларда қиблага оёқ узатиб ўтириш ё ётиш, мўғулларда пичоқни оловга тиқиш, инглизларда оёқ кийимини ечиш, оёқларини ялонғоч ҳолда кўрсатиш (меҳмонга борганда ёки бирор бир ҳонадонга у ёки бу сабаб билан ташриф буюрганда) ман қилинади. Булар диний нуқтайи назардан белгиланган табулардир.

¹³⁶ Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. –С. 284.

Табулар иккига: *этнографик* ва *лингвистик* табуларга ажралади. Ўзбекларда супургини, ўқловни тик қўймаслик, бировнинг орқасидан супурмаслик, ахлатдан хатламаслик, оташкуракни оёқ остида қолдирмаслик, супрани эгасиз йиғишмаслик, ноннинг ушоғини ерга туширмаслик, қайчини очиб қўймаслик, қалампирни қўлга бермаслик, инглизларда бировга тикилиб карамаслик (жамоат жойларида айниқса), бош кийимни кийиб юрмаслик (черковлар бундан мустасно), ерга бирор нарсаларни (ахлат ёки кераксиз буюмларни) ташлаб кетмаслик, туркий ва эроний халқларда сувни ифлослатмаслик, сувга тупурмаслик, мўғулларда қозондан пичоқ билан гўшт олмаслик, чодирда сув тўкмаслик, оловга яқин жойда дарахт кесмаслик, камчига таянмаслик, корейслар ва хитойликларда косадаги овқатга қошиқни тикиб қўймаслик (фақат мархумга аталган овқатгагина қошиқ тикиб қўйилади) кабилар иримга асосланган этнографик табулар ҳисобланади.

Лингвистик табу луғавий бирликнинг ё халқ ирими нуқтайи назаридан, ё аташ нохушлик уйғотиши нуқтайи назаридан муомалада қўлланишининг тақиқланишидир¹³⁷. Масалан, ўзбек лингвомаданиятида *чаён* сўзи тилга олинмайди. Чунки уни аташ чақириш маъносини беради, деб тушунилади. Маълумки, бу ҳашарот ҳавфли бўлиб, захари ниҳоятда ўткир. У чақса, қаттиқ азоб беради. Шунинг учун унинг номи билан аташ ўзбек лисоний манзарасида тақиқ қилинган. Яъни *чаён* сўзини тилга олмасликнинг ўзи табу деб қаралади... У бошқа халқлар лисоний манзарасида ҳам кўплаб учрайди. Масалан, немислар ҳам, руслар ҳам, татарлар ҳам ўз тилларида айиқнинг номини атамайдилар¹³⁸.

Умуман, табулар, тақиқлар, огоҳлантиришларнинг ўз асосли мантиғи, мазмуни ва воқеа-ҳодисалари бўлади. Кўп марта такрорланган мазкур ҳодисаларда ҳосият бўлганлиги учун халқ билиб уларни тақиқлаб, кейинги

¹³⁷ Булаховский Л.А. Введение в языковедение. –С. 49; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов.

–
М.: Советская энциклопедия, 1966. –С. 467.

¹³⁸ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. –Б.121.

авлодларни огоҳлантириб кетган. Шунинг учун ҳам табулар бир халк маданиятидан иккинчисига, учинчисига кўчиб юради.

Эвфемизм табуга учраган сўз маъносини ёқимлироқ ифодали бирор сўз ҳосила маъно сифатида акс этилиши ҳисобланади. Масалан, *чаён* сўзи табуга учраган, қўлланиши ман қилинган эди. Бу лексик ҳодисадир. Унинг маъноси *эшак* сўзида ифода топди. Эвфемизм сўз ёки иборанинг ҳосила маъно юзага келтириши билан боғли ҳолда воқеланади... метафора эвфемик маъно ҳосил бўлишида ката аҳамият касб этади. Масалан, *чаён* сўзи лексик маъноси *эшак* сўзи лексик маъноси сўзнинг эвфемик маъноси сифатида воқеъланган. Чунки *чаён* думини гажак қилиб туриши жиҳатидан *эшакка* ўхшайди. Мана шу ўхшашлик *эшак* сўзида эвфемистик метафорик маъно ҳосил бўлиши учун сабабдир¹³⁹.

Эвфемизмлар “овчилик тили”да кенг қўлланилади. Масалан, рус тилида *медвед* сўзининг ўрнига *лесник, хозяин, потапич* сўзларидан фойдаланилади. Кабардин тилида *айиқ – маймоқ, кийик – сершоҳ, тўнғиз – йирик, бўри – кул ранг, қуён – уч лабли, илон – узун думли* ва ҳ.к.дан истифода этилади.

Баъзи ўзбек оилаларида эркак хотинига катта қизининг исми билан, хотин эса эрига катта ўғлининг исми билан хитоб қилади. Хотинга нисбатан *онаси, ойиси, аяси*, эрга нисбатан *отаси, дадаси, адаси* каби мурожаат шакллари қўллаш мумкин: Мазкур хитоб шакллари ибтидоий даврлардан қолган табу қолдиғи бўлиб, у оилада эр-хотиндан кўра кўпроқ болаларнинг ота-она жуфтлигини, шериклигини, яъни болаларнинг қадрини, аҳамиятини намоён қилади. Айни ҳолат корейс лисоний манзарасида ҳам ўзгача кузатилади. Оилада фарзанд туғилгандан кейин эр-хотиннинг муносабатлари ўзгача тус олади. Уларнинг бир-бирига бўлган ҳурмати янада ортади. Бу ҳурмат катта фарзанднинг исмини қўшиб хитоб қилиш орқали амалга оширилади: эр хотинига (фарзанднинг исми+омма) *Аримомма* “Аримнинг

¹³⁹ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. –Б.122-124.

онаси”, хотин эса эрига (фарзанднинг исми+абба) *Арим-абба* “Аримнинг отаси”, ёки *егу абба* “боламнинг отаси”, деб мурожаат қилади.

Оламнинг лисоний манзарасини акс эттиришда эвфемик омонимия ҳам кенг тарқалган ҳодисалардан бири саналади. Масалан, ўзбек тилида *кетмоқ 1*, инглиз тилида *to go 1*, турк тилида *gitmek 1*, корейс тилида *torokata (қайтмоқ) 1*, рус тилида *уйти, 2 “ўлмоқ”, 2 to die (to join the majority) gitmek 2 (Ben gidersem adim kalir) 2, уйми 2* (“ушёл из жизни”); ўзбек тилида *хайрлашмоқ 1*, турк тилида *vedalaşmak 1 хайрлашмоқ 2 “ўлмоқ”* (Бултур шунақа “ука”лардан учтаси билан хайрлашдим...), *vedalaşmak 2*; ўзбек тилида *кузатмоқ 1*, турк тилида *uğurlamak 1, кузатмоқ 2 “ўлмоқ”* (Тунов куни қишлоқ энг азиз кишисини кузатди), *uğurlamak 2* ва ҳ.к.

Ҳулоса ўрнида айтиш мумкинки, оламнинг лисоний манзарасида табу ва эвфемизмларнинг ўрни ҳам ўзига хос бўлиб, уларда ҳалқ маданияти, менталитети ҳеч шубҳасиз ўз ифодасини топади. Аммо турли тиллар олам лисоний манзарасида табу ва эвфемикани ифодалашнинг усул ва воситалари ҳар хил бўлиши табиий.

УЧИНЧИ БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ТАБУ ВА ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ

3.1. Инглиз ва ўзбек тилларидаги табу ва эвфемизмларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ва уларни лингвомаданий таҳлили

Халқнинг маданиятини тилсиз ўрганиб бўлмайди, у тил билан чамбарчас боғлиқ. Инсон ўзи униб-ўсган жойнинг тили ва маданиятини тўла равишда эгаллаб олсагина, у ҳақиқий инсон бўлади. Халқнинг миллийлиги, урф-одатлари, анъаналари, адабий ёдгорликлари – унда қўлланилинган тил бирликларини стилистик воқеъланишида, табу ва эвфемаларда яққол акс этади. Бу нозик қирралар ушбу тил эгаларига дунёни ўзига хос тасаввурларида намоён қилади.

Миллий-маданий хусусиятларни, унинг бевосита маданий муҳит билан боғлиқ томонларини илмий асослашга биринчилардан бўлиб ҳаракат қилган тилшунос олимлар В.Гумбольдт ва Э.Сепирлардир. Улар миллий тиллар луғат ва грамматик тизимлари ўртасидаги фарқни тил соҳиблари – инсонларнинг воқеликни қабул қилиш ва идрок этишдаги фарқ билан боғлашга ҳаракат қилишган.

В.Гумбольдт турли миллат ва маданият вакилларининг воқелик ҳақида тасаввури мос келмаслигини исботламоқчи бўлади. “Турли тиллар-ягона бир предметни турлича номланишидан кўра, ушбу предметни турлича кўриш, идрок этишди”¹⁴⁰. Воқеликни турлича «кўриш» ҳамда категориялаштириш, айниқса, стилистик бирликлар қиёсида аниқ намоён бўлади. Э.Сепирнинг образли таърифича, “тил айрим ҳолларда ўз таснифларида бемантик ва қайсар. У ўзининг қатъий чегарали каптархоналарига эга бўлишни истади ҳамда каптарларнинг бир уядан иккинчисига учиб ўтишига йўл қўймайди. Ифодага талабгор ҳар қандай тушунча тасниф қоидаларига бўйсунуши

¹⁴⁰ Гумбольдт фон В. Избранные труды по языкознанию. – М.: «Прогресс», 1984. – 397 с.

лозим”¹⁴¹. Тасниф қоидаларининг муҳимлиги ментал ҳаракатларда ҳам ўз аксини топади.

Инглиз маданияти, хусусан лингвомаданияти ҳагида гап этар экан, инглизларни хушмуомала ҳалқ эканлиги ва бу шубҳасиз уларни тилида намоён бўлишини таъкидлаш зарур. Инглизлар табиатан қўпол ва дағал сўзларни камроқ қўллашга ҳаракат қилишади. Бундай сўзларни ўрнида нисбатан “юмшоқ” сўзлар – эвфемизмлардан кенг фойдаланишади. Мисол учун инглиз лингвомаданиятида “*liar*” (ёлғончи) сўзи ўрнида *untruth, storyteller, fabulous, reckless disregarder for truth, dissimulator, misleader, falser, fabricator* каби эвфемизмларни қўллаш кенг тарқалган. Бу каби ҳолатлар касб номлари билан кузатилади: “*shoe maker*” (косиб) сўзи ўрнида “*shoe rebuild*” эвфемаси, “*sanitation engineer*” эвфемаси “*garbage man*” сўзи ўрнида қўлланилишини мисол қилиб келтириш мумкин. Тадқиқотимиз давомида бу каби сўзлар (ёлғончи, косиб, ободонлаштириш хизмати хизматчиси) ўзбек лингвомаданиятида табулаштирилмагани боис улар ўрнида эвфемик бирлик қўлланилинмаслигини кузатишимиз мумкин.

Ўзбеклар маданий ҳаётида оила институти ўзига ҳос миллий ҳарактер касб этади, шу боисдан ҳам ўзбек лингвомаданий манзарасида оила билан боғлиқ табу ва эвфемалар нисбатан кенг тарқалганини кўраимиз.

Ўзбек лингвомаданиятида келин-куёв мурожаати билан боғлиқ ёки умуман, тилга олиниши одобсизлик ҳисобланган шахс исмлари ўрнида қўлланилган эвфемик атамалар бора-бора ўша шахснинг лақаби ёки тахаллусига айланиб, расмий ном унитилиб ҳам боради¹⁴². Масалан, Сурхондарёнинг қатор тоғ қишлоқларида табу туфайли орттирилган *Кенжа, Мэрган, Қорасоч, Оққўзи, Шўро, Полвон, Мулла, Бахши, Юзбоши, Оқсоқол, Даллол, Қассоб* каби номлар борки, бугунги кунда буларни аслида «бош ҳарфлар» билан айтиладиган эвфемик лақаблар эканлигини ҳамма ҳам

¹⁴¹ Сепир Э. Грауддирование. Семантическое исследование. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике: Вып. 16., Прагматика.– Прогресс: 1985.– С. 43-78.

¹⁴² Omonturdiyev A. O‘zbek nutqining evfemik asoslari. Toshkent. 1997

пайқамайди¹⁴³.

Ўзбек менталитетига кўра келин ва куёв (энди эр ва хотин) бир-бирларининг номларини мана шундай очик айта олмаслик удуми (ҳозирги ёшлар бундан мустасно) бу тушунчалар (эр ва хотин номлари)нинг эвфемалашшига сабаб бўлган.

Ўзбек лингвомаданиятига кўра жуфтликларнинг келин-куёвлик давридаги бир-бирига қиладиган мурожаат воситалари ўзига хос ёки уқадар шаклланмаган бўлади. Хусусан, бировлар олдида очик мурожаат ўрнида *у, улар, бу, булар* каби олмошлар орқали мавҳум олмошлар воситаси билан муомала қилинади. Келин қайнота, қайнонага эрини - *ўғлингиз*; куёв ҳам ота-онасига хотинини *келинингиз*; ёки келин ўз ота-онасига эрини - *куёвингиз*; куёв қайнота, қайнонасига хотинини - *қизингиз* каби эвфемик атамалари билан мурожаат қилади. Шунингдек, келин-куёвнинг бола кўриш даври бошлангач, бир-бирларини тўнғич (хоҳ қиз, хоҳ ўғил бўлсин) фарзандларининг номи билан атай бошлаганлар: «... ҳар бир эркак ўз хотинини - ўз ҳалол жуфтини қизи ё ўғлининг номи билан атаб чақиради. ўз хотинининг исмини айтиб чақирини ярамайди. Хотинининг исми Марям, қизининг исми Хадича бўлса, мўмин- мусулмончилик, шарм-у ҳаё юзасидан хотинини Хадича деб чақиради. Аксарият ҳолларда она-бола баравар «лаббай» дейди. Шундай оиланинг ҳақиқий эгаси бўлган ота: «Каттангни айтаяпман, каттангни!» дейди. Ҳатто шунда ҳам «Марямни» демайди¹⁴⁴».

Бу каби ҳолатларда, яъни оилавий муносабатларда, ўзбек лингвомаданиятидан фарқли равишда инглиз лингвомаданиятида инглизлар бир-бирларига оилавий мавқеъларини айтиб мурожаат қилишади: *Grandmother, Grandma, Gran, Nanny, Grandfather, Grandpa, Mother, Father, Mum(my), Mom(my), Dad(dy), Aunt(ie) Kate, Uncle Ben*¹⁴⁵. Эр-хотинлар эса бир-бирларига исмларини тўғридан-тўғри айтиш орқали, исмлари ўрнига ёки исмларига *darling, dear, dearest* каби эркалаш сўзларини қўшиб мурожаат

¹⁴³ Omonturdiyev A. Professional nutq evfemikasi. - Toshkent, Fan, 2006.-232 b.

¹⁴⁴ Omonturdiyev A. Professional nutq evfemikasi. - Toshkent, Fan, 2006. - 232 b.

¹⁴⁵ <https://www.ef.ru/englishfirst/englishstudy/articles.aspx> (28.03.2020)

қилишлари одатий ҳол ҳисобланади¹⁴⁶.

Англашиладики, ўзбек лингвомаданий-эвфемик манзарасида эр-хотинлар бир-бирларининг номлари ўрнида *қизингиз*, *ўғлингиз*; *куёвингиз*, *келинингиз* эвфемаларини қўллашларига ёки катта фарзандларининг номи билан мурожаат қилинишида муайян ахлоқ-одоб нормаси сабаб бўлади.

Профессор А.Омонтурдиев ўзбек эр-хотинларининг ўзаро муомаласида қўлланадиган эвфемик воситалар тоғ чорвадорлари нутқида ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги ҳақида гапирар экан, ўзи олмоши эр тушунчаси ёки ўз номининг эвфемаси сифатида қўлланилиши, бунда ўзи олмоши шаклан II шахсда бўлса-да, эр-хотин ўртасидаги диалогик муомалада (фақат хотин нутқида), мазмунан II шахсни кўрсатиши, бошқача айтганда, хотин (I шахс) эри (II шахс)га қаратилган фикрини III шахсдаги гап модели орқали баён етиши, шу сабаб ўз олмоши ҳам III шахс (ўзи)да шаклланишини таъкидлаб ўтади¹⁴⁷:

Куёв қайлиқ... нималами хаёл сураяпти, шуни билмоқчи бўлдилар:

- Гапир, -деди куёв.
- ўзи гапирсин, -деди қайлиқ.
- Сен гапир.
- ўзи гапирсин-да.
- Нимани гапирайин?
- ўзимизнинг оқшомлардан гапирсин, қирдаги буғдой ўримидан

гапирсин.

- Сен гапир... Мен сенга зардоли тэриб бэрганимни.
- ўзи гапирсин, қўллари зардоли шохларида бўлса-да, кўзлари менда еканини... (Т.М., «Ойдинда юрган одамлар», 234-б.).
- Мени қизиллар йўқласа, тоққа - ўтинга кетган де.
- ўзи қаерда юрибди?
- Ишинг бўлмасин.

¹⁴⁶ Речевой этикет – [Электрон манба] <https://www.vspu.ru> (28.03.2020)

¹⁴⁷ Omonturdiyev A. Professional nutq evfemikasi. - Toshkent, Fan, 2006. - 232 b.

- Нега ишим бўлмайди, ўлик-тиригини билайин-да.
- Ҳайиткал жариди ётибмиз.
- Жарда нима қилади? Бир ўзимми?
- Бир ўзим қаёқда, ўнта жигит.
- Кечаси Ҳайиткалнинг жариди нима қилади-а? Уйгинасида ётса бўлмайдимми? (Т.М., «Отандан қолган далалар», 30-б).

Юқорида таъкидлаганимиздек, бола туғилгач, эр-хотин ота-она бўлишади: ўзбек миллий-маданий одатига кўра, энди *отаси, дадаси, адаси, онаси, аяси, ойиси* (боланинг отаси, онаси маъносида) эвфемик атамаси пайдо бўлади: хотин эрига - *отаси, дадаси, адаси*, эр хотинига - *онаси, аяси, ойиси* деб мурожаат қилади. Невара туғилгач, бобоси, момоси эвфемик атамалари пайдо бўлади. Бу удум Т. Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссасида куйидагича акс етган:

Куёв қайлиғи юзини бағрига босди.

- Отини нима қўямиз? – деди.
- Барчиной.
- Сен ҳали...
- Қиз яхши-да. Менга ёрдамчи бўлади.
- Йўқ, ўғил бўлсин. Отини-да ўйлаб қўйибман.
- Хушвақт!
- Кейин?
- Кейин Хушвақтни катта қиламиз, уйлантирамыз, жойлаштирамыз, невара-чевара кўрамыз. Мен бува бўламан, сен момо бўласан. Қайлиқ завқланиб-завқланиб кулди.
- Мен бу кишини буваси деб чақираман.
- Мен сени момаси деб чақираман.
- Буваси.
- Момаси (240-б.).

Умуман олганда айтиш мумкинки, ўзбек лингвомаданиятида *эр* (ёки *эрим*) тушунчаси (хотинлар нутқида) *отаси, дадаси, адаси, умр йўлдош* (-

им), умрдош (-им), турмуш ўртоқ (-им), ҳаёт йўлдош (-им), жуфти ҳалол (-им), жуфт (-им), кўз очиб кўрган (-им), танмахрам (-им), хўжайин (-им), хўжа(-м), тўра (-м), бек (-им), киши (-м), бой (-им), мард (-им), мардак(-им), эркак (-им) каби эвфемик воситаларга эга бўлган бир вақтда инглиз лингвомаданитида бу каби ҳолатлар табулаштирилмагани боис эвфемик бирликлар қўлланилмаслиғни кузатишимиз мумкин.

Are you all right, darling?

*Are you all right, Tom?*¹⁴⁸

Болаларимнинг *отаси* бутунлай бошқа соҳанинг кишиси. («Саодат» 1989, № 10, 20-б.)

Мени табрикланг, *дадаси!* деди энтикиб. (С.С., «Хурматли ўртоқ рафиқам», 210- б.)

Уйда ота-онам, севимли *умрдошим*, ҳамма-ҳаммалари насихат қилишди. (Т.Расулов, «Қора илон қурбони», 12-б.)

Шунда онаҳонимиз ҳам *умр йўлдошларига* мулойимгина товушда сўзладилар. («ФТ», 1992, № 3, 227-б.)

Нусратулла Нетайхоннинг *жуфти ҳалоли*. (А.Қ., 4-Т., 161-б.)

Кўз очиб кўрганим, то ўлгунча шу билан бирга бўламан (Н.А., «Елвизак», 59-б.)

Узр, *бегим*, Райҳон уялиб эрининг кўксига юзини бекитди. (Е.Тур., «Бу тоғлар-улуғ тоғлар», 67-б.)

Қўйларингиз ҳам кўпдир-а!? -Билмадим. *Кишим* билади. - Чақирингда, *кишингизни!* (С.С., «Туя лўк-лўк этади», 169-б.)

Бу миллий-маданий ҳосланган эвфемаларнинг нутқий қиммати, қўлланиш хусусиятлари, даражаси бир-биридан фарқли, албатта: баъзилари сўзлашув, баъзилари адабий тил, баъзилари бадий тил, баъзилари эски тил, баъзилари диалектал восита услубига хосдир.

Умуман, *эр(им)* тушунчасининг англатувчи 20 дан ортиқ эвфемик атамаларнинг ҳар қайсисининг қўлланиш ўми мавжуд. Шулардан *умрдошим*,

¹⁴⁸ Речевой этикет – [Электрон манба] <https://www.vspu.ru> (28.03.2020)

умр йўлдошим ва бегим сўзлари ихчам ва адабий тилга жуда мос келади.

Ўзбек лингвомаданиятида, шунингдек, *хотин(им)* тушунчаси ўрнида *аёл, оила, онаси, ойиси, аяси, опаси, ажаси, бийиси, бека, қаллик, умрдош, умр юлдош, йўлдош, турмуш ўртоқ, ҳаёт йўлдоши, ёстиқдош, рафиқа, соҳиба, завжа, аҳлия, заифа, ожиза, зан, ҳалола, аврат, ҳасм, танмаҳрам, ҳарам, маҳрам, евлуғ* каби эвфемик атамалар ҳам қўлланилади.

Булар ҳам тасвир обектига, услубнинг турларига, сўзловчининг шахсиятига қараб фарқли қўлланади. Масалан, хотин сўзи билан умр йўлдоши атамасининг услуб жиҳатдан фарқли қўлланилиши кўйидаги матнда равшан кузатилади:

Заргаров (телефонда): - Бизнинг бошимизга бир мушкул иш тушиб қолди. Умр йўлдошимиз қаттиқ бетоб... Хуморхон: Бунақа гапларни сизга ким кўйибди хотиним деявэринг, дейди. (А.Қ., 4-т., 90-б.)

Ўзбек лингвомаданиятида хотин тушунчасини эвфемик воситалар орқали ифодаланишига мисоллар:

Аёлим вафотидан кейин дардманд бўлиб қолдим. (М.Коз., «Қўрқинчли Техрон», 127- б.).

Нимаики ёзсам, енг аввало оиламга, ўғлим, қизимга ўқиб бэраман. *Умр йўлдошим* - адабиётчи (Ў.Х., «Нотаниш орол», 12-б.).

Астойдил ҳар эркак *йўлдош* демаса, Инсоф маҳкамаси судга боради. (Ғ.Ғ., 5-т., 96-б.)

- *Қаллигинг* ҳам бориши керак еди, ўтир машинага. (Ў.Х., «Икки карра икки-беш», 156-б.)

Ҳа, Раззоқ сўфининг *ожизаларимиз*. (Ч., «Кеча ва кундуз», 107-б.)

Қари одамга *маҳрам* керак. (А.Қ., 2-., 313-б.)

Мен бир *танмаҳрамга* зор. (П. Қод., «Авлодлар доवони», 106-б.)

Наргизхон энди *ҳалолинг-ку!* (Ў.Х., «Икки карра икки-беш», 150-б.)

Қиз бировнинг *ҳасми*. (Ғ.Ғ., 5-т., 59- б.)

Кўнгилсиз амир айтди: Сароймулк *завжамнинг* изидан савол қилайин. («Темурнома», 98-б.)

Бир киши рўзада ўз *аҳлияси* билан жинсий алоқа қилиб қўйганини айтди. («Ҳадис»дан)

Сен ҳам кимгадир *махрам* бўлишинг керак-ку! (П.Қод., «Авлодлар довони», 107-б.)

Қози домладан айрилган *ҳарамни* фуқаро у ёқда турсин, хатто ешонлар ҳам ололмайди. (Х.Х., «Бой ила хизматчи», 78-б.)

Ўзбек романчилигини бошлаб бэрган, қолаверса, ўзбек миллий-маданий дурноларини ўзида акс эттирган “Ўткан кунлар” романида эр-хотин нутқи билан боғлиқ эвфемизмлар жуда кўпчиликни ташкил қилади. Хусусан, ушбу асарда муаллиф хотин лексемаси ўрнида 22 та эвфемизмни, эр лексемаси ўрнида 15та эвфемизмни қўллайди. Асарда бундай эвфемизмлар асосан икки турда учрайди: 1. Лексик эвфемизмлар. 2. Сўз бирикмаси тарзидаги эвфемизмлар¹⁴⁹.

Лексик эвфемизмлар. Эвфемизмнинг бу турида тушунча таъсир доираси силлиқроқ бўлган лексемалар билан ифодаланади. Масалан, куйидаги гапларда “*хотин*” лексемаси ўрнида “*рафиқа*”, “*жоним*”, “*хотин*”, “*анди*”, “*келин*”, “*марғилонлик*”, “*Тупроқбиби*”, “*Олтинбиби*”, “*хоним*”, “*малак*”, “*Зулайҳо*”, “*Лайли*”, “*Ойим*” каби эвфемизмлар билан ифодаланган.

Рафиқа: Чунки сиз маним шаръий рафиқамсиз-яхшилик билан-да ва ёмонлик билан-да мен буни исбот қилишга ҳозирман! (317-б.).

Жоним: Рўмол тугиш билан машғул латиф қўлларни чет қўл келиб сиқди: - Жоним! (70- б.).

Хотин: Ўзингга қолса шу марғилонликни хотинга ҳисоблаб кетабэраар екансан-да! (161-б.).

Анди: -Хотин бўлмаса нима ахир? -Қошлик, кўзликбир анди! (161-б.).

Келин: -Келинга айтдингми? - Айтдим (189-б.).

Олтинбиби: Сиз ўзингизни тупроқ билан тенглаштирмакчи бўлгансиз,

¹⁴⁹ Кадирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: Филол. фанл. номз. дисс. – Т., 2009. – 134 б.

лекин ман ҳозир Кумушга ҳам қаноатланмай Олтинбиби деб атамоқ фикрига тушдим...(213-б.).

Марғилонлик: -Марғилонликнинг домласи сихирчи ҳинди еди (364-б.).

Хоним: Ой юзлик рафикам, қундуз қошлик маъшуқам Кумушхонимга! (316-б.).

Малак: Мен ўзимга бағишланган куч манбайини жуда яхши онглар эдим, мендаги бу ўзгариш манбаъи уй ичида ухлагучи бир малак эди... Сиз эдингиз!

Муаллиф эр лексемасига ўрнида “*душман*”, “*сиз ўшаму*”, “*қаллиғ*”, “*бегим*” каби лексемаларни қўллайди.

Душман: Мажбурият остида, ёв қараши билан секингина душманига қаради...(71-б.).

Сиз ўшаму: - Сиз ўшаму?

- Мен ўша,-деди бек.Иккиси ҳам бир-бирига беихтиёр тэрмулишиб қолдилар (71-б.).

Бегим: Бегим, гарчи аччиқлансангиз ҳам айтишка мажбурман: сизда виждон, инсоф, раҳм, ваъда, вафо, яхшилиқни билиш, боринг-чи, одамгарчиликдан ҳеч гап йўқ эмиш (198-б.).

Бундан ташқари, “Ўткан кунлар”да *хотин* лексемасига доир эвфемизмлар сўз бирикмаси шаклида ҳам кўп қўлланилган. Буларга мисол қилиб “*янги ёр*”, “*уятсизликнинг қурбони*”, “*умидим юлдузи*”, “*орзум чечаги*”, “*ҳаётим тираги*”, “*қундуз қошлик маликам*” каби сўз бирикмаларини айтишимиз мумкин.

Янги ёр топганда дўстлар, эскидан кечмоқ керак, Эскини ўлган санаб, латта кафан бичмоқ керак (199-б.).

Онанингнинг ўқийтурғон байти маним шаънимга тамоман тесқари, чунки ота-она орзуси ҳеч вақт янги ёрлиқ вазифасини ўтай олмас ва ҳамиша бошқаларнинг орзу-ҳаваси бўлиб қола бэра (213-б.).

Умидим юлдузи: Умидим юлдузи, орзум чечаги, ҳаётим тираги

Кумушимга!

Шунингдек, ўзбек лингвомаданиятида никоҳдан кейин келин тилида куёв ва унинг оила аъзоларининг номлари, куёв тилида келин ва унинг оила аъзоларининг номларини аташ табулашади. Улар бир-бирларининг оталарини - *қайнота*, оналарини - *қайнона*, акаларини - қайноға, укаларини - қайин (қайин ини, қайин ука), опаларини - қайнопа, сингилларини - қайнсингил эвфемик воситалари билан атай бошлайдилар. Инглиз лингвомаданиятида бу ҳолатда *Mr/Ms* + фамилияси ёки тўғридан тўғри исми билан мурожаат қилишлик норма ҳисобланади.

Would you like some tea, *Ms Jones*?

Would you like some tea, *Anna*?¹⁵⁰

Келин ва куёв нутқида қўлланадиган юқоридаги қайнота, қайнона, қайноға, қайнопа, қайнука, қайнсингил каби атамаларнинг эвфемиклиги исмга нисбатан, албатта. Бундан ташқари, ҳар иккала шахс (келин, куёв нутқида қайнотага: *ота, дада, ада*; қайнонага *она, ая, ойи*; қайноғага *ака*; қайнопага *она* каби қариндошлик атамалари билан ҳам мурожаат қилинадик, буни табу тушунчаларни эвфемалаштиришнинг иккинчи босқичи дейиш мумкин.

Тил маданияти умуммаданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг юксалишида кучли куролдир. Тил ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир кишидан тилнинг тараққиёт қонунларини мукамал билиши, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Ҳар бир шахснинг лисоний қобилияти ва мулоқот малакаси маълум маданият ҳудудида, маданий муҳитда шакл топади ва фаоллашади. Эвфемизм орқали эса халқ руҳияти, дунёқараши, ижтимоий-маданий муносабатлар акс этади. Унда халқнинг миллий қадриятлари, этик ва эстетик қарашлари мужассамланган бўлади.

Миллий менталитет, маданиятни ўзида яққол акс эттирадиган эр-хотин нутқи билан боғлиқ эвфемик ифодаларни лингвомаданий ўрганиш ҳар

¹⁵⁰ <https://www.englishclub.com/speaking/titles.htm>

иккала тил имкониятлари кенглигини намоён этиши билан бир қаторда, бундай сўзларни қўллашни ёш авлодга ўргатиш, уларда никоҳ ва оила билан боғлиқ кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилиши билан бирга, оилада эр ва хотин муносабатларини мустаҳкамлайди ва улар ўртасидаги ўзаро ҳурматни кучайтиради.

Эвфемизм лисоний ҳодисаси ҳар икки тилда (инглиз ва ўзбек) ҳам ижобий баҳоланади. Инглиз халқи ушбу ҳодисага сўзловчига бўлган ҳурматнинг ифодаси деб қарайдилар. Ўзбек тилида эвфемизм ҳодисаси “*ҳурмат*” ва “*андиша*” тушунчалари билан узвий боғлиқ ҳолда ифода этилади.

Табу ва эвфемизмлар тил луғат таркибининг алоҳида қатлами ҳисобланади. У халқнинг ижтимоий ҳаёти, миллий урф-одатлари, менталитети билан боғлиқ ҳолда юзага келган бўлиб, уларда маданият ва тил манбаларидан таркиб топган этнолингвистик тушунчалар ифодаланади. Ушбу қатлам бўйича инглизча-ўзбекча изоҳли-лингвомамлакатшунослик луғатларини яратиш соҳа ривожига катта ҳисса қўшади деб ишонамиз.

3.2. Инглиз ва ўзбек лингвомаданиятига ҳос табу ва эвфемизмларнинг таржима қилиш усуллари ва муаммолари

Тадқиқот ишимизнинг ушбу бўлимида биз инглиз ва ўзбек лингвомаданиятига ҳос табу ва эвфемизмларнинг таржима қилиш усуллари ва муаммолари ҳамда уларни бартараф қилишга доир айрим тавсиялар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Таржимадаги муаммолар ҳақида гапиришдан аввал биз таржима ўзини, инглиз ва ўзбек лингвомаданиятига ҳос табу ва эвфемизмларнинг таржима қилишдаги қандай қийинчиликларга дуч келамиз, стилистик троплар ичида лингвомаданий ҳосланганлари қайси усул орқали таржима қилинади деган саволларга жавоб бермоғимиз лозим бўлади.

Таржима (форсча-арабча *тарзабон, чиройли сўзловчи, нотик, тили бурро киши*) араб тилига *таржумон* шаклида қабул қилинган, ундан *таржима, таржума* ҳосил бўлган. Ўзбек адиблари бундай тушунчани *чевуриш, ўтказиш, қайтариш, азда-риш, ўгириш* атамалари билан ифодалаганлар. Таржима шарҳ, тафсир, баён қилиш, тушунтириш маъноларида ҳам қўлланилган. Ҳозир бу сўз бадиий ижоднинг бир турини ифодалаб, илмий-филологик истилоҳга айланди ва бир тилда ёзилган матн ёки айтилган нутқнинг бошқа тилда қайта яратилишини билдиради. Шу маънода таржима халқлар, миллатлараро алоқа воситаси ҳам ҳисобланади.

Таржима лисоний матн кодими, тарзини ўзгартириш бўлиб, бу жараёнда унинг янги лисоний ва услубий шакли яратилади. Таржима инвариант (мазмун)нинг бир матндан иккинчисига ўтиши бўлиб, бунда аслиятнинг услубий ва бошқа ўзига ҳос хусусиятлари мумкин қадар аниқ сақланади. Натижада биз аниқ таржимага эга бўламиз ва бу таржима миллатлараро алоқа тусини олади. Таржима жараёнида тиллар, услублар ва маданиятлар ўртасидаги фарқлар эътиборга олинса, аслиятни сўзма-сўз ўгириб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолади. Яъни матнни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш жараёнида матндаги сўзларни сўзма-сўз таржима

килиш ярамайди, балки ундаги тил бирликларини лингвомаданий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарур ҳисобланади.

Тил ва маданият муносабати масаласи мураккаб жараён бўлиб, лингвомадаиний бирликлар таржимаси жараёни жуда қийин ҳамда кўп томонлама муҳокамани талаб қиладиган масаладир. Улар тадқиқига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур бўлади, акс ҳолда бу икки турдаги семантик тизимни ягона бир қолипга тушириш хавфи ҳам йўқ эмас¹⁵¹. Шунинг билан биргаликда бу икки тизимнинг ўзаро ўхшаш, умумийлик томонлари ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим. В.Н.Телия бундай умумийликни қуйидагиларда кўради:

1) маданият, худди лисон каби инсон дунёқарашини акс эттирувчи онг шаклидир;

2) тил ва маданият ўзаро муносабатда, мулоқотда бўлади;

3) тил ва маданиятнинг субъекти – бу доимо индивид ёки ижтимоий гуруҳ – жамоа шахс ёки жамият;

4) меъёрийлик – тил ва маданият учун умумий жиҳат;

5) тарихийлик – тил ва маданиятнинг муҳим хусусиятидир;

6) тил ва маданият «динамика – статика» қарама-қаршилиги бир хилликка хосдир¹⁵².

Тил ва маданият ўртасидаги умумийлик қанчалик даражада бўлмасин, уларни фарқловчи хусусиятлар ҳам етарлидир. Бу фарқ, биринчи навбатда, ушбу икки ҳодисанинг тизимийлик кўрсаткичларида намоён бўлади. Маданият ҳам белгилар системасидир, аммо ушбу система, тил тизимидан фарқли ўлароқ, ўз-ўзидан тартиблашиш, тизимлашиш хусусиятига эга эмас. Тил ва маданият тизимлари таркибидаги белгилар структуравий тузилиши ва бажарадиган вазифаларига кўра кескин фарқ қилишларига нисбатан тамоман бошқа системалар сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, тил барча

¹⁵¹ Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: «Языки русской культуры», 1996. – Б. 226.

¹⁵² Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: «Языки русской культуры», 1996. – Б. 226.

учун бир хил вазифа бажарувчи, «жамоавий адресатли» ходиса бўлса, маданиятда эса кўпроқ элитарлик (саралик) намоён бўлади.

Миллий тушунчаларни ифода этадиган хос сўзларнинг айримлари аслиятда мансуб бўлган тилдан ташқари яна қатор халқлар лафзларида учраши, жумладан таржима тили луғат захирасининг ҳам таркибий қисми ҳисобланиши мумкин. Бундай сўзлар худуд, турмуш-шароит жиҳатларидан бир-бирларига яқин, доимий муносабат ва мулоқотда бўлиб турадиган халқлар лафзида кўпроқ¹⁵³.

Маданият миллатнинг тилида, муомаласида, юриш-туриши, ҳаёт тарзи, байрамларида намоён бўлади.

Шу ўринда сўнгги йилларда «лингвомаданиятшунослик» фани бўйича бир қанча тадқиқот ишлари амалга оширилганлигини ва уларда олимларнинг «маданият» тушунчасига берган таърифларини таҳлил қилиш ҳам жоиз топдик: “Ҳар бир халқ маданияти якка ва мустақил эмас, балки у бошқалари билан алоқадор, шунинг учун улар таржимада баъзилари озгина ўзгарса, бир хиллари умуман йўқ бўлиб кетади. «Маданият» тушунчаси ўз ичига иш фаолиятининг йўллари ва услублари, қизиқишлари, урф-одатлар, ритуаллар, мулоқот хусусиятлари, дунёқараш, дунёни англаш каби хусусиятларни мужассам этади. Масалан, ернинг бир чеккасида ётган *тош* маданият эмас, лекин ўтиб кетган аждодлар қабрига қўйилган *тош* маданиятга киради, у тегишли халқнинг ҳаёт тарзи, анъана, урф-одатлари, дунёқарашидан далолат беради. Миллий маданият бошқа миллатлар маданияти билан ҳам алоқада бўлади”¹⁵⁴. М.М.Бахтин бу ҳақда шундай дейди: “Биз бировларнинг маданиятига ўзи қўймаган янги саволларни қўямиз ва жавоблар қидирамиз. Натижада, ўша маданият эгалари маданиятимизнинг хусусиятларини очиб берган ҳолда жавоб берадилар”¹⁵⁵.

¹⁵³ Федоров Л. В. Основы общей теории перевода. – Москва.: «Высшая школа». 1968. – Б. 181-188.

¹⁵⁴ Исмаилова Б. Категория образности и средства ее выражения в словообразовательных системах английского и киргизского языков: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ТГПИ, 1989. –150 с.

¹⁵⁵ Реймов Б.Х. Фразеологические единицы английского языка характеризующие эмоциональное состояние человека: Дисс... канд. филол. наук. автореф. – Т., 2005. – С. 34.

А.А.Абдуазизовнинг таъкидлашича, бу соҳа фақат маданият билан эмас, балки у орқали турли миллий урф-одатлар, диний ҳодисалар, миллий концептлар, дунёнинг тил орқали онгли ҳис қилиш воситаларини ўрганади¹⁵⁶.

Олимлар тил бирлигининг миллий-маданий хусусиятларини турли терминлар билан изоҳлайдилар. Баъзи олимлар унинг тилшуносликда «маданий компонент», «социал-маданий сема», «маданий коэффициент», «миллий-маданий маъно» каби атамалар билан номланишини таъкидлаб ўтсалар, айримлари эса уни мазкур фанда «миллий хусусият», «маънонинг миллий-маданий кўринишининг ўзига хослиги», «миллий-маданий изоҳ», «миллий-маҳсус маъно», «миллийликка хос бўлган сема», «маънонинг маданий компоненти», «миллий-маданий хослик», «миллий-колорит», «миллий-маданий семантика», «миллий-маданий жиҳат (специфика)», «миллий тегишлилик семаси» каби атамалар орқали номланишини қайд этиб ўтганлар¹⁵⁷. Нутқ маданиятини юқори даражага кўтариш жамият тараққиёти талаби ўлароқ, табу ва эвфемик бирликларнинг лексик-семантик, услубий ҳамда лингвомаданий хусусиятларининг ясашиш, ўзгариш, қўшилиш-бирикиш қонуниятларини акс эттирувчи маданий меъёрларни аниқлаш ишларини янада чуқурлаштиришни талаб этади.

Таржима асарларининг яратилиши ва уларнинг дунё юзини кўришда лингвомаданиятшуносликнинг муҳим ўрни бор. Қиёсланаётган тиллардаги табу ва эвфемизмларнинг миллий-маданий хусусиятларини таҳлил қилар эканмиз, бевосита уларнинг таржималарида лингвомаданиятшунослик аспектлар ролини ёрқинроқ ифодалашга ҳаракат қиламиз. Биз уларни куйидаги мисолларда белгилаймиз.

People put on black to remember people when they are gone (to die).
Одамлар вафот етган яқинларини эслаш учун қора кийим кийишади.

Яна бир мисол инглизларда *ҳожатхона - toilet, wc (water closet)*,

¹⁵⁶ Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. 2-нашри. – Тошкент: Шарк, 2010. – Б.85 – 161 б.

¹⁵⁷ Атаханова Г.Ш. Номиниция возраст человека в когнитивно-прагматическом и лингвокультурологическом аспектах (на материале английского языка): Дисс. ...канд. филол.наук. – Тошкент.: НУУз им. М. Улугбека, 2006. – 164 с.

(wo)men's room, house of office, privy house, rest room, bathroom, washroom, lavatory каби номлар билан аталади. Ўзбек тилида еса, *ҳожатхона, туалет, ҳовли, орқа ҳовли* деб аталади.

Р. Адлер ва Ж. Родменлар инглиз тилида *I don't understand what you are saying* дейиш ўрнига *I am worrying about what you are thinking about* дейиш фикрнинг осонроқ ва енгилроқ қабул қилинишидан дарак беради, деб ҳисоблайдилар. *What do you think about my hairstyle?* (соч турмагимга қандай баҳо берасиз?) деган саволга *It is ugly* (у хунук) деган фикрни тўғридан-тўғри инсон кўнглини ранжитадиган даражада эмас, балки *what an original haircut* (соч турмагингиз ноанъанавий тарзда чиқибди) деб жавоб қайтариш ўринли деб билдилар¹⁵⁸. Биргина *ugly* сўзининг *original* сўзига алмаштирилиши мулоқотаги вазиятнинг юмшашига олиб келади.

Ўзбек тилида ҳам масалан, *сиз мажбурсиз*, дейишдан кўра, *мана бундай йўл тутсангиз, сиз учун яхши бўларди ёки бундай қилганингиз маъқул* тарзида бир гапни аниқ ва керакли шаклда айта олиш нутқий таъсирчанликнинг ортишида муҳим ҳисобланади¹⁵⁹.

Эвфемизмларни лингвомаданий усул орқали таржима қилиш жараёнида эвфемизмни эвфемизм билан таржима қилиш лозим. Бунинг учун, аввало, унинг аслият тилида қандай маъно бераётганлиги аниқланади. Мободо, бу иш қийин бўлса, унинг маъносини беришга тўғри келади. Аммо, бунда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак, чунки баъзи тилларда, масалан, тўғридан-тўғри *ўлди* деб айтиш кулоққа ноҳуш эшитилади, баъзан одобсизликдай туюлади, ёки, аксинча, у айб ҳисобланмайди. Бу сўзни очиқ-ойдин айтмай, қуйидаги сўзларни ишлатишади: *дунёдан ўтди, оёқ чўзди, абадий уйқуга кетди, жони узилди, асфаласофилинга сафар қилди, вафот етди, омонатини топширди, куни битди, жони чиқди, кўз юмди, нафаси тинди, ажсал олиб кетди* каби.

Шундай ҳолатларда инглизлар *pass away, pass into the next world, depart*

¹⁵⁸ Adler R.B., Rodman G. Understanding Human Communication. – USA: The Diren Press Saunders College Publishing, 2000. – P. 78, 180.

¹⁵⁹ Ўўлдошева М. Муваффақият калити. Расмий муомала маданияти, яхши таассурот уйғотиш йўллари, раҳбарлик санъати. –Т.: Yangi asr avlodi, 2004. – Б. 29.

this life, go to the glory, go to the next world, land one's wind, asleep with Jesus
каби евфемаларни қўллашади.

I'm afraid her granny passed on last night.

He landed heavily on his back, hitting hard enough to lose his wind in a loud and painful gasp & dash.

Таржима қилинаётган матндаги фикр таржимада аниқ акс етиши, матн мазмуни китобхон учун аниқ ва тушунарли бўлиши, таржима табиий бўлиши зарур. Шундагина таржима аниқ, пухта ва табиий чиқади.

Инглиз тилидаги эвфемизмларни ўзбек тилига таржима қилишдаги яна бир муаммо бу - маънонинг муқобиллиги муаммоси. Яъни инглиз тилидаги эвфемизмнинг ўзбек тилидаги муқобилини тўғри танлай олиш керак. Бунинг учун таржимондан катта маҳорат, билим, тажриба талаб қилинади. Бундан ташқари таржимон инглиз тилидаги эвфемизмларни ва уларни ўзбек тилидаги таржимасини билиши керак. Бу муаммони яъни маънонинг муқобиллиги муаммосини ечиш учун аслият ва таржима диққат билан қиёслаб чиқиши, бирорта маълумотнинг тушиб қолмаганлиги ёки аслиятга ёт ахборотнинг қўшилмаганлиги, маънонинг ўзгармаганлиги, шаклнинг мазмунга таъсирига эътибор бериш керак.

Таржима тилнинг ички алоқа воситасидир. Таржимон айти тилга ахборотни таржима қилиш орқали турли хил тилда сўзлашувчилар ўртасида ахборот алмашиш имкониятини яратиши лозим.

Эвфемизмлар таржимасида эвфемизмларни танлаш ва излашда аниқлик мезонига амал қилишнинг эътибори жуда катта. Таржима айти пайтда ҳам жараён, ҳам фаолият маҳсули ҳисобланади. Бундай фаолият маҳсули сифатида бир тилдан иккинчи тилга таржима қилинган матн назарда тутилади. Таржима қилиш муаммоларидан бири бутун матннинг маъноси унинг унсурлари маъносининг йиғиндиси билан чекланмаслигидир.

Эвфемизмларни таржима қилиш жараёнида сўзларнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Миллий хусусиятга эга бўлган сўзлар, яъни хос сўзлар таржимаси, эвфемизмлар таржимаси жуда мураккаб

хисобланади, таржимондан катта куч ва вақт талаб этади.

Ҳар бир тилда ўзининг миллий, маъданий хусусиятларига эга бўлган эвфемизмлар мавжуд. Эвфемизмлар ёки қоғозга ўраб гапириш ноҳўя иборанинг, ижтимоий томонидан қабул қилинмаган, ёқимсиз бўлган сўзлардан қочиш мақсадида қўлланилади. Ҳамма тилларда бошқа сўз ўрнида қўлланилувчи айниқса ўлим ва ғайритабиий ҳолатлар доирасида қўлланиладиган эвфемизмлар фразеологик бирликлари мавжуд. Бундан ташқари Худонинг номи эвфемалаштирилганлиги кабилар ҳақида қисқача маълумотлар берилган:

Goodness: For goodness sake, Goodness gracious, Goodness knows! Cf. By Jovel Good Lord! By Gym!

We are all gentler now because we are beaten. How would Our Lord have been if Peter had rescued Him in the Garden?

Биз енгилгач, нафасимиз ичимизга тушиб кетади. Агар Гефсиман боғида Петр Исбесони қутқариб олганда, ким билади, кейин Исо қандай зот бўлар еди?

Инглиз диний манзарасига кўра Исо (Исо а.с.) номини айтиш табулаштирилган, лекин бу ҳолат ўзбек лисоний маданиятига ҳос емас. Шунга кўра ушбу жумлани ўзбек тилига таржима қилишда таржимонлар Исо (Исо а.с.) сўзини тўғридан тўғри қўллашган.

Шаклланган замонавий инглиз стереотипига кўра, инглизлар жаҳли чиққанда ёки бирор кишини танқид қилаётганда (норози бўлганда) *Jesus Christ, Christ, Damn, bloody, hell* каби дисфемизмлардан фойдаланишади. Қуйида биз ушбу сўзларни ўзбек тилига таржима қилиш усуллари ҳақида фикр билдирамыз.

Jesus Christ! You are so god-damned stupid.

Жин урсин сен шундай худо урган ахмоқсан.

Damn! She's borrowed my camera without telling me.

Жин урсин у менга айтмасдан камерамни олибди.

Oh bloody hell! Just leave me alone, will you?

Оҳ, жин урсин! Мени ёлғиз қолдирасанми?

Christ! Why didn't you tell us how much the new brakes were going to cost?!

Лаънати! Нега сен бизга янги тормоз мосламаси қанчага тушганини айтмадинг.

Why the hell is he driving so fast!

Нима жин уриб у шунчалик тез ҳайдаяпти.

Таржимадаги мисоллардан кўришимиз мумкинки, юқорида белгиланган дисфемизмларни ўзбек тилига таржима қилишда “*Жин урсин*” иборасидан фойдаланиш тўғри йўл ҳисобланади.

Қуйида инглиз маданиятида кенг тарқалган эвфемизмларни таржима қилиш борасида баъзи мисолларни келтириб ўтамиз:

You are becoming a little thin on top.

Сочингиз анча сийраклашяпти.

Our teacher is in the family way.

Ўқитувчимиз боши қоронғу бўлди.

He is always tired and emotional.

У ҳамиша сарҳушт.

We do not hire mentally challenged people.

Биз ақли норасо одамларни ишга ёлламаймиз.

He is a special child.

У махсус эътиборга молик бола.

Юоридаги мисоллардан *bald* (кал), *pregnant* (ҳомиладор), *drunk* (маст), *stupid* (аҳмоқ), *disabled* (ногирон) сўзлари ўрнида ҳар иккала тилда ҳам *little thin on top* – сочи сийраклашмоқ, *in the family way* – боши қоронғу, *tired and emotional* – сарҳушт, *mentally challenged* – ақли норасо, *special* – махсус эътиборга молик каби эвфемизмлари қўлланилганини кўришимиз мумкин.

Қуйида, инглиз маданиятига ҳос эвфемик бирликларни ўзбек тилига таржима қилиш борасида бир неча мисолларни келтириб ўтамиз.

I kept this to remind me of you trying to brush away the Villa Rossa from your teeth in the morning, swearing and eating aspirin and cursing harlots. Every time I

see that glass I think of you trying to clean your conscience with a toothbrush.

Уни асраб юрдим, ерталаблари сиз у билан “Вилла-Росса”дан тозаланмоқчи бўлганингиз, сўкина-сўкина аспирин ютганларингиз, ярамас хотинларни қарзаганлатингизни еслатиб турсин дедим. Ҳар сафар шу стаканга қараганимда, сиз тиш чўткаси билан виждон-ингизни тозалашга уринганингизни еслайман.

I will wait till I see the Anglo-Saxon brushing away harlotry with a toothbrush.

Мен томирида англосаксон қони жўш урган йигийча яна тиш чўтка билан исловатхона доғларини тозалай бошлашини кутаман.

If you had any shame it would be different. But you are God knows how many months gone with child and you think it is a joke and are all smiles because your se-ducer's come back.

Агар сиз уятингизни йўқотмаганингизда бошқа гап еди. Лекин сиз, худо билади, неча ойдан бери хомиладорсиз – у, буларнинг ҳаммасини ҳазил деб биласиз, ўзингизни йўлдан оздирган одамни кўришингиз биланоқ оғзингизни кулгудан йиғиштиролмайсиз.

My wife is in labor at the hospital.

Рафиқам касалхонада кўзи ёримоқда.

Кўплаб тилларда бўлгани каби *ўлим* сўзининг ўрнига бошқа сўзларни қўллаш инглиз ва ўзбек лингвомаданий меъёрларида ҳам қабул қилинган.

Ҳаёт ва ўлим, муҳаббат ва нафрат, эътиқод ва ишончсизлик каби концептлар ҳар бир халқ, миллат менталитети ва маданияти асосини ташкил этади десак муболаға бўлмаса керак. Ҳар бир халқ маданиятида муҳим бўлган ушбу феноменлар ўша халқларнинг мазкур феноменларга бўлган қарашларини тўлиқ акс эттира олмайди¹⁶⁰. Шу маънода биз тадқиқотимизнинг давомида инглиз ва ўзбек маданий ҳаётида муҳим бўлган

¹⁶⁰ Қаранг; Жельвис В. И. Смерть в немецких эвфемизмах [Текст] / В. И. Жельвис // Ярославский педагогический вестник. - 2012. - № 4. - Том 1 (Гуманитарные науки).

“ўлим” ва “*death*” мавзуий гуруҳига бирлашувчи эвфемик ходисаларни лингвомаданий таҳлил методларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ қиламиз.

Инглиз ва ўзбек эвфемистик манзарасини асосини ташкил қилувчи ўлим ва у билан боғлиқ барча табуистик ҳолатларни таҳлил қилар эканмиз, уларни қўлланишига кўра икки асосий гуруҳларга – нейтрал ва нонейтрал бўлинганлигини кўришимиз мумкин.¹⁶¹

Биринчи гуруҳга нисбатан кўп қўлланиладиган ва қўлланилиш доирасига кўра нейтрал ҳисобланган *death* (ўлим), *dying* (ўлиш), *grave* (қабр), *graveyard* (қабристон), *gravestone* (қабртош), *tomb* (мақбара), *burial* (дафн), *coffin* (тобут) ва ҳ.к. каби номланишлар (табу) киради. Шунингдек, ушбу гуруҳга қуйидаги бир нечта идиомалрни ҳам қўшса бўлади: *to expire* (ўтиб кетмоқ), *no more/no longer with us* (орамизда йўқ, ортиқ биз билан эмас), *plucked from us* (сафимизда эмас, сафимизда энди йўқ). Айтиш мумкинки, ушбу гуруҳ миллий менталитетнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассам этган ва бошқа тиллардаги (ўзбек, рус) шунга ўхшаш гуруҳлардан унчалик фарқ қилмайдиган гуруҳдир.

Кейинги гуруҳга “жони узилмоқ, руҳи чиқмоқ” каби маъноларни англатувчи “*lose the wind*”, “*give up the ghost*”, “*resign one’s spirit*” ва “*quit breathing*” каби нонейтрал гуруҳ эвфемизмларини киритиш мумкин. Ушбу гуруҳга келиб энди тиллар аро миллий фарқлар яққолроқ аниқ бўлади. Буни қуйидаги мисоллар орқали ҳам кўришимиз мумкин.

*He landed heavily on his back, hitting hard enough to lose his wind in a loud and painful gasp & dash*¹⁶².

*... and he was eaten up of worms, and gave up the ghost (Bible, Miles Coverdale’s version, 1535, 12:23)*¹⁶³.

*The enemies were impaled and quitted breathing*¹⁶⁴.

¹⁶¹Жельвис В. И. Смерть в немецких эвфемизмах [Текст] / В. И. Жельвис // Ярославский педагогический вестник. - 2012. - № 4. - Том 1 (Гуманитарные науки).

¹⁶²<https://glosbe.com/en/en/to%20lose%20one's%20wind> (27.03.2020)

¹⁶³<https://www.phrases.org.uk/meanings>

¹⁶⁴<https://www.powerthesars.org/quitbreathing>

Хўжайиним йўқолганларидан кейин турмуш ташвишлари мени зиммамга тушди. (“Оил ава жамият”, 1197, 12 май)

Маҳмуд сўфи ҳаққа етган одам ... кеча унинг рўҳи жаннатга кетди. (“Ислом нури”дан)

У ҳаммамизни ташлаб кетди. (Ў.Х., “Қўрқув салатанати”, 37-бет)

Ярим тунда нафаси тўхтабди. (Е.Турон, “Бу тоғлар улуғ тоғлар”, 281-бет).

Қуйида инглиз ва ўзбек тилларида қўлланиладиган ўлим билан бўғлик эвфемик бирликларни кўриб чиқамиз.

Death euphemisms – Ўлим боғлиқ эвфемизмлар	
1. <i>Angels carried Him/Her away</i>	1. Абадий йўқ этмоқ.
2. <i>Asleep</i>	2. Абадийликка бош қўймоқ.
3. <i>At room temperature</i>	3. Абадий уйқуга кетмоқ.
4. <i>Awakened to eternal life</i>	4. Адам бўлмоқ (Адам диёрига жўнамоқ).
5. <i>Before his/her time</i>	5. Адо бўлмоқ.
6. <i>Bereft of life</i>	6. Адои тамом бўлмоқ.
7. <i>(The) Big Sleep (Raymond Chandler wrote a classic detective novel using this title)</i>	7. Ажал денгизига гарқ бўлмоқ.
8. <i>Bit the dust</i>	8. Ажал майини ичмоқ.
9. <i>Bite the big one</i>	9. Ажали етмоқ.
10. <i>Bought a one-way ticket</i>	10. Ажралмоқ.
11. <i>Bought the farm (the "farm" might refer to a cemetery plot)</i>	11. Айрилмоқ.
12. <i>Breathed his/her last</i>	12. Асфаласофилинга кетмоқ.
13. <i>Called to Christ/Our Lord</i>	13. Бандачилик қилмоқ.
14. <i>Cashed in (or out)</i>	14. Бандаликни бажо келтирмоқ.
15. <i>Cashed in his/her chips</i>	15. Бахти қаро киймоқ.
16. <i>Ceased to be</i>	16. Бақо оламига хиром этмоқ.
	17. Баҳори тугамоқ.
	18. Баҳор гули сўлмоқ.

17. <i>Checked into the Horizontal Hilton</i>	19. <i>Бевақт кетмоқ.</i>
18. <i>Checked into the Motel Deep</i>	20. <i>Бевақт кўз юммоқ.</i>
19. <i>Checked out</i>	21. <i>Бедарак кетмоқ.</i>
20. <i>Climbed the stairway to heaven</i>	22. <i>Беиз йўқолмоқ.</i>
21. <i>Croaked</i>	23. <i>Бериб қўймоқ.</i>
22. <i>Crossed over</i>	24. <i>Бечора бўлмоқ.</i>
23. <i>Crossed the Great Divide</i>	25. <i>Бир ёқлик қилмоқ.</i>
(A) <i>Debt we all must pay</i>	26. <i>Бир лаҳзаликка йўлиқмоқ.</i>
24. <i>Deceased</i>	27. <i>Бир уриб икки тақсим қилмоқ.</i>
25. <i>Deep Six</i>	28. <i>Бир қиз бармоғини кўзга суртолмаслик.</i>
26. <i>Defunct</i>	29. <i>Бир япроқ узилмоқ.</i>
27. <i>Departed</i>	30. <i>Бой бермоқ.</i>
28. <i>Destroyed (generally used with pets)</i>	31. <i>Боласи турмаслик.</i>
29. <i>Dirt nap</i>	32. <i>Борса келмасга кетмоқ.</i>
30. <i>D.O.A. (acronym for "dead on arrival")</i>	33. <i>Бошини емоқ.</i>
31. <i>Do not pass go, do not collect \$200 (Monopoly anyone?)</i>	34. <i>Бошини олдирмоқ.</i>
32. <i>Entered eternal rest</i>	35. <i>Бошини танидан жудо қилмоқ.</i>
33. <i>Entered the Pearly Gates</i>	36. <i>Бошини уздирмоқ.</i>
34. <i>Entered the Sweet Hereafter</i>	37. <i>Бошини сиртмоққа солмоқ.</i>
35. <i>Expired</i>	38. <i>Бош чайқамоқ.</i>
36. <i>Faded away</i>	39. <i>Бошқа дарвозабон қидирмоқ.</i>
37. <i>Feeding the worms (or "became worm food")</i>	40. <i>Боқий дунёга бормоқ.</i>
38. <i>Flatlined</i>	41. <i>Бу дунёдан кетмоқ.</i>
39. <i>Fragged (this term is popular with video gamers)</i>	42. <i>Бўйнига сиртмоқ олмоқ.</i>
	43. <i>Бўйинини бошидан енгиллатмоқ.</i>
	44. <i>Бўлмабди.</i>
	45. <i>Вабо олиб кетмоқ.</i>
	46. <i>Ватан тупроғида эркаланиб</i>

40. <i>Gave up the ghost</i>	әтмоқ.
41. <i>Got his/her just reward</i>	47. <i>Вафот этмоқ (топмоқ).</i>
42. <i>Got his/her wings</i>	48. <i>Вақти етмоқ (тугамоқ).</i>
43. <i>(The) Great Leveler</i>	49. <i>Вақти соати битмоқ.</i>
44. <i>Hamlet sleep</i>	50. <i>Вужудини ажсал сели элитмоқ.</i>
45. <i>His/Her number's up</i>	51. <i>Гувоҳдан ҳалос бўлмоқ.</i>
46. <i>Immortality-challenged</i>	52. <i>Гул(и) сўлмоқ.</i>
47. <i>Is in a better place (don't say this to someone grieving a death)</i>	53. <i>Гул тергани кетмоқ.</i>
48. <i>Is kaput</i>	54. <i>Гул узмоқ.</i>
49. <i>Is no more</i>	55. <i>Гул умри машъали сўнмоқ(ўчмоқ).</i>
50. <i>Joined his/her ancestors</i>	56. <i>Гўрга кирмоқ.</i>
51. <i>Journey's end</i>	57. <i>Гўр пайдо бўлмоқ.</i>
52. <i>Kicked the bucket</i>	58. <i>Давра қилмоқ.</i>
53. <i>Kicked the can</i>	59. <i>Даргоҳига олмоқ (чорламоқ, қабул қилмоқ).</i>
54. <i>Kicked the oxygen habit</i>	60. <i>Дафъ қилмоқ.</i>
55. <i>Knocked on heaven's door</i>	61. <i>Доул фанодин дорул бақога риҳлат қилмоқ.</i>
56. <i>Laid down his/her life</i>	62. <i>Доҳили раҳмат бўлмоқ.</i>
57. <i>Late (as in "the late Mr. Jones")</i>	63. <i>Дунё эшигидан чиқмоқ.</i>
58. <i>Launched into eternity</i>	64. <i>Дунё юзини кўролмаслк.</i>
59. <i>Leave/left this life</i>	65. <i>Дунё галваларидан қутулиб кетмоқ.</i>
60. <i>Left the building (often preceded by "Elvis has...")</i>	66. <i>Дунёдан йўқ бўлмоқ (кетмоқ, ўтмоқ).</i>
61. <i>Liquidated</i>	67. <i>Дунёи фонийдан дунёи боқога риҳлат қилмоқ.</i>
62. <i>Living-challenged</i>	68. <i>Енгилмоқ.</i>
63. <i>Lost his/her life</i>	
64. <i>Met an untimely end</i>	
65. <i>Met his/her maker</i>	
66. <i>No longer counted in the census</i>	

67. <i>Not going to shop at Walmart anymore</i>	69. <i>Ёруз дунё билан видолашмоқ.</i>
68. <i>Out of business</i>	70. <i>Ёруз дунё юзини кўролмастик.</i>
69. <i>Passed (probably the most common euphemism in use today)</i>	71. <i>Ёруз жаҳонда қолмаслик.</i>
70. <i>Passed away</i>	72. <i>Ёстиги қуримоқ.</i>
71. <i>Passed the point of no return</i>	73. <i>Жаннати бўлмоқ.</i>
72. <i>Pass on</i>	74. <i>Жаҳондан гузар айламоқ.</i>
73. <i>Pay/paid the piper</i>	75. <i>Жойини солмоқ.</i>
74. <i>Pegged out (likely borrowed from the game of cribbage)</i>	76. <i>Жон баҳаққи таслиб қилмоқ.</i>
75. <i>Perished</i>	77. <i>Жон бермоқ.</i>
76. <i>Playing a harp</i>	78. <i>Жон нисор айламоқ.</i>
77. <i>Pushing up daisies</i>	79. <i>Жон(и)дан жудо бўлмоқ.</i>
78. <i>Relinquished his/her life</i>	80. <i>Жони жаннатга кетмоқ.</i>
79. <i>Resting</i>	81. <i>Жони узилмоқ.</i>
80. <i>Resting in peace</i>	82. <i>Жонига қасд қилмоқ.</i>
81. <i>Rung down the curtain and joined the choir invisible (from the classic Monty Python sketch, "Dead Parrot")</i>	83. <i>Жонини олмоқ.</i>
82. <i>Shuffled off the mortal coil (uttered most famously by Hamlet in Shakespeare's play)</i>	84. <i>Жонини фидо қилмоқ.</i>
83. <i>Six feet under (the traditional depth at which a body is buried)</i>	85. <i>Жувонмарг бўлмоқ.</i>
84. <i>Sleeps</i>	86. <i>Жудо бўлмоқ (қилмоқ).</i>
85. <i>Sleep with the fishes</i>	87. <i>Жуфтидан ажралмоқ.</i>
86. <i>Slipped away</i>	88. <i>Индамалар оламига кетмоқ.</i>
87. <i>Substantive negative outcome</i>	89. <i>Йўқ бўлмоқ (қилмоқ).</i>
	90. <i>Йўқлик оламига кетмоқ.</i>
	91. <i>Йўқолмоқ (йўқолиб қолмоқ).</i>
	92. <i>Йўқотмоқ (йўқотиб қўймоқ).</i>
	93. <i>Йўқотиши бўлмоқ.</i>
	94. <i>Каллаи хандалаги узилмоқ.</i>
	95. <i>Калласи узилмоқ.</i>
	96. <i>Камаймоқ.</i>
	97. <i>Кафансиз кетмоқ.</i>

88. <i>Succumbed</i>	98. <i>Келмас бұлиб кетмоқ.</i>
89. <i>Surrendered his/her life</i>	99. <i>Келмас сафарга кетмоқ.</i>
90. <i>Snuffed out</i>	100. <i>Келмаслик.</i>
91. <i>Terminated</i>	101. <i>Кетмоқ.</i>
92. <i>Toes up</i>	102. <i>Кетгиси келмоқ.</i>
93. <i>Took a permanent vacation</i>	103. <i>Кузатмоқ (кузатиб құймоқ).</i>
94. <i>Turn to dust</i>	104. <i>Куни битмоқ.</i>
95. <i>Walked the plank (argh, pirates be familiar with this one!)</i>	105. <i>Күзи очиқ кетмоқ.</i>
96. <i>Was called home</i>	106. <i>Күз юммоқ.</i>
97. <i>Went the way of all flesh</i>	107. <i>Күзлари очиқ қолмоқ.</i>
98. <i>Went to be with the Lord</i>	108. <i>Күмилмоқ.</i>
99. <i>Went to Davy Jones' Locker</i>	109. <i>Күпга құшмоқ.</i>
100. <i>Went to the Happy Hunting Grounds</i>	110. <i>Мангу бұлиб кетмоқ (қолмоқ).</i>
	111. <i>Мангу уйқуга кетмоқ.</i>
	112. <i>Мангу уёгонмаслик.</i>
	113. <i>Мангу учрашмаслик.</i>
	114. <i>Мангуга кетмоқ (күз юммоқ).</i>
	115. <i>Мангуликка даҳлдор бұлмоқ.</i>
	116. <i>Марду майдон бұлмоқ.</i>
	117. <i>Мулкни ўзгаларга топширмоқ.</i>
	118. <i>Мулкни эгасига топширмоқ.</i>
	119. <i>Марҳум(а) бұлмоқ (қилмоқ).</i>
	120. <i>Мусулмончилик қилмоқ.</i>
	121. <i>Нариги дунёга жўнамоқ (кетмоқ).</i>
	122. <i>Нафаси тўхтамоқ.</i>
	123. <i>Нобуд бұлмоқ (қилмоқ).</i>
	124. <i>Овози абадий тинмоқ.</i>
	125. <i>Овози ўчмоқ.</i>

126. *Оёқ қоқмоқ.*
127. *Оёғини узатиб кетмоқ.*
128. *Олмоқ.*
129. *Оламдан кўз юммоқ.*
130. *Оламдан ўтмоқ (кетмоқ).*
131. *Олами бақо бўлмоқ.*
132. *Омонатини топширмақ (олмоқ).*
133. *Онасининг ёнига кетмоқ.*
134. *Орадан йўқолмоқ.*
135. *Орадан олиб кетмоқ.*
136. *Осилмоқ.*
137. *Отиб қўймоқ.*
138. *Отилмоқ.*
139. *Охирги марта келмоқ.*
140. *Охирги хайрлашмоқ.*
141. *Паймона тўлмоқ.*
142. *Пешонага сизмаслик.*
143. *Раҳматлик бўлмоқ.*
144. *Риҳлат қилмоқ.*
145. *Руҳи жаннатга кетмоқ.*
146. *Саранжомламоқ.*
147. *Сафар қилмоқ.*
148. *Сўлмоқ.*
149. *Сўнмоқ.*
150. *Сўнги йўлга кузатмоқ.*
151. *Тамом бўлмоқ.*
152. *Таслим бўлмоқ.*
153. *Тахти тобутга айланмоқ.*

154. *Ташлаб кетмоқ.*
155. *Тақдирида бор экан.*
156. *Тил тортмаслик.*
157. *Тинчимоқ.*
158. *Тугамоқ.*
159. *Тупроқ остига бормоқ.*
160. *Тупроқ остида қолмоқ.*
161. *Тупроққа қўшилмоқ.*
162. *Турмади.*
163. *Тутдай тўкилмоқ.*
164. *Тўрт оёқли чўбин отга минмоқ.*
165. *У дунёга кетмоқ.*
166. *Узилмоқ.*
167. *Уйқуга кетмоқ.*
168. *Уйгонмаслик.*
169. *Умр карвони манзилига етмоқ.*
170. *Умри сўлмоқ.*
171. *Умри тугамоқ.*
172. *Умрига якун ясамоқ.*
173. *Умри қисқа экан.*
174. *У энди йўқ.*
175. *Фоний дунёдан кетмоқ.*
176. *Хабар келмоқ.*
177. *Хазон қилмоқ.*
178. *Хайрлашмоқ.*
179. *Чин дунёга равона бўлмоқ.*
180. *Чин жойига кетмоқ.*
181. *Чирогги ўчмоқ.*
182. *Шаҳид бўлмоқ (кетмоқ).*

183. *Шахистаи жаннат бўлмоқ.*
184. *Шунқор бўлмоқ.*
185. *Эгасига керак бўлмоқ.*
186. *Юига оқ чойшаб ёпмоқ.*
187. *Юлдузи сўнмоқ.*
188. *Юлию олмоқ.*
189. *Юраги урушдан тўхтамоқ.*
190. *Яксон бўлмоқ.*
191. *Яна бир қабр кўпаймоқ.*
192. *Яшашдан маҳрум қилинмоқ.*
193. *Ўзига келмаслик.*
194. *Қазо қилмоқ.*
195. *Қаро ер бўлмоқ.*
196. *Қатл қилинмоқ.*
197. *Қорахат олмоқ.*
198. *Қутилмоқ.*
199. *Қурбон бермоқ.*
200. *Қўлини қонга бўямоқ.*
201. *Ҳаёт билан видолашмоқ.*
202. *Ҳаёт риштаси узилмоқ.*
203. *Ҳаётдан кўз юммоқ.*
204. *Ҳаётдан кетмоқ (ўтмоқ).*
205. *Ҳаёти битмоқ.*
206. *Ҳаёти сўнмоқ.*
207. *Ҳаёти тамом бўлмоқ.*
208. *Ҳаётни тарк этмоқ.*
209. *Ҳаётига сўнги нуқта қўймоқ.*
210. *Ҳалок бўлмоқ.*
211. *Ҳаммани доғда қолдириб*

Ушбу жадвалда берилган, ўлим билан бўғлиқ эвфемик бирликларни қиёси шуни кўрсатадики, таржима жараёнида у ёки бу эвфемаларни муқобил вариантлари айна аслиятдагидай қилиб тиклаш жуда мушкул вазифа эканлигини, чунки ҳар қандай эвфемик бирлик ўзида маълум бир халқнинг миллий-маданий хусусиятларини ҳам акс эттириши, миллий-маданий ҳосланган тил бирликларини бошқа тилга кўчиришда таржимон нафақат билимли балки ўша халқни менталитети, маданияти билан ҳам яқиндан танишган бўлиши лозим бўлади.

Инсонлар ўртасидаги энг асосий алоқа воситаси бу тилдир. Хорижий тил материалларини она тилига, она тили материалларини эса хорижий тилга таржима қилиш жараёнида тафаккур қобилияти ўсади, бир жараённинг ўзида ақл, тафаккур, ҳаёл, хотира ва сўз, билиш қобилияти ривожлантирилади, чунки айтилган фикрни чуқур тушунишгина эмас, балки ўша фикрни ўз она тилида мукамал ва тўғри ифодалай билиш кўникмалари ҳам талаб этилади. Бунга эса фақат иккала – ўзбек ва хорижий тил материалларини лингво-типологик жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш орқалигина эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу лингво-типологик услуб умумий тилшуносликда бебаҳо восита ҳисобланади. Чунки жуда кўп тил материалларини ўрганилаётган тил ичидаги ҳодисаларни она тили ичидаги тил ҳодисаларига таққослаб кўриш орқали ўрганиш фойдали натижалар беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки табу ва эвфемизмлар халқнинг ўзига хос тарихий анъаналари билан боғлиқ бўлиб, бугунги замонавий кўринишларда ҳам намоён бўлади. Уларни бир тилдан иккинчи тилга ўгиришда таржиманинг калька усулидан фойдаланиш ярамайди, чунки бунда яширин маъно касб этган эвфемик бирликлар мазмуни таржимада яна очилмай қолишига сабаб бўлади.

Миллийликнинг муҳим унсурларидан бўлган эвфемизмлар маълум бир асар тилининг ажралмас қисми бўлиб, улар ёрдамида муаллиф халқнинг

миллий хусусиятини очиб беради. Улар бадий асарнинг миллий колоритини ифода этар экан, турли услубий вазифаларни бажаради, ҳодиса ва предметларнинг хусусиятини ҳаққоний, тўғри тасвирлашга ёрдам беради.

Тадқиқ қилинган миллий-маданий хусусиятларни касб этган эвфемик бирликлар ўзига хосликни ифодалаган ва кўчма, ижобий маънода қўлланадиган, айнан инглиз ёки ўзбек миллатида учраб турадиган маданият белгиси, маънавий турмуш тарзини ифодаловчи бирликлар эканлигини ҳамда таржимада уларда миллий-маданий мазмун ўзгаришлари кузатилишини таъкидлаш мумкин.

УМУМИЙ ҲУЛОСА

Инглиз ва ўзбек тилларидаги табу ва эвфемизмларни лингвомаданий таҳлили куйидаги хулослар чиқаришимизга асос бўлди:

Табу ва эвфема ҳодисаси тил ва тафаккурнинг пайдо бўлиши билан узвий шаклланган, тараққий этган, инсоннинг муомала эҳтиёжи, нотиклик талаби асосида тилнинг ўзи каби эволюцион босқичларни босган, эндиликда ўз ўрганиш объектига эга бўлган супернутқий катламдир.

Кишилар ўртасидаги алоқа воситалари воқеликни баён этиш – уни ифодалаш усули даражасига кўра, бир-бири билан узвий боғланган уч катлам: тил (хабар, алоқа), нутқ (муносабат, мулоқот), супернутқ (эвфемик, экспрессив-эмоционал муомала)дан ташкил топади.

Тилнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг бирликларининг табулаштириш ҳамда эвфемик қўлланишларидир. Табу ва эвфемик ҳодисалар ўзида тил ва маданият муштарақлигини акс эттиради. Улар халқларнинг миллий-маданий хусусиятларининг пайдо бўлиши ва ўсиши билан узвий боғлиқдир.

Табу ва эвфемизмнинг лингвомаданий аспекти, турли халқлар лисоний манзарасида табулаш асослари; эвфемизмнинг ўрганиш объекти, мезон ва меъёри, кўлами, чегараси, тил тизими (сатҳи)га муносабати ўрганиш методлари кенг илмийназарий асосда ҳали тадқиқот талаб соҳа ҳисобланади.

Табуни ифода объектига кўра, социал ёки этнографик табу ва лингвистик табу терминлари остида иккига ажратиш мумкин. Этнографик табу термини остида тарихан шаклланиб одатга айланган, бироқ маълум сабабларга кўра, ман этилган ижтимоий ҳаракат, воқелик ёки одат тушунилса, лингвистик табу термини остида маълум сабабларга кўра, бирор воқелик ёки предметнинг ўзи эмас, унинг номини тўғридан-тўғри тилга олиш ман этилади.

Тилнинг эвфемик қатлами – эвфемииологияни услубшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида ўрганишни, эвфемик синонимлар луғати (семантик-

функционал луғатлар) тузиш ҳамда унинг тематик ва изоҳли турларини яратишни тақозо қилади. Бу – бугунги услубшуносликнинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Тил умумбашарий ва умуминсоний қадриятга дахлдор бўлса, миллий тил миллий қадрият, тилнинг лаҳжа ва шевалари этник қадрият ифодаловчиси сифатида мавжуд. Тилнинг қадриятлар тизими билан муносабати лингвомаданиятшунослик соҳасидаги энг чигал ва мураккаб масалалардан бири ҳисобланади.

Тил ва қадрият, тил ва маданият муносабати маконий ва замоний умумийлик асосида ўзаро боғланади.

Мулоқот маданияти даражасини, нутқий маданият савиясини кўрсатувчи муҳим воситалардан бири эвфемистик ифодалар бўлиб, улар кўп ҳолларда табу ҳодисаси билан боғланади. Табу эса миллий руҳиятнинг намоёндаси, кўзгуларидан биридир.

Вербал нутқ эвфемик маънони лексик-семантик кўчимлар, нутқий фигуралар ёрдамида ифодаласа, новербал нутқ имо-ишора, мимика, жестикуляция, суҳбатдош ҳаракати, манералари, нутқий вазият ва шу жараёнлар билан боғлиқ оҳанг, унинг унсурлари – прасодик каби экстралингвистик ёки паралингвистик воситалар билан иш кўради.

Табу ва эвфема қўллаш воситалари ҳам тил ва жамият тараққиёти билан бирга тараққий қилади, эскиради, истеъмолдан чиқади; ўрнида янги эвфемик воситалар шаклланади. Кўпгина эвфемик воситалар давр ўтиши билан эскириб, ўзи боғланган табу тушунчанинг беозор ифодаси бўлолмай қолади. Натижада биринчи эвфемик восита (*madhouse*) ўрнида янги – янада эшитилиши қулай бўлган эвфема (*lunatic asylum*) пайдо бўлади. Битта табу тушунчанинг қайта-қайта эвфемалаштирилиши бирдан ортиқ (бешта, ўнта, йигирмата ва ҳ.к.) эвфеманинг (*madhouse* → *lunatic asylum* → *mental hospital*) шаклланишига сабаб бўлади.

Тил – маданиятнинг кўзгуси бўлиб, унда нафақат инсонни ўраб олган реал борлиқ, унинг реал яшаш шароитлари, балки халқнинг ижтимоий ўзини

ўзи англаши, унинг менталитети, миллий характери, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, кадриятлар йиғиндиси ва дунёқараши ҳам акс этади.

Лингвомаданий тадқиқотлар асосан: 1) муайян нутқий жанрнинг лингвомаданий хусусиятлари; 2) муайян услубда ёзилган асардаги лингвомаданий концептнинг ифодаланиши тадқиқи; 3) қиёсий йўналишдаги тадқиқотлар; 4) лингвомаданиятшуносликнинг педагогика фани билан боғлиқ жиҳатларини ўз ичига олади.

Лингвомаданиятшуносликда лингвистик, маданий, социологик (контент-таҳлил, фрейм таҳлил методика), этнографик (тасвирлаш, таснифлаш ва ҳ.к.) методларни қўллаш мумкин. Мазкур методлар турли тамойиллари ва таҳлиллари билан бир-бирини ўзаро тўлдириб, лингвомаданиятшуносликга мураккаб объект бўлган тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатини тадқиқ этиш имконини беради.

Ҳар қандай тил алоҳида олам манзарасига эга ва лисоний шахс ана шу манзарага мос равишда ифодаларнинг мазмунини тузишга мажбурдир. Бунда тилда ўз аксини топган инсоннинг оламни ўзига хос идроки намоён бўлади. *Оламнинг манзараси* (лисоний ҳам) тушунчаси инсоннинг олам ҳақидаги тасаввурларини ўрганиш асосида яратилади.

Оламнинг лисоний манзараси оламнинг махсус манзаралари (кимё, физика ва ҳ.к.) билан бир қаторда бўла олмайди, у бошқа манзаралардан олдинда бўлиб, уларни шакллантиради.

Тилнинг табуистик ва эвфемик қўлланилишида яратилган оламнинг лисоний манзарасини таҳлили табу ва эвфемалар қўлланилишининг инсонга қаратилганлигини асослайди.

Оламнинг лисоний манзарасида табу ва эвфемизмларнинг ўрни ҳам ўзига хос бўлиб, уларда халқ маданияти, менталитети ҳеч шубҳасиз ўз ифодасини топади. Аммо инглиз ва ўзбек лисоний манзарасида табу ва эвфемикани ифодалашнинг усул ва воситалари ҳар хилдир.

Инглизлар табиатан қўпол ва дағал сўзларни камроқ қўллашга ҳаракат қилишади. Бу ҳолатлар уларни хушмуомала халқ эканлиги билан изоҳланади.

Муайян ахлоқ-одоб нормаси, миллий стереотипларга кўра ўзбек лингвомаданий-эвфемик манзарасида эр-хотинлар бир-бирларининг номлари ўрнида *қизингиз, ўғлингиз; куёвингиз, келинингиз* эвфемаларини қўллашларига ёки катта фарзандларининг номи билан мурожаат қилишади.

Оилавий муносабатларда, ўзбек лингвомаданиятидан фарқли равишда инглиз лингвомаданиятида инглизлар бир-бирларига оилавий мавқеъларини айтиб ёки бир-бирларига исмларини тўғридан-тўғри айтиш орқали, исмлари ўрнига ёки исмларига *darling, dear, dearest* каби эркалаш сўзларини қўшиб мурожаат қилишади.

Миллий менталитет, маданиятни ўзида яққол акс эттирадиган эр-хотин нутқи билан боғлиқ эвфемик ифодаларни лингвомаданий ўрганиш ҳар иккала тил имкониятлари кенглигини намоён этиши билан бир қаторда, бундай сўзларни қўллашни ёш авлодга ўргатиш, уларда никоҳ ва оила билан боғлиқ кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади, оилада эр ва хотин муносабатларини мустаҳкамлайди ва улар ўртасидаги ўзаро ҳурматни кучайтиради.

Эвфемизм лисоний ҳодисаси ҳар икки тилда (инглиз ва ўзбек) ҳам ижобий баҳоланади. Инглиз халқи ушбу ҳодисага сўзловчига бўлган ҳурматнинг ифодаси деб қарайдилар. Ўзбек тилида эвфемизм ҳодисаси “*ҳурмат*” ва “*андиша*” тушунчалари билан узвий боғлиқ ҳолда ифода этилади.

Таржима жараёнида у ёки бу эвфемаларни муқобил вариантлари айна аслиятдагидай қилиб тиклаш жуда мушкул вазифа эканлигини, чунки ҳар қандай эвфемик бирлик ўзида маълум бир халқнинг миллий-маданий хусусиятларини ҳам акс эттириши, миллий-маданий ҳосланган тил бирликларини бошқа тилга кўчиришда таржимон нафақат билимли балки ўша халқни менталитети, маданияти билан ҳам яқиндан танишган бўлиши лозим бўлади.

Табу ва эвфемизмлар тил луғат таркибининг алоҳида қатлами ҳисобланади. У халқнинг ижтимоий ҳаёти, миллий урф-одатлари,

менталитети билан боғлиқ ҳолда юзага келган бўлиб, уларда маданият ва тил манбаларидан таркиб топган этнолингвистик тушунчалар ифодаланади. Ушбу қатлам бўйича инглизча-ўзбекча изоҳли-лингвомамлакатшунослик луғатларини яратиш соҳа ривожига катта ҳисса қўшади, деб ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси /president.uz/uz/lists/view/137).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.//Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. – № 28.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон Қарори.
5. Adler R.B., Rodman G. Understanding Human Communication. – USA: The Diren Press Saunders College Publishing, 2000. – P. 78, 180.
6. Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. 2-нашри. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б.85 – 161 б.
7. Абдуллаев Ф. Узбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир // УзР ФА Тил ва адабиёт институти асарлари. – Т.: Фан, 1949.- Б. 25-26.
8. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. – Т., 1973. – 51–55 б.
9. Аведжанова Р.М. Обучение русскому речевому этикету студентов национальных групп педвузов. Автореф. ... канд. пед. наук. – Т., 1991.
10. Акишина Н.А. Русский речевой этикет. – М.: Русский язык, 1975.
11. Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. – М.: Флинта, Наука, 2010. –С. 21.
12. Американа. Англо-русский лингвострановедческий словарь / Под ред. Н.В.Чернова. - Смоленск, 1996.

13. Ангаева С.П., Тыхеева Ю.Ц. Ключ к общению (этнокультурные и этнопсихологические особенности коммуникации). –Улан-Удэ: Изд-во ВСГТУ, 2007. – С. 15.
14. Антипов Г. А., Донских О. А., Марковина И. Ю., Сорокин Ю. А. Текст как явление культуры. – Новосибирск, 1989. –С. 75.
15. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. - М.: Наука, 1957.-186 с.
16. Артюшкина Л.В. Семантический аспект эвфемистической лексики в современном английском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – М., 2002.
17. Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс// Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. –С. 5–32.
18. Атаханова Г.Ш. Номинация возраст человека в когнитивно-прагматическом и лингвокультурологическом аспектах (на материале английского языка): Дисс. ...канд. филол.наук. –Тошкент.: НУУз им. М. Улугбека, 2006. – 164 с.
19. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. -М.: Наука, - 371 с.
20. Базарова Л.В. К вопросу о соотношении языка и культуры // Образование и культура России в изменяющемся мире. – Новосибирск, 2007. – С. 72–76.
21. Бегматов Э.А. Номлар ва одамлар. -Т.: Фан, 1966.- 56 б.
22. Бердова Н.М. Эвфемизмы в свете теории вторичной номинации: Автореф. дисс... канд.филол.наук. – М., 1998.
23. Богданов В.В. Функции вербальных и невербальных компонентов в речевом общении // Языковое общение: единицы и регулятивы. –Калинин, 1987. –С.18–25.
24. Бойко Т.В. Эвфемия и дисфемия в газетном тексте: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 2005.

25. Босчаева Н.Ц. Контекстуальная эвфемия в современном английском языке. – Л., 1989.
26. Босчаева Н.Ц. Эвфемистичность в диалогической речи. - Л.: ЛГУ, -178 с.
27. Булаховский Л.А. Введение в языковедение. –С. 49; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1966. –С. 467.
28. Бушуева Т.С. Прагматический аспект эвфемизмов и дисфемизмов в современном английском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Смоленск, 2005.
29. Бушуй А.М. Проблематика теории речевой деятельности в интерпретации А.С.Супруна // Русский язык и литература в школах Кыргызстана. – Бишкек, 1999. – № 5–6. – С.143–155.
30. Бушуй Т.А. Лексическая прагматика как общелингвистический объект // Хорижий тил таълиминингкогнитив–прагматик тамойиллари. – Самарқанд: СамДЧТИ. 2007.
31. Вандриес Ж. Язык. - М.: Соцэкгиз, 1937. - 410 с.
32. Воробьев В. В. Лингвокультурология. Теория и методы. –М., 1997.
33. Воробьев В. В. О статусе лингвокультурологии // IX Международный Конгресс МАПРЯЛ. Русский язык, литература и культура на рубеже веков. Т. 2. – Братислава, 1999. –С. 125-126.
34. Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистики. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. – М.: Прогресс, 1985. – С. 217–237.
35. Гумбольдт фон В. Избранные труды по языкознанию. – М.: «Прогресс», 1984. – 397 с.
36. Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. – 452 с.

37. Дейк Ван Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989. – С. 311.
38. Дмитриева Л.М. Топонимическая картина мира: отражение бытийных ценностей //Язык. Человек. Картина мира: Мат-лы всерос. конф. – Омск, 2000 – С. 37-41.
39. Жельвис В. И. Смерть в немецких эвфемизмах [Текст] / В. И. Жельвис // Ярославский педагогический вестник. - 2012. - № 4. - Том 1 (Гуманитарные науки).
40. Иброҳимов С. Ўзбек тили нутқ маданиятига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 1964, –№ 5. –20–23 б.
41. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан номз... дисс. автореф. –Самарқанд, 1993. – 27 б.
42. Исмаилова Б. Категория образности и средства ее выражения в словообразовательных системах английского и киргизского языков: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ТГПИ, 1989. –150 с.
43. Исматуллаев Н. Хозирги узбек тилида эвфемизмлар // ТошДПИнинг «Илмий асарлар»и. - Т.: ТошДПИ, 1963. - Т.42; китоб И. -Б. 3-59.
44. Исматуллаев Н. Эвфемизмларнинг лугат составини ва суз маъноларини бойитишдаги ахамияти // Тош ДПИнинг «Илмий асарлар»и. - Т.: ТошДПИ, 1964. - 2-китоб. - Б. 3-12.
45. Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Т., 1963.
46. Йўлдошева М. Муваффақият калити. Расмий муомала маданияти, яхши таассурот уйғотиш йўллари, раҳбарлик санъати. –Т.: Yangi asr avlodi, 2004. – Б. 29.
47. Кавинкина И.Н. Психолингвистика. Пособие для студентов педагогических специальностей высших учебных заведений. –Гродно: ГрГУ, 2010. – С. 152.
48. Каган М.С. Мир общения. –М.: Политиздат, 1988. –С. 138.

49. Кадирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: Филол. фанл. номз. дисс. – Т., 2009. – 134 б.
50. Кайковус У. Қобуснома. (Форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси) – Т.: Ўқитувчи, 1986. – 41 б.
51. Камолова М. Особенности формирования коммуникативной компетенции при обучении культуре узбекских учащихся лицеев с русским языком обучения. –Т., 2004.
52. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. - М.: Наука, 1976. - 323 с.
53. Кацев А.М. Эвфемизмы в современном английском языке: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. -Л., 1977. - 19 с.
54. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука. – 30 с.
55. Кобозева И.М. Теория речевых актов как один из вариантов теории речевой деятельности // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. – М.: Прогресс, 1989. – С. 7–21.
56. Крысин Л.П. Речевые общение и социальные роли говорящих // Социально–лингвистическое исследование. – М.: Наука, 1976. – С. 42–52.
57. Крысин Л.П. Эвфемизмы с современной русской речи. Русский язык конца столетия. – М.: ЭКСМО, 1996;
58. Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975. – 240 б.
59. Қўчқортюев И. Бадиий нутқ стилистикаси. –Т.: Фан, 1975. –96 б.
60. Лакофф Д., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем // Теория метафоры. – М., 1990. – С. 387-416.
61. Леонтьев А.А. Психология общения. – Тарту, 1973. –С. 208.
62. Малсева Д. Г. Германия: страна и язык: Лингвострановедческий словарь. - М., 1998.

63. Малсева Д. Г. Германия: страна и язык: Лингвострановедческий словарь. - М., 1998;
64. Маслова Б.А. Введение в лингвокультурологию. – М.: Наследие, 1997.
65. Маслова В. А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –М.: Академия, 2001.
66. Махмудов Н. Тил. –Тошкент: Ёзувчи, 1998. –Б. 9-10.
67. Менглиев Б. Тилда имконит ва воқелик муштарақлиги // Маърифат, 2013 йил 15 май.
68. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. –Б.121.
69. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий–лисоний хусусиятлари: Филол. фан доктори... дисс. автореф. – Т., 2000. – 20 б.
70. Муравлева Н.В. Австрия: Лингвострановедческий словарь. - М., 1997
- 71.Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
72. Нурмонов А. Тасдиқ ва инкорнинг паралингвистик воситалар ёрдамида ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1979. – №1. – Б.32-33.
73. Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006.
74. Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик воситаларнинг функционал хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди. ...дисс. – Тошкент, 1997.
75. Падучева Е.В. Пространство в обличий времени и наоборот (к типологии метонимических переносов) // Логический анализ языка. Языки пространств / Отв. ред. Н.Д.Арутюнова, И.Б.Левонтина. – М.: Языки русской культуры, 2000. – С. 239-254.
76. Пардаев А. Ёрдамчи сўзларда имконият ва воқелик муштарақлиги // Маърифат, 2013 йил 6 ноябрь.

77. Раҳматуллаев Ш. Семемалар мустақил тил бирлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1984.–№ 5. – Б.17–20

78. Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланишлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1974. – № 1. – 18-22 б

79. Раҳматуллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1992.

80. Реймов Б.Х. Фразеологические единицы английского языка характеризующие эмоциональное состояние человека: Дисс... канд. филол. наук. автореф. – Т., 2005. – С. 34.

81. Реформатский А.А. Введение в языковедение. - М.: Просвещение, - 544 с.

82. Робинс Р. Н. Генерал Лингвистисс. Ан Интродусторй Сурвей. – Лондон, 1971. –Р. 27; Верещагин Е. М., Костомаров В. Г. Язык и культура. – М., 1990. –С. 26.

83. Рождественский Ю.Д., Блинов А.В. Введение в языкознание. – Москва: Академия, 2005. – С. 23–24.

84. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – М., 1946. – С. 677.

85. Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспектлари. Филол. фанл. б. фал. док. ...дисс. автореф. – Фарғона. 2018. – 126 б.

86. Самойлович А.Н. Женские слова у алтайских турков // Язык и литература. - Л., 1929.- Т.111. - С. - 124-125.

87. Сат Ш.Ч. Табу и эвфемизмы в тувинском языке // Советская тюркология. - Баку, 1981. - №5. - С.45-46.

88. Сафаров Ш. Система речевого общения. Универсальное и этноспецифическое. – Самарканд: Сам. отд. из-ва им. Гафура Гуляма, 1991. – С. 170.

89. Сепир Э. Грауддирование. Семантическое исследование. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике: Вып. 16., Прагматика.– Прогресс: 1985. – С. 43-78.
90. Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи // Избранные труды по языкознанию и культурологии. – С 185.
91. Сепир, Э. Язык, раса, культура // Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М, 1993. – С.193.
92. Серль Дж. Р. Косвенные речевые акты // Новое в зарубежной литературе. – М.: Прогресс. 1986.
93. Слышкин Г.Г. От текста к символу. Лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании дискурса. –М.: Издательский центр «Академия», 2000.
94. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: «Языки русской культуры», 1996. – Б. 226.
95. Тешабаева Д.М. Культура составления деловых писем в торговой сфере. – Т., 2008. – С. 112.
96. Токарев Г. В. Лингвокультурология. Учебное пособие. –Тула: Издательство ТГПУ им. Л. Н. Толстого, 2009.
97. Толстой Н.И. Некоторые проблемы и перспективы славянской и общей этнолингвистики // Известия АН СССР, серия литература и язык-1982. - Т.41.- №5. - С. 397-405.
98. Толстой, Н. И. Язык и культура // Язык и народная культура. Очерки по славянской мифологии и этнолингвистике. – М., 1995. – С.16
99. Тоҳиров З.Т. Прагматик сема. – Т.: Зарқалам, 2004. – 22 б.
100. Тошалиев И. Стилистик норма муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1984. – №5. – Б. 2942.
101. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 8– жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – Б . 218–219.

102. Усманова Ш. Таржимонлик фаолиятининг лингвомаданий аспектлари. Маърузалар курси. –Тошкент: 2014.
103. Утешева З.Х. Лингвокультурологический аспект в методике обучении речевого этикета на иностранном языке: Автореф. ... канд. филол. наук. – Т., 2009. – С. 25.
104. Фалсафа: комусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: Шарқ, 2004. – 476 б.
105. Федоров Л. В. Основы общей теории перевода. –Москва.: «Высшая школа». 1968. – Б. 181-188.
106. Формановская Н.И. Функциональные и категориальные сущности устойчивых формул общения. Автореф. дисс... докт. филол. наук. –М., 1979.
107. Фразеологический словарь русского литературного языка / Под ред. А. И.Федорова. –М., 1996.
108. Франк Д. Семь грехов прагматики: тезисы о теории речевых актов, анализе речевого общения, лингвистике и риторике. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. ХВИИ Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1989. – С. 363–373.
109. Худайбергенова З., Усмонова Ш., Таржиманинг лингвомаданий масалалари. – Т.: 2016. –111 б.
110. Худойбергенова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – Б. 33.
111. Худойбергенова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. –Т.: Фан, 2013.
112. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати / Н.Маллаев таҳририда. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – 300 б.
113. Шаҳобиддинова Ш. Амалий тилшунослик истиқболлари // Маърифат, 2013 йил 6 июль.
114. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Л.: Наука, 1974. – С. 428.

115. Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. – Т.: Маънавият, 2007. – 55 б.
116. Эрназарова М. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида: Монография. – Т.: Фан, 2015. – Б.14
117. Юсуф хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. 2-нашр. – Т.: Фан., 1972. – 196-197 б.
118. Яковлева Е.С. Фрагменты русской языковой картины мира // Вопросы языкознания. – Москва, 1994. – №5. – С. 73–89.

Интернет манбалари:

1. [https:// www.stylistiss.academic.ru](https://www.stylistiss.academic.ru)
2. [https://www. books.google.co.uz/books?id=0eL63Jc0EdMC](https://www.books.google.co.uz/books?id=0eL63Jc0EdMC)
3. <https://www.englishclub.com/speaking/titles.htm>
4. [https://www.glosbe.com/en/en/to% 20lose% 20one's% 20wind](https://www.glosbe.com/en/en/to%20lose%20one's%20wind)
5. <https://www.phrases.org.uk/meanings>
6. <https://www.powerthesars.org/quitbreathing>
7. <https://www.uz.wikipedia.org/wiki/Tabu>
8. <https://www.vspu.ru>
9. <https://www.ef.ru/englishfirst/englishstudy/articles.aspx>